ҒАЙРИТАБИИЙ:

Уилльям Бранхамнинг ҳаёти

БИРИНЧИ КИТОБ:

ЎСПИРИН
ВА УНИНГ
ТАҲҚИРЛАНИШИ

(1909 — 1932)

Оуэн Джоргенсен

Бу китоб барча ўқигандарингиздан фарқ қилади. Табиийки, ҳикоя қилишда анча драматизм бор...

Кутилмаганда жуда яқин масофадан қурол отилиб, тўппа-тўғри Биллининг оёғига тегди. У оғриқдан чинқириб орқага йиқилди.

Джимми тиззалаб олиб, кўз ёшлари аро дудуқланарди:

— Билли кечиргин! Илтимос, кечир! Бу бахтсиз ҳодиса эди! Мен билмасдан...

Кейин у дўстининг оёғига яқинроқ келиб қаради ва юзи оқариб кетди.

— Билли қимирлама! Мен ёрдам учун бориб келаман, чопалаб.

— Йўқ мени ташлаб кетма! ─ Билли қичқирди.

Лекин Джимми уёқ-буёққа қарамай қуёндай еларди. Билли оёқларига қарагач, даҳшатга тушди, ўқдан тешилган, оёқлари қарийб, иккига бўлиниб кетган еди.

Лекин воқеалар эндигина ривожлана бошлайди. Сўнгра, ғайритабиий воқеа юз берадики, улар кейинги воқеаларнинг боришига қарашларимизни мутлақо ўзгартиради.

Муаллифлик ҳуқуқи © 1994
Оуэн Джоргенсен

Муаллифлик ҳуқуқи халқаро ва понамерика муаллифлик ҳуқуқи қонунлари билан ҳимояланади. Бу китобнинг нашр қилиниши муаллифнинг ёзма руҳсати туфайли амалга ошди.

Китобнинг инглизча асл нусхаси:

Tucson Tabernacle
2555 North Stone Avenue
Tucson, Arizona 85705
АҚШ да чоп қилинган

Дунёнинг узоқ бир бурчагини қаеридадир, ўспирин ўз саволларига чин дилдан жавоб излайди:

Ҳақиқатдан ҳам ўзи Худо борми? Агар бор бўлса, қаерда?

Ким Ўзи У?

Шу Худони мени ҳаётим қизиқтирадими?

ЁШ ИЗЛАНУВЧИ, бу китоб сенга бағишланади, чунки бу саволлар қачонлардир менинг ҳам олдимда турган эди.

Мундарижа

Муаллифдан.
Ў спирин ва унинг таҳқирланиши.

1. **Туғилишидаги сирли аломат.**
2. **Унинг биринчи вахийси.**
3. **Қашшоқлик исканжасида.**
4. **Шафқатсиз дўппослангани.**
5. **Тўсатдан қуролдан яраланиш..**
6. **Қақшатқич зарба.**
7. **Саҳрога қочиш.**
8. **Аломатлар ҳамроҳлигида.**
9. **Унинг охирги имконияти.**
10. **Имонининг илк синови.**
11. **Ғайритабиий Хушхабарга аталганлиги.**

Муаллифнинг изоҳи.
Маълумот манбалари ва адабиётлар.
Мавзулар кўрсатгичи.
Кейинги китоблар тўғрисида маълумот.

Муаллифдан

Ушбу лойиҳам устида иш бошлашим биланоқ, мен қийин саволга дуч келдим: “ Олбин бунчалик кам ёзилган, бу мавзуни баён қилишнинг қайси йўлини танласам экан?” Уилльям Бранхам ҳаётининг катта қисми инсон кечинмалари сарҳадларидан шунчалар йироққа чиқадики,уни чегараланган ҳажмдаги китобда керакли тарзда изоҳлаш қийин. Менинг муносабатимда афзалликлар бўлганидек, чегараланишлар ҳам бор. Уларни бошданоқ Сизлар билан баҳам кўрмоқчиман.

Шу ишни ушлашдан олдин, ҳар қандай биограф бир қатор маълум бир қарорларини қабул қилиши керак. Китобнинг мавзусини тематикми ёки хронологик тарзда ривожлантириш керакми? Унинг нияти қандай ўқувчиларни диққатини ўзига жалб қилиш? У қандай тушиниш даражасида ёзиши керак? Китоб қандай ҳажмда бўлиши керак? Унга қайси воқеаларни киритиши керак, ва ҳар қайси воқеа бўйича қанақа тафсилотларни баён қилиши керак? Йиғилган материалларни таҳлил қилиши керакми, ёки воқеаларни бирор — бир изоҳларсиз ёзиши керакми? Бу рўйхатнинг охири ва чегараси кўринмайди...

Агар воқеаларнинг аста-секин ривожланишини кузатиб борилса, китобхонда Уилльям Бранхам ҳаёти ҳақида яхшироқ тассавур туғилади деган ҳолда, мен бу биография салоҳияти (мазмуни)ни хронологик (йилнома) тарзида туздим.

Аксарият биографлар ёритадиган воқеаларни келажакдаги аҳамиятини тушунтиришда ва таҳлил қилишда, ўз китобларида “Ҳаммажойда ҳозир” бўладилар. Мен бундай қилмасликка қарор қилдим. Ҳикоя қилишда ҳар бир воқеанинг аҳамияти Уилльям Бранхам ўзи унинг муҳимлигини англамагунча сир сақланади. Бу эса, у ҳаётини қандай яшаган бўлса, шу тарзда кузатиб бориш имконини беради; характерини етилиб боришини тушуниш ва у ҳаётининг ғайриоддийлигининг маъносини англаш учун аёвсиз курашини тўғри баҳолаш имконини беради.

Модомики, Уилльям Бранхам биографияси илгари ҳам бир неча марта нашр қилинган экан, бу ҳикояни кенг ва батафсил ёзишни зарур деб ҳисобладим. Рўй берадиган воқеаларнинг таҳлилини минимумгача тушириш учун диққатимни ғайритабиий кечинмаларга бой ҳодисаларга қаратмоқчиман. Натижада кишини ўзига тортадиган кенг қамровли китоб пайдо бўлди. Мен ўйлайман, Сиз 7-синф ўқувчиси бўласизми ёки университет профессорими, Сиз ўқиганингизда саҳифаларни варақлаб улгурмайсиз.

Аммо бу китобнинг афзаллигида нозик томони ҳам бор.Модомики, бу биография кенг романга ўхшаш динамик варавон ҳикоя қилинади, айрим ўқувчилар уни бадиий тўқима дея васвасага дучор бўлишлари ҳам мумкин. Бу уларнинг хатоси бўлади. Кўплаб ҳикоялар хужжатлар билан тасдиқланган. Ўзимнинг текширишларимда мен газета ва журнал мақолларидан, китоблар, фотографиялар, фильмлар ва айрим Уилльям Бранхам билан шахсан таниш бўлган ва бу биографияда ёзилган айрим ғайритабиий воқеаларни кўрган одамларнинг гувоҳликларидан фойдаландим.

Бироқ, шундай бўлса ҳам, мен энг кўп маълумотни Уилльям Бранхамнинг шахсан ўз гувоҳликларидан олдим: 19 йил мобайнида мамлакатда ва чет элларда 1100 та ваъзлари тасмага ёзилган эди. Уларнинг кўпларида у ғайритабиий кечинмалари тўғрисида ҳикоя қилган ва ҳозиргача бўлиб ўтган воқеалар ҳақида батафсил тушунтириб, диалогларни ҳам келтириб, бир неча марталаб айтган. (Бу ҳақида китобнинг охирида “Муаллиф изоҳлари”да батафсилроқ ўқишингиз мумкин).Кўпинча Уилльям Бранхам шу воқеалар бўлиб ўтганда, унинг ўзи нима деб ўйлагани ҳақида ҳам гапирган. (Биографнинг орзуси ушалди!). Тафсилотга бой ва ишончли манбааларнинг маълумотларини кўплиги биографияни қизиқарли ёзилиши учун қулай замин яратди. Буни ҳикоя қилишда ташқи жило, илмий сайқал йўқлиги ҳам бу усулнинг афзаллигидир деб ҳисоблайман. Менинг бу китобни ёзишдан мақсадим, Сиз бу китобни ўқиб, замонамизнинг энг буюк инсонларидан бири ва ҳамма даврлар ва замонларнинг буюк инсонларидан бири билан яхши танишишингиз учундир.

Оуэн Джоргенсен, 1994 й.

БИРИНЧИ КИТОБ:

ЙИГИТ
ВА УНИНГ
ТАҲҚИРЛАНИШИ

(1909 — 1932)

1909 йил 6 апрелида Уилльям Бранхам туғилган Кентукки штати, Берксвилли яқинидаги ёғоч кулба

1 БОБ
ТУҒИЛИШДАГИ СИРЛИ АЛОМАТ
1909 — 1912

1909-йил **АПРЕЛИ ЭДИ.**

“...Ўн беш ёшда туғиш жуда эрта ҳам эмас, — ўзига далда беришга ҳаракат қилиб, Элла Бранхам бурни остидан ғулдиради. — Бўлмасачи, ахир, мени тайёрлигим ёмонмас-ку, улардан...”

Олдингидан ҳам анча сезиларли ва бу сафар кучлироқ оғриқ унга яна санчилди. Элла оғриқнинг зўрайиши билан ваҳимаси оша бошлаганини сезди. У қорнини ушлаганча инграрди: “Фақат ҳозир эмас. Ялинаман, ҳозир эмас. Чарльз уйга келмагунича, йўқ”.

Пешонасидан тер томчилари чиқди. Қўпол рандаланган, эшикни ўртасида қурилган, кулбанинг ягона деразасига чайқала-чайқала қоқ ерни босиб яқинлашди. Деразада шиша йўқ эди, —унда фақат ёғоч тахта бор эди, Элла уни кундузи очиқ қолдирар ва кечқурун ёпар эди. Ҳозир у очиқ эди.

“Ча-а-а-арльз!” — қичқирди у. Ҳамма ёққа чўзилиб кетган кенг тепаликлар ва ботиқликларидаги Кентукки ўрмонларида унинг товуши йўқолиб кетгандай эди.Унинг овози, ҳар тарафга чўзилиб кетган бепоён сайхон тепаликлар ва жарликлардан иборат узоқ Кентукки ўрмони чеккаларидан йўқолиб кетгандай эди. Энг яқин қўшниси ҳам бир неча километр узоқда яшашини билганидан, Эллани руҳий тушкунлик туйғуси эгаллади. Оғриқ унинг қорнини роса эзиб, ваҳимага солди. “Чарльз! — яна қичқирди у. — “Чарльз, сен қаердасан ахир?” Кейин унинг овози дармонсиз ҳиқиллашга айланди: “Илтимос, уйга кел. Сен менга жуда кераксан”.

Ўша куни эрталаб ёғоч тайёрловчилик заводидан маош олган Чарльз, янги канбинезон харид қилиш учун, Кентукки штати Берксвилл шахрига жўнади. “Бу менинг биринчи фарзандим шарафига”, — деди у. Аммо нимадандир узоқ ушланиб қолди? Уни бирор киши қаҳвахонада ўзига тортмадимикин? Агар шундай бўлса, бу уларнинг бир йиллик биргаликдаги ҳаётида биринчи марта эмас эди. Лекин Чарльз бугун бундай қилишни албатта ўйламади ҳам. Уларнинг боласи ҳар бир дақиқада туғилиши мумкинлигини биларди.

Тўлғоқ тўхтади, лекин Элланинг танаси жуда ҳолсизланар эди. У эшикнинг ёрилиб кетган ёндорига оғир суяниб, куртаклар ёза бошлаган заранг ва эманларнинг орқасида қуёш ботишини кузатди.Тахтани ёпа туриб, Элла сесканиб кетди.

Қўпол йўнилган болорлар ёриғидан ичкарига тушиб турган ботаётган қуёш нури, энди хонани ягона ёритиш манбаи эди. Оёқчалар ўрнига ёғоч қозиқчалари бор, арраланган тўнка курсига — қўлда қилинганягона мебель ва стол бўйлаб тушиб турган ёруғлик нури аста-секин ҳаракатланарди. Узунлигиуч ярим метр бўлган ягона хонада, деворлардан бирига михланган эски модадаги каравот ҳам бор эди. Элла чайқала-чайқала каравотга келди ва мадорсизликдан сомон тўшакка йиқилди, ёпинғични иягига тортишга ҳаракат қилди. Кукуруз похоллари тиқилган ёстиқ , бошини ҳар бир ҳаракатида шитирларди. Хонани қоронғилик қоплаётганида, у Техас штати, Парисдаги қанчалик қочиб кетишни хохлаган ўз уйидагикунларининг хотираларигачўка бошлади. Ҳозир унинг шу аҳволида у, ўтган йилги ҳеч чидаб бўлмайдигандай туюлган нарсалар, унчалик ҳам ёмон кўринмасди.

Техасда у Элла Харви бўлиб ўсди. Унинг отаси мактаб ўқитувчиси, овчи ва қопқон қўювчи эди. Онаси чероки қабиласидан бўлиб, тўлақонли ҳинду эди. Онасининг безгакдан ўлишига қадар, тўрт боладан энг каттаси бўлган Элланинг болалиги яхши, ташвишсиз бўлган эди. Бу уч йил бурун бўлган эди. Ўша вақтда у ўн иккида, энг кичик укаси бор-йўғи тўрт ёшда эди. Оналик ташвиши, оғир юки унинг бўйнига юкланди.

Бир йилдан сўнг ковбойлар мусобоқасида Элла Чарльз Бранхамни учратди. Чарльз унча баланд бўлмаган ва қадди-қомади келишган, қора жингалак сочли, кенг елкали йигит эди. У ковбойлик устомонлиги-маҳоратига эга ва ҳар қандай ярим ёввойи ҳайвон билан беллашишгаотиларди. Элла унга маҳлиё бўлиб қолди. Чарльз ўн саккиз ёшда, у эса ўн тўртда, лекин анча каттароқ кўринар эди. Шу пайт никоҳ, унинг ука ва сингилларионқасидан қарашнинг оғир ташвишлардан қутилишнинг қулай фурсати бўлиб туюлганди. Энди эса, у, бу бор-йўғи оловдан — алангага сакрамадиммикин, дея қийналарди. Бу ерда, Кентукки тепаликларида, энг яқин доктордан ҳам 64 километр узоқда, у ўн беш ёшли бегона қиз эди; унинг на дўстлари, на танишлари — унга ёрдам берадиган бирор кишиси йўқ эди. Бошини ёстиққа тираб, Элла ҳўнграб юборди.

ЧАРЛЬЗ БРАНХАМ кулбага қоронғу тушгандан кейин бир соат ўтгач қайтди. Албатта, у ичиб келди, аммо эсини йўқотгудек эмас эди. У ёш хотини ухлаётган бўлса, тинчлигини бузмаслик учун, эшикни астагина очди, аммо унинг инграшини эшитди. Чарльз шарта елимли (ёғли) қарағай шохчаларини ёқди ва шиша идиш қопқоғига қистирди. Қарағай боғчаси нурсизгинаялтираб, гоҳ чирсиллаб ва бурқсиб ёнарди. Кулбача табиий тарзда шамолларди: Тутун болорларни оралаб кўтарилар, бош устидан понасимон томнинг васталари тирқишидан тарқаларди.

— Чарльз, — Элла аранг пичирлади, — ўша кутган кечамиз ҳам келди. Бор ойингни олиб кел.

Чарльз оловни ёқди, сўнгра шошилинч онасининг кулбасига жўнади. Кеча совуқ ва равшан эди. Юлдузлардан таралган нур унга йўлган адашмасликка ёрдам берар эди. Бир соат ўтиб, у онаси ва икки қўшниси билан қайтди.

Бранхам биби чўчқанинг терисидай дағал ва чўрт кесар кампир эди. Лекин тўлғоқ азобларида қийналаётган ўн беш ёшли қизчанинг қаршисида унинг юраги, худди иссиқ енот мойи этикнинг терисини юмшатганидек, юмшади. (Гап, Бранхам бибининг қачонлардир этик кийгани ҳақида эмас. Унинг умри давомида бир жуфт ботинкаси бўлмаган.) Энди у вазиятни ўз назоратига олди. Ўн етти фарзандни тарбиялаб, навбатдаги келинига дояликкa яхши тайёрланган эди. Онаси ташқарида кутишини талаб қилганида, Чарльз тортишиб ўтирмади. Ёпинғични олиб, кулбанингбир деворига қараб қурилган айвон тагига эмаклаб кириб, пўстлоқ бўлаклари ва ёғоч қириндилари устига ётиб олди. Чарльз асабларини тинчлаштириш учун, чўнтагидан ароқли фляжкани олиб, ялтирагунча ишқалади. Кўп ўтмай донг қотиб ухлаб қолди.

Тонг отишига яқин, кулбада безовталик ошди, диққат кучайди. Шарқни шафақ эгаллаганда, Чарльз уйғонди, лекин қуёш уфқдан кўтарилмаган эди. Ухлаб қолганига ўзидан ғазабланди, кейин юрагига ғул-ғула тушди, — ахир бола ҳали дунёга келмаганди. “Балки, бир ишкал борми? Балки мен киришим ва ҳаммасини текширишим керакдир?” Лекин у ҳаёлларини йиғиб улгурмай,чақалоқнинг

ўткир қичқириғини эшитди. Кулбанинг эшиги ланг очилиб, ҳамсоялардан бири қичқирди: “Чарльз, сенда ўғилча!”

Чарльз қўрқа-писа судралиб ичкарига кирди ва орқасидан эшикни ёпди. Столдаги мойли шамдан хона тутунга сасирди. Бранхам буви болани ювинтириб бўлди. Тахминлаб унинг вазнини беш фунтга[1] чўтлади ва эъзозлабгина уни онасининг қўлига тутди.

[1] 2 кг 279 г (Тарж.)

Чарльз қўлларини янги комбинезони кўкраги ичига тиққанча, каравот олдида туриб,ҳаракатчан, чинқироқ ва айни замонда жажжигина одамчани — ўз ўғлини асабий кузатар эди.

— Чарльз унда сенинг мовий кўзларинг, — деди Элла.

Чарльз бу кўзчаларга қарай бошлади, лекин хира ёруғликда унинг рангини фарқлай олмади.

— Унга биз биринчи Уилльям исмини, — деди у, — иккинчи исми Маррион бўлади.

— Уилльям... Маррион... Бранхам, — деб юборди Элла. — анча бурро ва баралла эшитилади. Бунинг устига уни Билли, деб чақирсак ҳам бўлади. Чарльз, мен ўйлайман, сенинг жингала сочларинг ҳам Биллида бўлади. Дарчани очгинчи, мен уни яхшироқ кўришим учун.

Бу 1909 йилнинг 6 апрели, сешанба эди. Сахар, бор-йўғи бешдан бир неча дақиқа ўтган. Гарчи, ҳали қуёш чиқмаган бўлсада, ёришаётган куннинг нури болорлар ёриқларидан сал-пал тушиб турар эди. Чарльз тахтани очди-ю, сесканиб орқага тисланди. Очиқ деразадан нимадир яшиндай ичкарига учиб кирди. Бу йўғонлиги 1 футдай[2] келадиган,юлдузга ўхшаш ёруғлик нурининг боғчаси эди.

[2] 1фут = 30 см (Тарж.)

Элла қичқириб юборди ва боласини кўкрагига маҳкам босди. Қолганлар эса қаттиқ ҳайратдан орқага, деворга тисарилдилар. Ғалати нур хонани бир неча бор учиб айланди, кейин нур сочиб, сариқ-яшил шуъла билан товланиб, ёш она ва бола устида муаллақ турганча, каравот устидатўхтади. У шу ҳолатда бир дақиқадан камроқ турди — кўп эмас, — аммо, шунинг ўзи хонада бўлганларнинг ҳаммаси буни шак-шубҳасиз кўрганлиги учун етарли эди. Кейин, оловли шар қандай тез кирган бўлса, худди шундай стропиллар орасидан гирдобдай учиб, уларни тарк этди.

Чарльз катта-катта нурсиз “шиша” кўзлари билан томнинг васталарига тикилиб қолди. Тўсатдан қанотлар қоқилиши эшитилди ва эшикка, очиқ дераза тахтасига қўнган каптарга эътибор берди. Қордай оппоқ каптарча бир нарса излагандай, қизиқиб хонани қараб чиқди. Чақалоққа кўзи тушиб, у бошини чўзиб ғув-ғувлади ва тезда учиб кетди. Чарльз бир-икки лаҳза қушни кузатиб, сўнгра кўзини баландга, томга қадади.

Қўшниларидан бири ғулдиради: “Ҳа, мен ҳеч қачон...”

Бошқаси ўйланарди: “Мен учун қизиқ, бу бола ким бўлар экан?”

Билли Бранхамнинг туғилганига бор-йўғи ўн беш минут бўлганди.

“БОШИ УСТИДА НУР билан туғилган, ўша тепаликдаги гўдак” ҳақидаги хабар тоғликлар орасида тез тарқалди. Баъзилар буни қуёш нурларининг ойнадаги акси, деб қабул қилишиб, бу сўзларни эшитмаганга олдилар, тез унутдилар. Чарльз ва Элла эса бу нарса ундай эмаслигини билардилар, ахир уларнинг кулбасида ҳеч қанақа ойна йўқ эди. Бунинг устига қуёш ҳам ҳали чиқмаганди. Уларнинг бошлари қотган эди: бу нурда бирор руҳий маъно бормикан? Чарльз бу ҳақида унутишни истарди, аммо Элла унга тинчлик бермасди. Элла “нимадир қилиш керак”, деб туриб олди ва ниҳоят, боласини черковга этиб Худога бағишлашга қарор қилди. Биринчи пайтлар Чарльз бу ғояга қарши турди, аммо охирида ўзининг феълига зид бўлса ҳам, рози бўлди. Энди савол бошқачасига турар эди: қаёққа ўзи уни этишлари керак?

Чарльз Бранхамнинг келиб чиқиши қатъиян ирланд-католикларидан эди. Чероки қабиласигатегишли бўлган онасини ҳисобга олмаса, Элланинг насл-насаби Харви томонидан ирланд католикларидан эди. Аммо на Чарльзда, на Эллада шахсий диний эътиқодни бўлмаганлиги — уларни католиклик илдизидан тубдан ажратиб турарди. Ва улар шунга келишдилар: энг яқин черков уларнинг ниятларини амалга оширадиган черков бўлади.

Шундай қилиб, Билли Бранхам икки ҳафталик бўлгач, Чарльз ва Элла уни йўргакладилар ва Оппосумлар Шоҳлиги[3] номли баптистлар черковига олиб бордилар. Тескари қўйилган ёғоч ғўлалар устига ўрнатилган курсилар ва қоқ ердан иборат оддий ёғоч бинода ҳар якшанба катта бўлмаган мажлисга йиғилинарди. Бу черковда доимий руҳоний бўлмасди. Кўпинча ҳар якшанба йиғилишиб қўшиқ айтишар ва Библиядан ўқишар эди. Лекин ҳар икки ойда округ воизи келар ва ваъз қиларди. Ўша куни кекса ваъзхон ўша ерда эди. У кичик Уилльям Маррион Бранхам устидан, Худодан бу болани қачондир Ўз хизматига ишлатишини сўраб, ибодат қилди. Бу йигирма уч йил мобайнида, бирдан-бир марта Билли Бранхамнинг черков биносида бўлиши эди.

[3] Бу черков, эҳтимол, ўша жойларда кўплаб опоссумлар бўлганлиги сабабли аталган бўлиши мумкин, опоссумлар халтачали ҳайвонлар гуруҳидандир. (Тарж.)

ЁҒОЧ ТАЙЁРЛАШДА ИШЛАШ Чарльзни тез-тез, бир ҳафталаб хотини ва ўғлидан четлатар эди. 1909 йилнинг октябридаги қор бўрони уни уйдан узоққа, ёғоч тайёрловчилар посёлкасига ўтишга мажбур қилди. Иккинчи боласига тўртинчи ой ҳомиласи билан Элла, озиқ-овқат запаси тугаётганлигидан безовта бўла бошлади. Ўтин тугагач, ёш дов-дарахт, қуруқ шохлардан кесиб келиш учун, оёқларини ун халталари билан ўраб ва белигача қорга ботиб, ўзига йўл очиб борар эди. Кейин уларни кулбага ташиди, оловни ўчирмасликка қаттиқ тиришди. Аммо озиқ-овқат тугагач, Элла умидсизликка тушди. Олов ўчди, фақат кули қолди. Элла яна бир бор ўрмонга ўтин учун боришга мадори йўқ эди. Кулбадаги ҳар бир парча кийимларни йиғиб, ўғлига ва ўзига иложи борича яхшироқ ўради, каровотга чиқиб, иккаласига ёпинғични тортди. Ташқарида жазавада шамол эсарди. Хона шунчалар совидики, челакдаги сув музлади. Элла нигоҳини юқорига, тўсинларга қададди ва ўғли туғилишида кўринган ғалати нур тўғрисида яна фикрлай бошлади. Шу ўтган олти ой ичида уни тез-тез ўйларди. Баъзан буларнинг ҳаммаси Биллининг буюк бир нарсага аталганининг аломати бўлиб туюларди. Энди эса, уларнинг юзига ўлим нафаси эсаётган бир пайтда, булар беъманилик бўлиб кўринди.

Унинг энг яқин қўшниси водийнинг бошқа томонида яшайдиган қария эди. Қор бўрони тингач, қўшниси у бу ишларни қилиш ва қараш учун кўчага чиқди. Бранхамлар кулбасини фақат томини кўрди ва мўрисидан тутун чиқмаётганлигини сезди. Ўша пайтда бунга жуда ҳам аҳамият бермади. Бир неча кун ўтгандан кейин эса уни хавотир босди. Бўронбошланганда кулбадан тутун чиққанини билар эди, бўрон пайтида эса кулбадан ҳеч ким кетишга журъат қилмаслиги керак. Бирор ёмон нарса содир бўлганини сезиб, ҳаммасини билмоқчи бўлди. У эшикни қоқди, лекин ҳеч қандай жавоб олмади. Эшик тутқичини босиб, уни ичкаридан қулфлаганлигини англади. Энди у билдики, ичкарида шубҳасиз нимадир бўлиши керак, — кимдир даҳшатли мусибатда бўлмаса, улар жавоб берарди. Куч билан зўрға очди. Ичкарига кирганида кўрган нарсаси уни сескантириб юборди.

Изғирин ва очлиқдан аранг тирик Элла ва унинг гўдаги ғужанак бўлиб, каровотда ётарди. Кулбани иситиш учун, қўшниси Эллани болтасини олганча ўрмонга борди ва етарли ўтин олиб келди. Емиш учун ҳеч нарса топмай, уйиига қайтди ва қўлига кўтара ололганчалик озиқ-овқат олиб келди. Докторни чақиришнинг маъноси йўқ эди: ёш она ва гўдакка ўзи қаради —аҳволини яхшилади. Бу орада Чарльз қор уюмларидан оралаб кулбасига келган вақтда, хотини ва боласининг аҳволи бироз яхшиланиб, кучлари тиклана бошлаган эди.

Тирикчилик қилиб туриш учун Чарльз қишнинг қолган кунларини уй яқинида қопқон қўйиб — овлаб ўтказди. Музлар эригач, баҳорда у яна ёғоч тайёрлашга кетди.Чарльз ҳўкизни қўшди, унга ёғочни боғлаб, биттадан пастга Камберленд дарёсига тошир, у ердан ёғоч кесувчилар солларга боғлаб олдин Огайо, кейин Миссисипи дарёси бўйлаб оқизиб кетардилар.

1910-ЙИЛ МАРТИДА Чарльз ва Эллада иккинчи бола — Эдвард туғилди. Икки ойлар ўтиб, Элла яна бир болани қорнида ўсаётганлигини сезди. 1911-йил бошида, 17 ёшида Элла учинчи фарзандини туғди. Элла унга Генри деб исм қўйди. 1911-йилнинг баҳори, ёз ва кузини Чарльз ёғоч тайёрлашда ишлади. Кейин яна бир фалокат содир бўлдики, у Чарльзни оиладан айирди ва уни нобуд қилишига оз қолди.

Ўн етти боланинг энг кичиги бўдган Чарльз Бранхам қўпол ва билимсизлик шароитида ўсди. У ҳали ўспиринлигидан қўлига виски (май) ушлашни ўрганди ва ҳар қандай баҳсни муштлари билан ечишга одатланди. 1911 йил кузида ўтиришлардан бирида қатнашди, ой ёруғида бирданига жанжал чиқиб, ўша хонадаги бўлганларни ҳаммасини жиловлаб бўлмайдиган шиддатли ёввойи муштлашишига ўтиб кетдилар. Уилли Ярброу исмли йирик одам, Чарльзни дўстини ерга қулатди, уни босиб олди, пичоғини чиқариб уни қорнига урмоқчи бўлганди, шу пайт Чарльз стул билан Уиллини бошига тушурди. Ўзини орқага олиб, Чарльз пичоғини яланғочлади. Уилли ётган одам билан иши бўлмай, у Чарльзга тўғри бўлди. У шавқатсиз одам эди — у ўз ўғлини девордаги қозиқ билан ўлдирган эди— ва у агар унга имконият бўлганидаЧарльзни бўйнидан чавоқларди. Аммо Чарльзнинг пичоғи олдинроқ санчилди. Уилли эсини йўқотиб, тўкилган қони устига чўзилди, лекин ҳар қалай тирик қолди.

Бу қонли ёқалаш овозасиКентукки штати, Берксвиллагача етиб боргач, Чарльзни жанжални бошловчилардан бири деб эълон қилиб, уни қасддан ўлдиришга уринишда шубҳа қилдилар. Чарльз Бранхамни ҳибсга олиш учун шериф отда жўнади.Лекин шериф ахтариб уни топгунча, Чарльз хавф-хатарни сезиб ва нима қиларини билмай, шошилинч яширинди. Кетишидан олдин у Эллага иш-жойи ва яшаш-жойи топиши билан уни чақириб олишини ваъда берди; уни изигатушмасликлари учун — сохта исмда бўлади.

Шундай қилиб, Чарльз чекка ўрмонда хотинини уч боласи билан мустақил қолдириб, бир куни ғойиб бўлди. Билли икки ярим ёшда, Эдвард бир ярим ёшда, Генри эса —олти ойлик ҳам эмасди. Эллани ўзи ҳам ўн етти ёшида худди ёш боладай эди. Бир неча ҳафта ўтиб, Чарльз унга ўзининг бир парчасини қолдирганини сезди. У яна хомиладор эди.

Ўша йилнинг қиши ва кузи Эллани ҳаддан ташқари ҳолдан тойдирди. У гўёки қандайдир мудҳишликда яшарди: олисда, ташландиқ кулбада, кун кечириш учун пулсиз ва иложсиз, болаларни боқиш ва кўп вақти кунгли айниши, Элла ўзидай камбағал бўлса ҳам, Чарльзнинг қариндошлари агар бир томондан ёрдам бермаса — яшай олмаслигини биларди.

Ярим йил ўтди. Баҳор қишни алмаштирди, ерлар эриди. Ниҳоят, Элланинг ҳаёти ҳам одатдаги изига тушди: кўнгил айниши қолди, вужудидаги бола айланар ва ҳаракатланар, дунёга келиши яқинлашар эди. Билли уч ёшга кирди, Эдвард — икки, Генри эса ўзининг биринчи туғилган кунини байрам қилди.

1912 йил, баҳор кунларининг бирида, Элладан эри тўғрисида бирор нима эшитмадимикин, дея сўраб билиш учун шериф кулбанинг олдига тўхтади. У дадил-дадил ҳақиқатни айтиб ташлади, зеро, ҳақиқатдан ҳам, эрининг қаердалигини тассавур ҳам қилолмасди ва ундан ҳеч қандай кичкинагина хат ҳам олмаган эди.

Шериф келганига икки кунлар ўтиб, Билли ва Эдвард кулбани орқасида ўйнар эди, кичкина булоқча сувлари тошиб, ер кўллаб, майда ботқоққа айлантирган эди. Билли укасига у қандай кучлилигини кўрсатмоқчи бўлиб, кучи етадиган энг катта тошни олди, боши узра кўтарди ва тўппа-тўғри булоқчага отди. Тош сувни четидаги лойга шалоп этиб тушди, Эдварднибошидан оёғигача лойга буркади. У қичқириб, кулбача томон кетди. Шу пайтда малиновка сайраб кетди. Билли қушчани кўрмагунича, дарахт шохларига қарайверди. У томонга бир қадам қўйган эди, малиновка учиб кетди. Ўша лаҳзанинг ўзида шунчалар ҳайратга солувчи бир нарсасодир бўлдики, бу унинг хотирасида чуқур муҳрланди ва болаликнинг биринчи энг муҳим хотираси бўлди.

Ўша ҳозиргина малиновка ўтирган жойдан, бargларнинг шивирлашига ўхшаган товуш чиқди: "Хш-ш-ш-ш, хш-ш-ш-ш". Кейин дарахт томондан жуда аниқ инсон овози эшитилди: ***"Сизлар Нью-Олбани деган шаҳар яқинида яшайсизлар".***

— Она! Она! — дея қичқириб, қўрқув ва ваҳимадан оёғини қўлига олгудай кулбага югурди.

Бу вақтда Элла Эдварднинг қоринчасидан лойни артарди.

— Билли, нима бўлди? — сўради у, катта ўғлини бағрига босганича.

— Она, менга қушча гапирди. Уни дарахтда сайраганинимен эшитдим, кейин у менга гапирди.

Элла кулиб юборди:

— Миттивойим, бу тушингга кирган.

Аммо Билли ўзиникини маъқуллади:

— Она, мен уни эшитдим. Менэшитдим у қандай гапирганини.

Ҳали ҳам буларни Билли ўйлаб топди деб ўйлаб, уни жиғига тегиб: —Ҳўш, ўша қушча сенга ўзи нимани гапирди?— деди.

— У айтдики, бизлар Нью-Олбани деган шаҳар яқинида яшарканмиз.

Бу жавоб уни ҳайратга солди. Кичкинагина бола ўйнаб-ўйнаб, шу вақтда бу нарсани ўйлаб топганлигига сира ҳам ўхшамасди. У кулбанинг атрофидан айланиб ўтиб, ўрмон томонга қараб қичқирди:

— Э-э-эй! Бу ерда ким бор?

У кулбага қайтганида Билли сўради:

— Она, ўзи Нью-Олбани қаерда жойлашган?

— Бу шаҳар, Кентукки штатида, тўппа-тўғри Луисвилли яқинида, дарёнинг у томонида Индианада,бу ерданқарийб160 км. Билли, сенга бирон киши Нью-Олбани тўғрисида гапир-маганми, олдин сен қаерда эшитгансан?

— Ўша қушча менга гапирмаганича, мен ҳеч қачон Нью-Олбани тўғрисида эшитмаганман. Қачонки биз ўша ердаяшасак, отам ҳам биз билан бирга яшайдими?

Элла бошини чайқади.

Икки ҳафталар ўтиб, Чарльздан узоқ кутилган хат келди. Элла стол ўрнида хизмат қиладиган тўнкага тирсагини тираганча,қўли қалтирай конвертни ушлаб, унга қарарди.Билли оёғи учида турганча, столнинг устидан сездирмай қарамоқчи бўларди.

— Она, очгин!

Элла асабий кулимсиради:

— Албатта. Биз уни жуда узоқ кутдик. Нима учун яна кутарканмиз?

У клейланган жойни авайлаб очди, хатни конвертдан чиқариб, уни ёзди ва ўқий бошлади. Унинг отаси мактаб ўқитувчиси бўлганидан, бинойидек маълумот олган эди. Лекин Чарльз на ўқиб биларди ва на ёзиб; ҳатто ўз исмини ҳам ёзолмасди. Бу хатни Луисвиллида яшаётган унинг акаларидан бири ёзган эди.

— Она, унда нима ҳақида гапирилган экан? — Билли сўради.

У ўқиб туриб шарҳлайверди.

— Бу ерда отанг Индианадалиги айтилган. У биз яшашимизга жой ва доимий иш топибди. У бизни ҳозирни ўзида келишимизни хоҳлайди. Бу Ютик деган кичикроқ шаҳар, салкам 16 км шимоли-шарқда...

У шу ерда тўсатдан ўқишни тўхтатди ва уч яшар ўғилчасига ҳайрон бўлиб қаради: бу қандай юз бериши мумкин...

— Бу қаерда она? Ютика қаерда жойлашган? — қичирди Билли.

Элла секин айтди:

— Билли, биз Нью-Олбанидан 16 км шимоли-шарқда, Индиана штатида яшаймиз.

2 БОБ
УНИНГ БИРИНЧИ ВАҲИЙСИ
1912 — 1916

ЧАРЛЬЗ БРАНХАМ Эллага кўчиб келиш учун файтун ёллашга етарлича пулни конвертга солиб хат билан юборган эди. Учта шумтакани айтмаса, аслида, унга юклайдиган нарсани ўзи йўқ эди.Нью-Олбани Берксвиллдан 160 км дан кўпроқ шимолда жойлашган эди.Енгил бўлиш вақти жуда яқинлигидан, Элла бутун йўл давомида жуда ҳаяжонда эди. Аммо уч яшар Биллига, ҳеч қачон ўз кулбасидан нари ҳеч нарса кўрмаганлигидан, бу жуда мароқли саёҳату-саргузашт эди. Унга Огайо дарёси орқали Кентукки штати, Луисвиллидан — Индиана штати Нью-Олбанига ўтган тор ёғоч осма кўприги ўзига хос таассурот қолдирди. Яна 16 км шимолга юриб, Индиана штатида кичкина Ютик шаҳридаги ўзларининг янги уйларига етиб келдилар.

1912 йил 27 май куни Элла ўзининг тўртинчи ўғлини туғиб, унга Мелвин деб исм қўйди. Ўша йили Чарльз ўша ердаги фермерда ишлади. Бу энг оғир меҳнат эди. Гоҳида у отларнинг орқасидан судралишга мажбур эди ва 12 соатлаб, жазирама қуёш тиғида тер тўкиб, ер ҳайдаши керак эди. Неча марталаб уйгакуйлаги орқасига ёпишиб қайтган, Элла еса уни қайчи билан кесиб олиши керак эди. Кукуруз ўсиб чиққач, Чарльз барчакунларни қўлига илонсимон омочда жўяларда ёйилиб ўсган бегона ўтларни ҳайдаш билан ўтказарди.Олдинига уни қўллари қовариб қоларди; кейин унда ошланган теридай, қаттиқ қадоқлар пайдо бўлади. Кунига 75 цент учун у буларнинг ҳаммасига бардош берарди.

Кузда Чарльз ёғоч тайёрлашга қайтди; бу унга фермерликдан кўра анча енгил кечарди: ахир у ўрмонда туғилди ва ёғоч тайёрлашда ёшлигидан ишлади. Гарчи унинг бўйи бир метр етмиш см ва вазни 70 кг бўлсада, у пишиқ, худди мускуллар ўрамидай, ва ўзини тажрибали кесувчилигини кўрсатди: у бир ўзи вагонга 400 кг оғирликдаги ёғочни юклай оларди.

Лекин қиш яқинлашиши билан Чарльзни янада кўпроқ ташвиш қоплай бошлади. Улар Кентуккида ташлаб кетган, ёғоч кулбадан ҳеч қандай соз бўлмаган бир хона капада олти киши яшар эди. Ёғоч тайёрлаш гоҳида уни оиласидан бир ҳафталаб жўнаб кетишга мажбур қиларди. Ўтган қишдагидай хотини қийналмаслиги учун, Чарльз яхшироқ иш жойиахтара бошлади.

1913 йил, баҳор келганига қараб у Индиана штати, Джефферсонвиллда, жаноб Уотенда иш топди. Уотен — мультимиллионер, “Уотен Дистиллерис” ташкилоти эгаси ва “Луисвилл Кенлс” профессионал баскетбол командасииниг эгаларидан бири эди.Чарльзни отлар билан моҳирона муомала қилганлиги сабабли, уни шахсий извозчиликка ёлладилар. Иш кўп нақд пул келтирмас эди, лекин у муҳим фойдали аҳамиятга эга эди, аниқроғи: жаноб Уотен участкасида текин яшаш жойига эга эдилар. Бу жой икки хонали ёғоч уйга, эски отхона, катта чарвоқ ва озгина ердан иборат бўлиб, бу ерда Чарльз ўз оиласи учун ул-бул экиши мумкин эди. Бунинг устига, шу атрофда жаноб Уотеннинг сут фермаси бўлиб, тўрт болакайни вояга етказаётган ота учун анча фойда — бир челак сутни ҳар кечқурун уйга олиб келиши мумкин эди.

Джефферсонвилл шаҳри Нью-Олбанидан қарийб 7 км шимоли-шарқда жойлашган, ерли аҳолида Ютик Пайк деб аталиб, Ривер-Роуд кўчаси томонда эди. Жаноб Уотен шаҳардан 11 км даги катта ер-мулкига яшарди. Чарльз кўчиб ўтган уй Огайо дарёси устидан юксалиб, тепаликда турарди. Иморатнинг ташқи девори об-ҳаводан зарар кўрган ёғоч биланқопланган, ичкариси ёғоч оралари лой билан шувалган эди. У, поли ер бўлган, иккита хоначадан иборат эди.Хоналарнинг биридаги чердакда, стропилалар остида ҳам ухласа бўларди. Чердак зинапояси ёш дарахт танасидан ясалган эди. Хоналарнинг бирига ўртача арраланган тўнкани думалатиб келтиришди ва унга ясси тошларни теришди.Уларнинг устидан тараша ёқадиган, нефт маҳсулоти бўлган бочкадан ясалган печка турарди. Элла “буржуй”га ўхшаш овқат пишириш учун кичкина печкадан фойдаланар эди. Уйда хатто ёритиш учун керасин лампа ҳам бўлиб, ва қолганларини ҳисобга олса –Ютикдаги фақирона кулбадан анчагина яхши эди.

Уйчанинг олдида, тепалик ён-бағрида, булоқчага яқинроқ жойда олмалар шох ташлаб ўсарди. Ёзнинг кўп вақтлари булоқчанинг совуқ суви металл бидонлардаги сут, айрон[4] ва мойларнинг тез бузилишига қўймай, совутгич вазифасини ўтарди. (Чарльз қаймоқни у ерда сақлай олмасди: унда кичкина Бранхамлар кўп эди, Қайсики, улар очкўзлик қилиб олиб кетиши мумкин эди.) Булоқча рўзғорни августни ўрталаригача таъминларди.Қачонки у қуриб қолса, пастда жойлашган отхона олдидаги қудуқдан сув чиқариб, баландга, тепалик бўйлаб ташишга мажбур эдилар.

[4] Айрон — мойи кувида олинган қатиқ (Тарж.)

Билли жўш урган булоқчани яхши кўрар эди. Олма танасига урилган михда кадидан ясалган чўмич осилган бўлар, аммо Билли ундан жуда кам фойдаланарди. У иссиқ майсалар устига қорнини бериб, булоқчага лабларини ботирар васувдан мириқиб симирарди. Кейин у кўзани сувдан тўлдириб, даладаги отасига олиб борар эди.

Чарльз даладан доим очиқиб, кечки овқатни орзиқиб қайтарди. Уйда юз-қўл ювгич бўлмаганлигидан, у уйнинг орқасида скамейка қўйилган олма олдида ювинарди. Скамейка одатдаги оғил тахтасини олма танасига михлаб, тескари томонидан тахта-оёқ ва тагида қия тахта билан қимирламаслиги учун махкамланган эди. Тўртала болакай ювинишни кутиб, отасининг ортидан тизилиб турарди. Чарльз юзини совунлаш учун қўлда тўқилган мато кўйлаги енгларини шимарар экан, унинг қўл мушаклари шишиб чиқар ва ўйнар эди. Билли буни ғурур билан кузатар ва фикр қиларди: “Бу менинг отам. У кучли. У юз йил яшайди. Қачон қарисам, мен отамга қарайман, унда эса бурунгидай зўр мушаклари бўлади”. Билли эса аксинча, онасидай озғин ва чайир одам эди, у отасиданкучли қадди-қоматини эмас,унинг қора жингалак сочлари ва ёқимли ирланд юз ифодасини мерос олган эди.

У отасидан кейин ювинар эди. Билли жуда эҳтиёткорлик билан уйда тайёрланган ишқорли совунни кўзига кирмаслигига ҳаракат қилиб олди (бир марта бўлган дарс унга етарли эди). Жўхори уни халтасидан онаси тайёрлаган сочиқ билан артинди. Сочиқ ноқулай ва суқиладиган эди, шу учун Билли озроқ сесканарди. Скамейка устида, чўмиладиган жойда, ойнанинг синиқ бўлаги бешта қайрилган мих билан қотирилганди. Билли ойнадан ўзини кўриш учун скамейкага тирмашиб чиқди, кейин бўйсинмайдиган сочларини текисламоқчи бўлибқалайдан ясалган тароқчани олди.

Чарльз эски оғил тахталаридан овқатланадиган стол ва черковникига ўхшаш скамейка ясади. Кечки овқат вақтида Билли ҳар доим отаси ёнида ўтирарди. Ловияли шўрва қайнатилган пиёзли, жўхори нони ва айрон уларнинг ҳамишаки овқатланиши эди. Элла ҳар доим жўхори нонини товада қовуриб, кейин тарелкага қўйиб ва ҳамма ўзига яраша бўлак синдириб олиши учун уни айлантириб чиқди. Билли доим нонни четини танлар, чунки унинг гирди қип-қизил бўлиб, шўрвага ивишини яхши кўрарди.

1914 ЙИЛ 14 МАЙДА Биллида яна бир ука пайдо бўлди, Эдгар Ли Бранхам. Биллининг ҳаёти бир неча йил давомида тинчгина ўтди. Ҳар шанба, тушдан кейин, унинг отаси жаноб Уотендан хачир ва очиқ аравани олар,унга ўзининг оиласини ўтқизар ва озиқ-овқат сотиб олиш учун 12 километрга жўнарди. Тўртала кичкина Бранхамлар араванинг орқасидаги самон устига сакрарди, аммо Биллига ота-онаси билан араванинг олдида кетишига тўғри келарди. У доим магазинга бормоқчи бўлсалар, питирлар ва асабийлашар эди, чунки у ерда нималар бўлишини аниқ биларди. Ҳафтада уч ярим доллар ишлайдиган Чарльз, бу суммадан уч долларини тез-тез озиқ-овқат дўконида сарфларди. Вақти-вақти билан у халтали сариқ шакар ёки бир банка қуруқ шўрланган печеньега харж қилар эди; аммо кўпинча узоқ вақтга етадиган ловия, картошка ва жўхори уни кабиларга сарфлар эди. Қачонки Чарльз ҳисоб-китоб қилиб бўлгач, мистер Гроувер, дўкончи, унинг кичкинтойлари учун қоғоз халтачага оғизни ловуллатадиган обаки конфетчалар берарди.

Аравада беш жуфт қорни тўймайдиган кўзлар, отасининг тўртта конфет қаламчаларини қандай тенг бешта болага бўлишини сабрсиз кузатардилар. Тўртала ёш Бранхамлар ўша вақтнинг ўзидаёқ, ўзларининг конфет қаламчаларини чўпигача ялаб тугатардилар. Билли эса айёр эди: озгина конфетини ялардида, дўкон халтасидан йиртиб олинган жигарранг қоғоз бўлагига найни ўраб,чўнтагига тиқиб қўярди. Кейинроқ уни ишлатадиган жойни биларди.

Шанба оқшом кедрдан ясалган кир ювиш тоғорасини иссиқ сувдан тўлдириб, сувни алмаштирмай, бирин-кетин, ҳар ҳафталик ванна қабул қилардилар. “Мен сени пўсти арчилган пиёздай топ-тоза бўлишингни хохлайман”, — дея Элла ишқорли совун билан Биллини қаттиқ ишқаларди. Кейин уни халтадан қилинган сочиқ билан шунчалик астойдил артардики, ундан худди ҳамма териси шилингандай бўларди. Биллининг етарли овқатланмаслигини билиб, у ҳар ҳафта, чўмилганидан кейин, шамоллашни олдини олади деб ишониб, уни бир ош қошиқ канакунжут ёғидан ютишга мажбур қиларди. Билли канакунжут солинган катта қошиққа қараб, ялинди:

— О-о, онажон, илтимос, буни ичишга мажбур қилма. Бундан кўнглим айнийди! Мен бунга чидолмайман.

— Агар бундан юрагинг айнимаса, унда бу сенга ҳеч қандай фойдасини бермайди, — жавоб берди у.

Билли бармоқлари билан бурнини қисди ва ундаги мойни ютишга ҳаракат қилиб, қошиқни оғзига солди; кейин у кучанди, бутун вужуди қалтиради, токи, уни охиригача ютиб юбормагунича.

Якшанба куни Элла гўшт ва мевалардан оби ёвғон тайёрлади. Шолғом, сабзи, карам, картошка, лубло, жўхори уни ва бир бўлак мол гўшти — ҳаммаси бир хурмачада қайнади. Бу билан улар яна икки ёки уч кун озиқландилар.

Душанбада Элла уй олдида, гулханда иситиладиган дошқозонда кийимларни юварди. Катта ўғил бўлганлиги учун, Билли сершох дарахтлардан бутоқлар майдалаши керак эди. Жуссасига ва унинг ёшидаги бола учун оғир иш — қозонни сувдан тўлдириш ҳам талаб қилинарди.

— Уилльям! — уни Элла чақирди.

— Ҳа, она.

— Булоқчага борда, бир челак сув олиб кел.

Билли, ярим қилиб сув солинган оғир кедр челагини елкасини қандай чўзишини ҳаёлига келтириб, қоғозга ўралган "ўша" оғизни ловуллатадиган конфет бўлагини чўнтаги устидан пайпаслади. Кейин укаси Эдвардни топиб, деди:

— Букрича, — Билли кўпинча укасини Букрича дерди, — нима қилишимни сенга айтаман. Агар мени ўрнимда у челакда сув келтирсанг, сенга ўн марта конфетдан сўришга бераман.

Эдвард қувониб сув келтирди. Билли унинг олдида қўлини чўзгунча, конфет билан тағдирлади ва санай бошлади:

— Бир, икки, уч...

Эдвард тезроқ ялашга ҳаракат қила-қила, шикоят қила бошлади:

— Бундай тез эмас. Сен жуда тез санаяпсан. Бошидан бошла.

Билли бошдан бошлади, ва Эдвард керагидан ортиқ сўрий олди. Кейин Билли конфетни яна ўраб, чўнтагига солиб қўйди. Душанбада унга бошқа ишлар ҳам қараб турарди, лекин конфет тугамагунича Билли озод йигитча эди.

Уйчада, эшик орқасидаги михда, гикори ёнғоқчасидан ясалган узун ясси таёқча доим осилиб турарди. Элла уни кир ювишда ва чойшаб қайнатишда ишлатарди, қачон тайёр бўлганида у билан илдириб оларди. Лекин бу ясси ёғоч бошқа хизматларни ҳам бажararди. Элла у билан похол тўшакларнитекислар ва кўрпа-адёлни дазмолларди. Чарльз эса уни ахлоқ тузатиш учун ақл чўп сифатида ишлатар эди. Баъзан болалардан бирови айб иш қилиб қўйса ва жазога лойиқ бўлса, ёғоч таёқча сирли равишда ғойиб бўларди. Чарльз доим ҳам у сиз ҳам бир йўлини топарди: устарасини ўткирлайдиган эски тасмадан ёки бўлмаса, қуролнинг шомполидан фойдаланарди. Барча кичик Бранхамлар "тарбияни" ёғоч саройда олардилар, ота уларнинг киндигига қизоргунича урар, улар эса кучи борича отаси атрофида чириллаб чопардилар. Чарльз буни "жинни ҳайдаш" деб атарди.

Бир куни Эдвард жирканч режани бошлади. "Билли, — деди у, — отам билан онам боғни омочлаганларича, кириб озроқ шакар олиб кел, мен эса шўрланган печенье топаман. Отхонада учрашамиз". Билли учун бу анчагина қизиқ эшитилди. Элла сариқ шакарни уйда, яшикда сақларди. У эрталаб қуймоқлар устига қуйиладиган қиём[5] учун шакарни сувда эритиб қўярди. Билли лип этиб уйга кирди, дурустгина бир ҳовуч шакар олиб, отхонага йўналди.

[5] Крахмални шакарга айлантириш пайтида олинадиган ширали қуюқ, оқувчан ширинлик (асосан, картошкадан олинади). Кондитер ва консерва ишлаб чиқаришда ишлатилади. (Тарж.)

Агар тепаликдан тушса, боғ уй билан отхонанинг ўртасида жойлашган эди. Чарльз оқ-қизил чармоки даструмоли билан пешонасидаги терларни артиш учун омочли ишдан бироз тўхтади ва катта ўғлини ўтаётганини сезди: унинг қўли ёғочдай қимирламас, гўё унда бирор нарса яширгандай эди. Чарльз деди:

— Сен қаёққа кетяпсан, Уилльям?

— Мен отхонага боряпман.

— А нима у, қўлингдаги?

Билли ўйлади: "Ой-ой!" ва қутилишга ҳаракат қилди.

— Қайси қўлимда?

Чарльз деди:

— Қани, олдимга келчи.

Шундан сўнг Билли узоқ вақт шакарни хохламади.

1916 ЙИЛ АВГУСТ ОХИРИДА, буғ билан ишлайдиган ғалла янчадиган машина ғаллани янчиб бўлгач, Элла ҳам кўрпа-ёстиқларни янги сомон билан тўлдирди. Ўша кечқурун болалар чердакда ухлашга ётгандилар. Бирдан Билли қичқирди, худди унинг бўйнига шарпа теккандек. Элла норвонга югурди ва қичқирди:

— Билли, сенга нима бўлди?

— Она, мен ухлайдиган ўрнимда нимадир бор.

— Бу ўзи бир чигиртка, янги похолга кириб қолган. Энди тинчлан ва ўтиб ухла.

— Бу чигиртка ҳар томонга ўзини уриб турса, она, мен ухлолмайман.

Элла қўлига керосин чироғини олиб,Биллига ёстиқни ёнидан қандай очишни кўрсатиш ва шилқим чигирткани топиши учунчердакка чиқди. Чигирткани томнинг деворга яхши тегмаган жойидан, ёриқдан озодликка чиқариб юборди.

Кейинчалик Элла бу воқеани эрига қиқирлаб айтиб берди. Лекин Билли ҳақидаги хавотирини эрига гапиролмади. Охирги вақтларда бола жуда жиззаки, жаҳлдор ва еган овқати яхши ҳазм бўлмаётган эди. Ўтган ойда кечки овқатдан сўнг бир неча бор ошқозон бузилиши ва ўқчишидан шикоят қилган эди. Яқинда мактаб ўқиши бошланишидан асабийлашдимикан? Бошқа нимадир унга тинчлик бермадимикан? Бу отасининг ароқхўрлиги билан боғлиқ бўлиши мумкинмикан?

Сентябрда Билли ва Эдвард мактабга бирга бора бошладилар. Билли етти ярим ёшда эди. Билли укасидан ўн бир ойлик катта бўлишига қарамай, бўйига қараб уларни эгизаклар деса бўларди; Эдвард салгина пастроқ эди?

Биллида мактаб кийим йўқ эди. У бутун ёзи оёқяланг ва куйлаксиз, бир жуфт йиртиқ ва ямоқ ишчилар коржома шимида ўтказди. Оила янги кийим сотиб олишга йўл қўёлмасди, шунинг учун Элла бунинг ечимини топди: Чарльзнинг тўй куни кийган костюмини бузиб қайтиб бичди ва ундан иккита брюк тикди. Чарльз уйга оқ пайпоқ ва Биллига кичкиналик қилган бир жуфт кийилган, эски оёқ кийим билан қайтди, — шу билан унинг гардероби тугади.

Қачонки Элла уни янгилик учун ясантиришни тугатгач, у: “Тайёр. Қани энди сени бир томоша чилайлик”, — деди. Уни яхшироқ қараш учун, орқага кетди. Чиқиб турган қовурғачалар уни янада кичик ва озғин кўрсатарди. Қайта тикилган иштон ва баскетда, бўйнига тушган пахмоқ сочлари билан у жуда озғин бўлиб кўринди. Элла қўл остида бор бўлганидан кучи етган ҳамма ишни қилганини билиб, кулимсиради. Лекин унинг катта ўғлига мактабга кўйлаксиз боришига тўғри келади.

Шундай қилиб, 1916 йил сентябри совуқ эртасида Билли ва Эдвард, Огайо дарёси яқинидаги теппаликлар орасида жойлашган, қишлоқнинг типик бир хонали мактаб пансионати бўлган Ютик Лайк мактабига Ривер Роуд кўчаси бўйлаб ҳорғин эргашардилар. Кўп йиллар Миссис Темпл унинг ўқитувчиси бўлди. У олти ёшдан ўн беш ёшгача ўқувчилар билан шуғулланиб, ҳамма саккизта синфга дарс берарди.

Билли мактабда ўқишдан кўра кўпроқ, ёзув қоидалари ва орифметикани ўзлаштирди. Ногаҳон унинг дунёқараши кенгайди. Синфда ўтириб, у узоқ вақт ўзини бошқа болалар билан солиштирди. Фарқ яққол кўзга ташланарди. Булар худди ўзидай қизлар ва болалар эди, лекин уларнинг кўпларини яхши кийим ва пояфзаллари ўзларига мос эди. Ва уларда кўйлак ҳам бор эди. Улар тушликка бутербродлар, десертга эса — уйда пиширилган печенье ёки пироглар ейишарди. Билли эса ловия ерди, шундай кунлар бўлардики, у тушликка ҳеч нарса емасди ҳам. У оиласини қашшоқлигини англай бошлади.

Бошиданоқ сал каттароқ болалар Биллини бегона келгинди деб ҳисоблай бошладилар. У Кентукки штати тоғли аҳолисига хос, қишлоқ шевасида ғалати гапирганидан уни жиғига тегиб, “жўхори кемирувчиси” деб лақаб қўйдилар. Бунинг устига, унинг шундай жулдур кўринишидан ҳам устидан кулдилар.

Ўқиш бошланганидан бир-икки ҳафта ўтгач, бир нечта бола тушдан кейинги вақтини Брамхамлар уйи орқасидаги ҳовузда балиқ овлаш билан ўтказмоқчи бўлди. Улар бу ҳовузни “музли” деб аташарди. Чунки Мистер Уотен ҳар қишда ҳовуздан муз палахта бўлакларини олар, опилкада сақлар ва кейин сут фермасидаги музлатгичларда совуқни ушлаб туриш учун ёзда фойдаланар эди. Улар ўзлари билан Биллини чақирдилар. Билли уни ҳам ўз режаларига қўшганларидан жуда димоғи чоғ бўлди. У нафақат балиқ овини яхши кўрар, “улфатлар” уни қўшишларини астойдил хоҳларди.

Мактаб машғулотларидан сўнг Билли, чердакдан ўзининг қўлбола қармоғини олиш учун куйиб-пишиб уйига чопди. Кедиси торлигидан катта бармоғидаги оғриган, қаварган қадоқ жойни шилиб олди. Мактабда, дарс вақтида ҳам бу қоварган жойи уни доим азоб берар эди. Ҳар сафар оёғини қимирлатганда, оғриқ уни шунчалик қийнар эдики, у фикрини тўплаёлмас эди. Энди эса, ҳаёжон ва шошганидан, гўё унда ҳатто оғриқнинг ўзиҳам бўлмагандек эди. У ўқдай учиб хонага кирди ва энди пиллапояга оёғини қўйиши билан, елкасидан кучли қўллар чангаллаганини ҳис қилди. Отаси уни ўзига қаратди.

— Билли, бугун менда сен учун муҳим иш бор. Мен сени ҳайдаш кубига сув ташишингни хоҳлайман.

Биллининг юраги ва оёқ-қўллари тошқотди.

— Лекин ота, бугун мен бориб дўстларим билан балиқ овламоқчи эдим.

— Сен эртага ҳам балиқ овлашинг мумкин. Мен бу кеча кўп жўхори вискисидан ҳайдашим керак ва кечикаяпман. Змеевикни совутиш учун саройда етарли сув бўлиши керак. Сен энди ўсдинг ва менга сенинг ёрдаминг зарур. Челаклар отхона ёнидаги қудуқлар олдида. Энди тур-да, кийиниб ол. Мен кетдим, ҳайдаш кубини тайёрлайман.

Кўз ёшларини отаси кўриб қолмаслиги учун, Билли, чаппа қараганча зинапоядан аста-аста кўтарила бошлади.

— Ва эсингда тут, — Чарльз қўшиб қўйди,— онангни асра; бу ҳақда ҳеч кимга бир сўз дема.

— Хўп, ота.

Расмий қонун фақат 1919 йилда киритилган бўлишига қарамай, кўпгина штатларда 1906 йилдаёқ спиртли ичимликлар сотишни таъқиқловчи қонун кучга кирган эди. Индиана 1916 йилдаёқ "қуруқ" штат эди. Чарльз эса ўзининг вискисисиз кўника олмасди. Чайқов бозорида сотиб олишга унда етарли пул булмаганлиги туфайли, қўшниси Мистер Дорнбуш билан саройда қўлбола ҳайдаш аппаратини ясади, унда ўзининг уй самогонини тайёрлади. Қолган-қутганларини чанқоқ қўшниларга сотиб ва бундан озроқ пул топиб, улар иккинчи ҳайдаш кубини ясашга қарор қилдилар. Бу кеча улар иккала аппаратда ҳайдамоқчи ва ҳамма нарса тайёр бўлиб туриши керак.

Билли узоқ вақт, юрагининг ҳар уришидан оёғидаги қадоқнинг лўққиллаб оғришини ҳис қилганча, похол тўшаги устига ўтириб қолди. Охири аҳволни ўзгартириш учун кучини тўплади. Ботинкасини ечиб жуда енгил бўлди. Мактаб шимини ечиб, тугма ўрнида мих билан қистирилган, матодан қилинган тасма ўрнига боғич билан ушлаб туриладиган, ўзининг кўкракпечли эски комбинзонига лип этиб кирди. Кўкракпечдаги илгакдан мих енгилгина ўтиб турар ва бирор томонга бурилса, сира ҳам диккайиб турмасди. Кейин у оғриган бармоғи остига тупроқ кирмаслиги учун, кукуруз ўзагини боғлади ва оқсоқланиб пастга тушди.

Зинапоядан секин-секин тушгач, тепаликдан отхона томондаги қудуққа қараб юрди. Икки челак қудуқ дастаси олдида турарди. Билли уни гирдигача тўлдирди. Ҳар бирида икки литрдан сув бўлиб, унинг етти ёшли мускуллари кучи, қўлбола ипли дастаклардан кўтаришга лоппа-лойиқ эди.

Туш вақти иссиқ ва мутлақо тинч эди. Сарғайган ва қуруқ ўтларни тебратадиган озгина шабада ҳам йўқ эди. Билли сўқмоқчадан кўтарила бошлаганда, "музли" ҳовуз томондан келган қувноқ кулгини эшитди. Унинг дўстлари аллақачон ўша ерда ҳазиллашар, балиқ овлаб вақтини жуда яхши ўтказар эдилар. Биллининг ўкинчи кўз ёш бўлиб тўкилди.

Билли тепаликкача, ярим йўлда, боғнинг ёнида, катта оқ терак соясига ўтирди. Лўнжларидан оққан кўз ёшлари кир юзларида из қолдирган. У эзиларди: "Бу даҳшат эмасми? Болалар у ерда балиқ тутади, мен эса уйда қолиб сув ташишим керак".

Шунда у баргларнинг шамолда шитирлашини эслатувчи товушни эшитди: "Хш-ш-ш-ш-ш-ш". Лекин Билли шамолни сезмади. "Бу нима?" — деб ўйлаб, атрофга аланглади. Яқинда қурий бошлаган барглар, қимми қилмасди. Шамолни пайқаб ҳам бўлмасди. У хафа бўлишда давом этди: "Уларнинг оталари бу билан шуғулланмайдилар. Нега энди мен бу перегон кубларига сув ташишим керак?"

У яна баргларнинг шитир-шитирини эшитди. Ўрнидан турди ва боши узра шохларга қараб, бирор нима қимирлашини яна сезмади. У яна бироз оҳ-воҳ чекди, кейин челакларини олиб, тупроқда яраланган бармоғидан ғалати из қолдирганча, сўқмоқчадан имиллаганча кетаверди. Қачонки у озгина юрганди, олдингидан баландроқ ўша "Хш-ш-ш-ш-ш-ш",— деган товушни яна эшитди. Билли қайрилиб, бу сафар уни кўрди. Дарахтнинг баргларида қуюн айланарди. Умуман олганда, бу бир оддий ҳодиса эди. Кузда бундай қуюнлар тез-тез бўлиб турар эди. У кўп марта, қуюн айланиб, далаларни кезиб, қуруқ баргларни кўтариб олисларга ўзи билан олиб кетганини кўрганди. Бироқ ҳамма вақт қуюн бирор томонга йўналган ва ер юзида доим кўчиб юрар эди. Бу қуюн бўлса, худди бир жойда тургандай эди. Сеҳрланган Билли яшил, қизғиш ва сариқ баргларнинг шитирлаб айланишини кузатарди.

Бирдан дарахтдан овоз келди — чуқур, аниқ овозда гапирди: ***"Ҳеч қачон ичма, чекма ва танангни ҳеч қандай тарзда харом қилма. Қачон улгайсанг, сен учун меҳнат бўлади".***

Билли бу сўзларни шунчалар аниқ эшитдики, худди отаси гапиргандай, лекин бу отасининг овози эмас эди. Унга ҳали ҳеч қачон бунақа қўрқув берадиган овозни эшитишига тўғри келмаган эди. Челакни ташлаб, у кучини борича, қичқириб уйга чопди.

Элла уни қучоқлади.

— Билли, нима бўлди? Сени илон чақдими?

У ўғли боғ ёнидан ўта туриб, ўша ерда тарқалган мискалла қалқонтумшуқ деган захарли илонни босиб олган деб ўйлади.

— Йўқ, она, — боғ томондаги тепаликни кўрсатиб ғўлдиради. — У ерда, анави дарахтда одам ўтирибди.

— Ох, Билли, Билли! Эх шумтака! Балки бас қилиб, бориб ухларсан?

— Йўқ, онажон! У ерда, дарахтда, одам ва у менга ичма ва чекма деди.

Бунга жавобан Элла кулди. Уни тинчлантирмоқчи бўлиб, у ўғлини қучоқлади ва пешонасидан ўпди. Аммо Билли жазовага тушди ва уни тинчлантириб бўлмасди. Болани тўшакка ётқизиб, докторни

чақириш учун, Элла телефони бор, яқиндаги қўшнисиникига, югурди. Доктор бу ҳикояни эшитиб, деди: “Бола чиндан ҳам асаббийлашган. Бу унда ўтиб кетади”.

Ўша кечқурун кечки овқат атрофида Билли ўша ҳикояни яна айтди: “У ерда, ўша дарахтда, одам ўтирибди ва менга у нима деганини мен эшитдим. Мен бошқа у ёққа бормайман”. Ўша кундан бошлаб ва бундан кейин ҳар сафар отхонага борса, ўша теракни айланиб, боғнинг четидан юрадиган бўлди.

ИККИ ҲАФТА ЎТИБ Билли ва Эдвард уй яқинида, олманинг тагида ғишти-шарик ўйнар эди.

Кутилмаганда Билли ғалати нарса — босимни сеза бошлади, — ўшандан териси санчила бошлади, гўё уни кўринмас энергия ўраб олган эди. У нигоҳини кўтарди. Огайо дарёси, нимагадир, олдингидан кўра яқин кўринди. Қачонки Билли унга Жефферсонвилл йўналишида қараганди, дашт жойлар унинг кўз ўнгида ўзгара бошлади. Қирғоқда аста-секин аниқ қиёфаси шаклланиб, дарё узра жуда тез кўприк кўтарилди. Бу кўприк Индиана штатига кўчиб келишда ўтган ясси ва пастак кўприклардан эмасди. У йирик ва салмоқдор темир фирма гумбаздан баландда, ва у зўр таассурот қолдирадиган эди. Билли ҳали бунга ўхшашини кўрмаганди. Яхшироқ термулиб қараб, икки устун оралиғида ишлаётган одамларни кўриб қолди. Кейин у кўприкнинг устунлар оралиғи қулаганини кўрди. Одамларнинг ҳавозалардан йиқилганини секинлаштирилган ҳаракатини кўрди. Билли уларни санади. У 16 кишини лойқа сувда йўқолганини кўрди.

Шарикли халтасини тушириб юбориб, додлаганча уйига елиб кетди. Элла бутун кучи билан уни тинчлантиришга тиришди. Қачонки у ниҳоят ўзига келиб, ҳаммасини айтиб бергач, у айтди:

— Билли, бу сени шунчаки тушингга кирган.

Билли ўзиникини маъқуллади:

— Йўқ, она. Менда олдинига ғалати туйғу пайдо бўлди, кейин эса, дарёга қараб, ҳаммасини тўппа-тўғри олдигинамда кўрдим! Мен буни кўрдим! Ой, она, мен қўрқаяпман!

Чарльз ўз фикрини айтди; бола худди доктор айтганидай чиндан ҳам чарчаган.

Лекин Эллага бундай туюлмайди. У ўша кунни, қачонки Билли қушчанинг унгагўёки Нью-Олбани яқинида яшайсизлар, деганини айтиб берганини эслади. Қанчалик ғалати, лекин бу рўёбга чиқди. Дарё узра кўприк? Ўн олтита одам ўлди? А нима, агар бир куни буниси ҳам содир бўлсачи? “Нима бўлса ҳам, соғ бўлсак — кўрамиз”, — деб ўйлаб, Элла бу воқеани ёзиб қўйди.

3 БОБ
ҚАШШОҚЛИК ИСКАНЖАСИДА
1916 — 1917

МАКТАБ КЎП ТОМОНЛАМА Биллининг дунё-қарашини кенгайтирди. У дунё ҳақида билди, уришиб турган дунё, Индиана ва Кентуккидан ташқарида, яшил тепаликлар томонда; мамлакатлар номини билди, уларнинг борлигига шубҳа қилмаганди. 1916 йил кузида Америка Қўшма Штатлари ҳам бетарафликни сақлаган бўлса-да, лекин Миссис Темпл (мактаб ўқитувчиси) ўқувчиларни халқаро воқеалар боришидан бохабар тутар эди. У Германия, Австрия ва Венгриянинг, Франция, Буюк Британия ва Россияга қарши тузилган иттифоқи тўғрисида гапириб берар, ва тез-тез мактабга газета келтириб, болаларга уруш тўғрисида мақолалар ўқирди. Биллининг тассаввурини пиёда-солдатлар ва бошқўмондонлар, шавқатсиз жанглар ва қизиқарли қаҳрамонлар тўғрисидаги мақолалар лол қолдирарди. Баъзида у, тушлик вақтининг ярмини газеталарда босилган солдатларнинг суратларига қараб ўтказар эди. Айрим пайт Жефферсонвилл марказида солдатни учратар, ва уларнинг чиройли формаларига бир қарашданоқ, у — етти яшар бола, солдат бўлиш орзусида ёнарди.

Ллойд Форд, уни мактабдош жўраси, ёзда *“Изқувар”* журналларини сотиб, “бойскаут”[6] костюмини сотиб олди. Ллойд уни мактабга кўп кийиб келар, Биллининг жуда ҳавасини келтирарди. Кўкрагида эмблемаси ва енгида унвон пагонлари билан костюм, ҳарбий бош кийим ва ён томон ҳошияли брюк — Биллининг эга бўлгиси келган энг зўр орзуси эди. Агар шунақа формани кийиш насиб қилса эди, ўзини ўта муҳим ҳис қилган бўлар эди.

[6] Скаутизм/скаут (инглизчадан scout — разведкачи) — ёш гражданларнинг мактабдан ташқари тарбиялаш системаси 7 — 21й, табиатни, касб-ҳунар, ўйинларни билиш йўли билан; Р. Баден-Поуэлл томонидан XX аср бошларида ташкил топган (Badden-Powell, 1857 — 1941). Ташкилот бойскаут (ўғиллар) ва гёрлскаутси (қизлар)га бўлинади. (Тарж.)

Бир куни Билли, бор кучини йиғиб:

— Ллойд, қачон бойскаут костюминг эскирса, менга берасанми? — деб сўрашга журъат этди.

— Албатта, Билли. Мен уни сенга бераман, — Ллойд жавоб қайтарди.

Октябрь охирида салқин тушди. Ҳар эрталаб аёз далаларга қор тўшар, қор эса камдан-кам соат ўнларгача эрирди. Билли кўйлаксиз Ютик Пайк кўчасиданмактабгача қалтираганча югурарди. Агар у мактабга озгина олдин келса, дарс бошлангунча кўмир билан иситиладиган, чўян печка олдида ўзининг “ғоз тери”сини иситиб олиши мумкин эди. Бир куни Миссис Уотен, Чарльзнинг бошлиғини хотини, Биллини мактабга очиқ кўкрак билан чопганини кўриб, унга ичига бургут кўринишидаги погонча ёпиштирилган эски камзул берди. Бу ясатилган кийимни қулоғигача севиб қолган Билли, уни доимо киярди: ишлайдими, уйи олди ҳовлисида ўйнайдими. Мактабга камзулини, унинг тагида кўйлаги йўқлигини болалардан ҳеч қайси кўрмаслиги учун, ёқасигача тугмасини қадаб қўярди.

Билли ва укалари ухлайдиган чердакда, кечаси юлдузлар томнинг васталари орасидан кўриниб турар эди. Қачон қор кела бошласа, ухлаганда ҳўл бўлиб қолмасин деб, Элла ўз болаларини устига брезент ёпарди. Эрталаб брезент қор билан тўшалган бўларди.

Болалар ҳали ухлашар экан, Эллани эса нонушта тайёр эди: иссиқ нон ва сорголи шинни[7]. Бир куни у эрталаб зинапояга келди ва чақирди:

[7]. Сорго — овқатга ишлатиладиган бошоқли ўсимлик, ем сифатида ва техник эҳтиёжларига ишлатилади. Қарийб, 50 хил тури бор бўлиб, Африка, Осиё, Америка, Австралия, Европа жанубида тарқалган.

— Билли! Эдвард билан нонуштага туш.

Билли жавоб берди:

— Она, мен ҳеч нарса ни кўрмаяпман. Менинг кўзимга нимадир тушди.

Кўзлари кеча дароз эсган совуқ шамолдан яллиғланган эди.

— Кўзларинг йиринглабди. Бир дақиқа кут, мен эритилган енот мойи олиб келаман, — деди Элла.

Элла болалар кўзларини оча олмагунларигача, мижжаларини енот мойи билан артаверди. Енот мойи оилада ҳамма касалдан дори эди. Кучли шамоллаганда уни Элла болаларига скипидор ва минерал мой билан берарди. Уни ангинадан яхши бўлиш учун ютиб юборардилар. Ҳар сафар Чарльз енот ўлдирса, гўштдан чарвини ажратар, Элла эса уни эритиб, бонкаларга жамларди.

Билли Эдвард билан мактабга қор ёққанда ҳам боришар: айрим вақт арава қолдирган издан, баъзан қор уюмларидан кесиб ўтишарди. Улар мактабга тиззаларигача ҳўл бўлиб келардилар. Бахтларига уларнинг ҳўл ботинка ва брюклари тушга қараб қурир эди.

Болалар ўз тушликларини икки литрлик шиннидан бўшаган челакчада олиб юришарди. Челакчага онаси бир банкада яшил сабзавотлар, бошқа банкада — тўла ловия, эрталабки нонуштадан

ортган икки бўлак кукуруз нони, иккита қошиқ соларди. Бошқа болаларнинг тушлик тугунчаларидан таралаётган, янги пиширилган ноннинг ҳидини Билли сезарди, — у мазали ҳид эди. Шундан у, болаларнинг тушликка бутерброд ва печенье ейишларини билиб, ўзларининг оддийгина ловия ва жўхори нонини кўриб қолишларидан жуда уялар эди. Шунинг учун Эдвард билан дарёга, пастга тушиб, ёғочга ўтирволиб ва банкаларни қўйишиб, жимгина, тинчгина ўз тушликларини тамадди қилишарди. Билли биринчи қошиқ билан ловия оларди, кейин Эдвард қошиғини соларди, кейин яна Билли; шундай қилиб навбат билан банкаларнинг бир хилда камайиб, боришини кузатишар эди.

1916 йил Рождества байрамига яқин, Миссис Темпл болаларга уйга этиб, янги йил арчасига илдириш учун қизил, оқ ва кўк қоғозлардан йўл-йўл гул-барг ўрамини кесишни топширди. Бунгача Чарльз уйга ҳеч қачон янги йил арчасини олиб келмаганди, лекин, қачонки ўз ўғилларининг тақинчоқларини кўргач, Элла, бу сафар ҳаммасини бошқача ташкил қилмоқчи бўлди: болтани олди, ўрмонга борди ва уйга кичикроқ сершох кедрни олиб қайтди. Элла унинг шохларига иккита қоғоз гул-барг ўрамини илдирди, шунга қарамасдан дарахтча барибир “ялонғоч” кўринарди. Шу йил ёзи Чарльз боғда озроқ маккажўхори етиштирган эди ва Элла уни ишлатишни энг қулай вақти, деб ўйлади. Уни ёпиқ қозончада очиқ олов устида силкита- силкита қовуриб олди. Кейин паттилоқни игна билан ипдан ўтказди, ва ундан узун чиройли тақинчоқ ҳосил бўлди. Кейин у билан кедрни ўради, ва у янги йил арчасига ўхшади. Бу унинг учун етарли эди.

Арча безагандан кейин Эллада маккажўхори патиллоғи қолди, уни икки литрли шиннидан бўшаган челакчада Билли билан Эдвардга мактаб тушлигига берди. Болалар челакчани кийим ечадиган жойда, токчага қўйишди, у ерда бошқа болалар пальтосини иларди. (Билли ҳар доимгидай камзулини кийиб юрар, хатто синфда ҳам ечмас эди.) Эрталаб соат ўнларда Билли маккажўхорини эслади, ва унинг фикрлари айний бошлади: “Қизиқ унинг тами қандай бўлса? Нима бўлади, бир қисмгинасини тушликкача еб кўрсам?” — деб ўйлади. Шундай қилиб қўлини кўтарди ва Миссис Темплдан ҳожатхонага бориб келишни сўради (ҳожатхона кўчада эди). У мумкинлигини айтди. Кийимхонада ўта туриб, пақирчадан қопқоғини олдида, яхшигина бир ҳовуч маккажўхори патиллоғидан олиб, қопқоғини яна олдинги жойига қўйди. У кўчага чиқди, ғиштли труба орқасига ўтиб, маза қилиб уни еб олди. Мактабга киришдан олдин, оғзи ва қўлларини обдон сийирди, токи уни “алдамчиликда” айбловчи бирор из қолмасин.

Туш вақтида Билли ва Эдвард ёғоч устига ўтириб ейиш учундарёга, пастга тушдилар. Иккиси ҳам аввал маккажўхори патиллоғини ейишни маъқул курдилар. Қопқоғини очганларида — жўхорининг учдан бир қисми йўқолганлиги маълум бўлди. Эдвард Биллига беайб ҳайронлик билан қаради ва сўради:

— Қара, маккажўхори қаёққадир ғойиб бўлибди.

Билли укасидан ҳам кўпроқ ҳайрон бўлишга уринди.

— Ҳа, тўғри, у қаёққадир ғойиб бўлибди.

Эдвард ҳеч нимани шубҳа ҳам қилмади.

Рождество байрами арафасида болалар пайпоқларини осиб қўйдилар. Эрталаб ҳар бири ўз пайпоғида биттадан апелсин ва учтадан конфет топдилар. Билли ўйлади: “О-о, қандай яхши бу Қорбобо, келиб менга буларни олиб келди!” Байрамга ўз апелсинини еди, пўчоғини қуритиб, чўнтагига бир неча ҳафта солиб юрди, уларни конфет ўрнида шимиб юрди.

Янги йил байрамидан кейин, 1917 йил январида, Ллойд Форд ўзининг бойскоут костюмини киймаётганлигини билиб, Билли сўради:

— Ллойд, анави бойскоут костюми нима бўлди?

Ллойд деди:

— Кечирасан, Билли. Уни сен сўраганингни унутибман. Онамдан сўрайман.

Кейинги куни Ллойд ачинарли янгилик айтди.

— Билли, онам гимнастёркани олиб, ундан похол тўшак тикибди; у шимни ҳам отамнинг шимига ямоққа ишлатибди. Бир қунжидан[8] бошқа ҳеч нарса қолмабди.

[8] Қунж — қаттиқ, тери ёки материалдан тугмали ёки боғичли, оёқнинг пастки қисми, болдирни ўраб турадиган қисми.

Ҳеч руҳи тушмай, Билли деди:

— Унда ўша соғини келтир.

Энди, Билли пастида тортиладиган иплари ва бир ёнида хошияси бор, эски бойскоут костюмидан қолган биттагина соғининг мағрур эгаси эди. У соғини мактабга тақишни жуда хоҳларди, лекин қандай ишлатишни ўйлаб тополмасди. Шу учун бу соғини камзулининг чўнтагига солиб қўйди: уни ишлатишга тўғри келиб қолса, тайёр турибди-да. Буни узоқ кутишга тўғри келмади.

Индиана штати қишлоқ жойларига даҳшатли қор тўфони ўзининг оппоқ пўстинини ташлади. Айрим жойларда қор уюми беш метргача бўлди. Кейин булдуруқ тушиб, ерларда ва дарахтларда муз қатламлари пайдо бўлди. Музда учиш учун жуда яхши шароит эди бу. Ютик Пайк ўқувчилари тушлик

танаффусларини мактаб яқинидаги теппаликдан чаналарда учиш билан ўтказишарди. Билли ва Эдварддан ташқари ҳамма болаларда дўкондан сотиб олинган чаналари бор эди. Билли дарё бўйида эски-тускилар устида ётган эски тоғорани эслади. У ўшани олиб келди ва Эдвард билан тезда тепалик бошидаги қолган болаларга қўшилдилар. Тоғорага ўтириб, Билли олдинига ўтирган Эдвардни оёқлари орасига олганча, қийқиришиб, айланиб-айланиб тепаликдан пастга учишар эди. Бу уларга қанчадан-қанча завқ бахш этарди; лекин, охирам, тоғоранинг занглаган таги тушди ва улар чана ўрнини боса оладиган бирон бир бошқа нарсани излашга мажбур эдилар. Бу сафар улар ёғочни ишлатдилар: унинг олдинги қисми остини чананинг оёғидай форма бермагунча уни роса тарошладилар. Совуқ ва қор ёғочни ишлатишга жуда қулай эди ва иккала бола ўзларининг қўлбола чаналарида энг тикка қияликдан катта тезликда учишарди.

Бир куни болалар тепаликнинг пойига ноқулай йиқилдилар. Билли турди, унинг камзули қорга беланган, оёғи эса зирқираб оғрир эди. Қолган болалар, ундан ҳаммаси жойидамикан деб сўраб, унинг атрофига тўпланишди.

— Ой, мен оёғимни уриб олдим,— ингради у.

Ундан кейин унда фикр милтиллади: “Менинг чўнтагимда бойскоут костюмидан соғи борку. Ундан зўр боғич чиқади”. Чўнтагидан соғини олиб, кеди-ботинкасидан ўтказиб, оғриган оёғига ўради ва боғичини боғлади. Худди шу пайт синфга қайтишни чорловчи мактаб қўнғироғи чалинди.

Шу куни миссис Темпл Биллини доскага чақирди. “Бойскоут костюми” фақат унинг битта оёғида борлигини ўқувчилар билиб қолмаслигига умид қилиб, масалани ён туриб ечди. Албатта, ҳамма буни кўриб қолди. Тезда секин ҳингир-ҳингир баланд хохолашга ўтди. Билли йиғлади, миссис Темпл уни уйга олдинроқ қўйворди.

Апрелда миссис Темпл мактабга, “АҚШ ГЕРМАНИЯГА УРУШ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ” сарлавҳали Луисвилл газетасини олиб келди. У бу мақолани ўқиди, 1917 йил 18 мартда немис сув ости кемалари, учта Америка савдо кемасини чўктириши, президент Вудро Вильсонни Американинг бетарафлигига хотима беришга мажбур қилди, дея тушунтирди. АҚШ урушга кирди.

Мактаб ҳовлисида дублар куртаклади. Кунлар анча исиб қолди. Билли куни бўйи синфда терга ботиб, ўзининг оғир қишки камзулида ўтирарди. Кедининг тумшуғи йиртиғидан оёғи бармоқлари чиқиб турарди.

Бир куни миссис Темпл синф охиридаги болаларни гўё бадбўй ҳиддан афтларини кулгили бужмайтириб, бурунларини бармоқлари билан қисаётганларини сезиб қолди. Бу ўспирин Уилльям Бранхам билан алоқадорми-йўқми, билмади-ю, лекин, нима учун бу бола шу иссиқ кунда ҳам шу камзулини кийиб юради. У деди:

— Уилльям, сен бу камзулни еч! Наҳотки сенга иссиқ эмас?

— Йўқ, хоним, мен совуқ қотяпман.

— Шундай иссиқ кунда сенга совуқми?— ҳайрон бўлди у.

— Ҳа, хоним.

— Унда бу ёққа кел ва оловда исиниб ол.

Билли ўз сирини қиш бўйи яшириб юрди; бу сафар ҳам уни ошкор қилмоқчи эмас эди. Зўр ноиложликдан у стулини дўнг печка ёнига олиб борди, миссис Темпл унга яна бир хокандоз кўмир ташлади. Билли пешонасида тери томчилари йиғилиб, кейин эса юзидан оқа бошлади.

Миссис Темпл сўради:

— Уилльям, сенга ҳалиям совуқми?

— Ҳа, хоним.

У бошини чайқади.

— Сен, шубҳасиз касал бўлсанг керак. Яхшиси сен уйга боргин.

Яна мактабга бориши учун, қаердан кўйлак топишни билмай, Билли бир неча кун уйда қолди. Унинг холаси — отасининг опаси –тепалик ортида улардан олисроқда яшар эди. Унинг қарийб Билли тенги қизи бор эди. Шундан озгина олдинроқ меҳмонга келган унинг аммаваччаси ўзининг кўйлагини қолдирди. Гарчанд унинг орқаси ва олдида тўлқинсимон пардоз лентачалари бўлса ҳам, Билли шу либосдан кўйлак қилмоқчи бўлди. Либоснинг пастги қисмини кўпроқ кесиб ташлади, қолган қисмини брюк ичига тиқди. Олма дарахтига илинган синиқ ойнага ўзини солиб кўрди, бошини қимирлатди ва бармоқларини қисирлатиб маъқуллади.

Қачонки болалар унинг кўкрагида тўлқинсимон пардоз лентасини кўриб қолгач, улар уни жиғига тега бошладилар:

— Бу кўйлак қизларники-ку.

— Йўқ, нотўғри,– Билли ўзиникида туриб олди, — бу менинг индеец камзулим!

Буни эшитиб улар бундан ҳам баттар кулдилар ва:

— Билли Бранхам қизларнинг кўйлагини кияди. Мана шунақа нозикой, — дея давом этаверишди.

Уларнинг масхараларига қарамай Билли бу кўйлакни мактаб ёзги каникулга ёпилгунича, ҳар куни кийди. Бошқа иложи ҳам йўқ эди — бу унинг ягона кўйлаги эди.

4 БОБ
АЁВСИЗ ДЎППОСЛАНГАН
1922— 1923

1923 ЙИЛ 5 МАЙДА Элла Бранхам саккизинчи ўғилни туғди, исмини Говард Даффи қўйди. У акалари компаниясини тўлдирди. Кичкина Чарльз — 4 ёшда, Джесси — 7 ёш, Эдгар –9 ёш, Мелвин — 11 ёш, Генри — 12 ёш, Эдвард — 13 ёш ва Уилльям — 14 ёшга тўлганди. Чарльз Бранхамга ўзининг саккиз боласини боқиши борган сари қийинлашар, айниқса совуқ ойлари. 1922 — 23 йилнинг бутун қиши Билли, отасига оилани озиқ-овқат билан таъминлашига ёрдам қилиб, қопқонлар қўйиб юрди. Мистер Уотен ерини ўрмонли участкаси ондатра, опоссумлар,[9] қуёнлар, сув қундузи ва скунслар[10] билан тўлиб тошган эди. Ҳар кеча, соат иккида, Билли фонарни олиб, қопқонларни текширишга кетар, кўпинча мактабга борадиган вақтга қараб қайтар эди. Бошқа кийими йўқлиги сабабли, у кўпинча синфга ҳозиргина терисини шилган скунсга сасиб кириб келарди. Бундан ўқувчилар ғоят жирканишар, шунга қарамай, бу норозиликларни ўрнини, оилага келадиган фойда босиб кетарди. Қачон қопқонга қуён тушса, Билли уни 15 центга сотиши ва кейин 22-калибр бир қути патрон сотиб олиб, ундан яна 3 — 4 қуённи отиши мумкин эди. Она кечки овқатга қуён, қуруқ печенье ва подливка қуйиб берар эди. Овнинг қолганини Билли шаҳарда сотарди, пулига кукуруз ва буғдой уни харид қиларди.

[9] Опоссум — сут эмизувчилар оиласининг халтачалилар гуруҳидан бўлган жонивор. Танаси узунлиги 8 см. дан 50 см. Гача, думи — 9 см. дан 53 см. гача. Америкада Канаданинг жанубий қисмидан то марказий Аргентинагача тарқалган бўлиб, 65 тагача тури бор. Гўшти учун овланади. (Тарж.)

[10] Скунс — сувсарлар оиласидан, мўйнали йиртқич ҳайвон, тўқ жигарранг ёки қора мўйнаси қимматли бўлиб, у хавф туғилган вақтда ўзидан сассиқ ҳидли суюқлик сочади. (Тарж.)

Шаҳарга бориш унга жуда ёмон таъсир қиларди. Джефферсонвиллнинг ҳамма жойида Бранхамлар оиласининг оти ёмонга чиққан, ҳатто одамлар учратмаслик учун, кўпинча кўчанинг нариги бетига ўтиб кетишарди. Баъзилар, Билли билан одам йўғида гаплашишар, агар яқин атрофда бирор одам кўриниб қолса, гапни узиб, кетиб қолишар эди. Бу болага оғир ботарди. У, отаси ва амакисини жанжалкаш тўдага қўшилганини — чекиши, табак чайнаши, азарт ўйинларни ўйнаши, ичиши ва яширинча самогон сотишларини биларди. Лекин Билли аччиқ алам билан фикрлади: “Мен нима гуноҳ қилдим? Бунда менинг айбим йўқ. Мен ҳаётимда ҳеч қачон ичмаганман. Нима учун мени уларга қўшадилар?”

Сўз Биллини ичишга уриниб кўрмаганлиги ҳақида кетмаяпти. Бир куни, баҳорнинг якшанба эрталабида, у Эдвард билан дарёга борди. Ўша томонга отаси қўшниси — Чарльзга ҳайдаш апаратини ясаб берган мистер Доринбуш билан боришди. Болалар ўзларининг эски сув ўтказадиган қайиқни олмоқчи ва эски ташлаб юборилган шиша бутилка қидирмоқчи бўлишди (Чарльзга доим уй-пивоси учун бутилкалар керак бўларди ва у бутилга эвазига яхши тўларди, ҳар ўнтасига беш центдан). Биллининг қайиғида рули йўқлигидан, тез сув оқимларида уни бошқаришни қийинлаштирар эди. Эшкак сифатида иккита тахта ишлатишарди; Билли қайиқни бир томонидан беўхшов эшкак эшар, Эдвард эса бошқа томондан. Мистер Дорнбуш Биллини ёқтирди ва ҳозир энди Билли эрталабга уни сув ўтмайдиган кемасини беради деган умидда, яхши таассурот қолдириш учун астойдил ҳаракат қилди.

Дарёдан унчалик узоқ бўлмаган жойда сўқмоқчага кўндаланг бўлиб, бўронда йиқилган дарахт ётган эди. Чарльз дарахтда бир оёғини ошириб ташлади, лекин ундан ўтиб кетиш ўрнига, у бутоққа суяниб олди ва:

— Келинглар, шу ерда тўхтайлик ва озроқ ором олайлик, — деди.

Чўнтагидан кичикроқ ясси виски бутилкасини чиқариб, уни лабларига этди ва кейин ўртоғига узатди. Мистер Дорнбуш бир қулт ичди ва Чарльзга қайтарди, у эса уни диккайиб турган дарахт томирлари орасига яширди.

Биллига уни кўнглини олишнинг бундан бошқа яхшироқ вақти бўлмайдигандай туюлди.

— Мистер Дорнбуш, эрталабга укам билан сизнинг қайиғингизни олсак бўладимикан?

— Албатта, Билли. Зўр бўларди.

— Ҳар қалай битта бўлса ҳам, мен ёқадиган одам бор, — ўйлади Билли, ҳаяжонда дағиллаб.

Чарльз яна бир марта вискидан бир қултум ютди ва яна бутилкани ошнасига узатди. Мистер Дорнбуш чанқоғини қондиргач, у бутилкани Биллига гапириб узатди:

— Ол, Билли, ютқани.

Билли айтди:

— Йўқ, раҳмат. Мен ичмайман.

Мистер Дорнбуш бу сўзлардан ҳайрон бўлгандай эди.

— Ирланд, бунинг устига Бранхам, сен менга ичмайман, демоқчимисан?

Чарльз бошини қимирлатди ва юзида норозилигини ифодалаб, деди:

— Менда бир тўда болалар ўсяпти, лекин уларнинг бири нозигойим. Ва бу ҳам бўлса — Билли.

Билли ловуллади:

— Мен?! Нозигой?! — у бу фикрни ўзига нафратини сезди. — Мени нозикой деб аташларини ўзи, қусқумни келтиргудек жонимга тегди. Менга бутилкани беринг.

Мистер Дорнбуш флажкани унга узатди — Билли у одамнинг қўлидан тортиб олди, очди ва қатъий жаҳл билан лабларига босди. У бутилкани баландга кўтара бошлади, лекин бир томчи вискидан унинг оғзига тушишидан олдин, у шамол гирдобига олган баргларнинг шивирлашига ўхшаш шовқинни эшитди: *“Хш-ш-ш-ш!”*. Бутилка унинг лабида тўхтаб, Биллининг қўли қотиб қолди — *Хш-ш-ш-ш!* Бу унинг хаёли эмас эди — у буни шунчалик аниқ эшитдики, худди ёнидаги суҳбатни эшитгандай.*“Хш-ш-ш-ш!”*. Бир лаҳзада Билли ўша теракдаги амр қилувчи овозни эслади: *“Ҳеч қачон ичма, чекма ва танангни ҳеч қандай тарзда харом қилма. Қачон улғайсанг, сен учун меҳнат бўлади”*.

Ўлгудай қўрқиб кетган, умидсизлик ва саросималикка тўлганБилли бутилкани тушириб юбордида, далалардан аччиқ-аччиқ йиғлаб чопиб кетди.

Чарльз иршайди:

— Хўш, мана кўрдингми, мен сенга айтдим-ку. У борку, аниқ нозикой.

Қаёққа бурилмасин, Билли — ҳаёт унга нафрат билан тишини қайрарди. У мактабда еттинчи синфгача ўқиди, ўқиш ҳам турли қийинчиликлар билан боғланган эди. Қишлоқ мактаб системаси ўқувчиларнинг ўзлари дарсликларни ва мактаб жиҳозларини сотиб олишларини талаб этар эди. Биллининг ота-онасида ҳатто қалам ва вараққа пули йўқ эди, дарслик ҳақида гапирмаса ҳам бўларди. Шунинг учун Билли ҳар сафар дарсларга тайёрланмоқчи бўлса, у бошқа ўқувчилардан дарсликларни олиб туришга мажбур эди.

Ўша пайтларда мактаб программаси болаларни юксак аҳлоқ ва ақл-идрокни кенгайтириш учун тарбиялашга йўналтирилган эди. Бир дарс, қайсики Биллининг юрагига тегди, бу Генри Лонгфеллонинг *“Ҳаёт мадҳияси”*ни ўрганишга бағишланган эди.

Ғамгин байтларда қилмагин даъво:
“Ҳаёт бир бўм-бўш туш!” Кимда Жон[11]
Ухласа, у жони ўлик:
Ҳаётда олий маъно яширин.

Ҳаёт хаёл эмас. Ҳаёт жасорат!
Жон эмас у ўлган, а жасад.
“Тупроқ эдинг ва тупроққа қайтасан”, —
Жон ҳақида эмас, гапирган У Зот.

Ғам эмас ва на бахтиёрлик ҳам,
Эмасдир Ҳаётнинг мақсаб — муроди:
Бизни У меҳнатга чорлайди,
Олға интилмоқ лозим, ҳам керак.

Йўл олис, Замон бўлса елади —
Унда сен ҳеч нарсани йўқотма.
Эсда тут, юрагинг уриши — унинг
Дафн маросимин гум-гуми.

Бўл турмушнинг жанг майдонида,
Лашкаргоҳида бўл Ҳаётнинг
Қул бўлма, ва лекин бўлгин довюрак,
Жангларда чиниққан, тоблаган кўкрак.

Ўтмишингга сен тўкмагин кўз ёш
Келадиганин узоқ қилмагин орзу,
Ҳаракатинг қил ва фақат Ҳозирда

Унга топширгин ўзни, ишонгин Унга!

Улуғлар ҳаёти чорлайди
Бизларни боришга улуғворликка,
Йўлимиздан деб қолсинда бир из
Нишона қолсин Замонлар қумида.

Балки олиб борар бу из
Бошқаларнинг ҳам йўлига —
Адашганларнинг, чарчаганларнинг
Уйғонишлари учун дадилликка.

Қўрқмасдан, қани тур, ишга урингин,
Унга бағишлагин бор-йўғ кучингни
Ва ўрган машаққатли меҳнатда
Кутишни келишин яхши кунларни!

[11] Бу шеърни таржима қила туриб, И.А. Бунин 1- ва 2- қатордаги "жон" сўзини "руҳ" сўзи билан алмаштирди. Г. Лонгфелло асл матнда, "spirit" — "руҳ" сўзини эмас, балки "soul" — "жон" сўзини ишлатди

Бу шеър Биллини илҳомлантирди. Шунга қарамай, ҳатто энг кучли орзуларида ҳам, унинг ўз шахсий ҳаёти замонлар қумларида қанақа из қолдиришини ўйлаб, тасаввур қилолмасди. Мана шу лаҳзада Лонгфеллонинг шеъри "қийинчилик саҳросида" умидни тараннум қилади. Ўз ҳаётида ҳис этган ноҳақликни тушунишга ҳаракат қилаётган ўн тўрт ёшли жулдурвоқи болани рухлантирган ушбу улуғвор сўзлар Биллининг юрагида жаранглади. Ўз ёшларига нисбатан каттароқ болалар уни жиғига тегишар ва иложини топсалар: Кентукки штатида туғилган деб, қашшоқ-камбағал деб, ўз ёшига кўра кичкина деб; ниҳоят, уларга ўхшамаганлигидан камситишарди.

Бу вақтга келиб Билли ўз оиласининг қашшоқлиги сабабини билди: отанинг ичкиликбозлиги. Бир куни, қишда уни жулдур кийинганлиги учун навбатдаги масхаралашларидан кейин, Билли тарих дарслигида, Авраам Линкольн Янги Орлеанда кемадан қандай тушгани ва қуллар сотиладиган аукцион ёнидан қандай ўтганлиги ҳақидаги воқеани ўқиб қолди. Бу ҳикоя бўйича, Авраам Линкольн, қандай оқ танли одамларйирик ва баққуват қоратанли эркак учун нарх таклиф қилиб турган бир пайтда, ўша қулнинг хотини ва болалари қанчалик йиғлаганча ёнида туришини кўради. Линкольн кафтларини қорсиллатиб деди: "Бу нотўғри! Ва бир куни мен бунга хотима бераман, ҳатто агар бу учун ҳаётимни берсам ҳам!" Билли тарих дарслигини бир томон суриб қўйди-да, ўйлади: "Ичкиликбозлик ҳам нотўғри! Ва бир куни мен бунга хотима бераман, агар бу учун ҳатто *менинг* ҳаётим лозим бўлса ҳам!"

Шунга қарамай, унинг тасаввурини, география дарслигида Аризона даштиҳақида ўқиганидай ҳеч нарса бунчалар кучли тўлқинлантирмаган эди. У бутун юраги билан ўша ерда бўлишга чанқади; кактуслар биланқопланган, очиқ ерларда от миниб юришни орзу қилди. Бу шунчалар романтик, таскин берадиган ва меҳр-шавқат қўзғатадиган бўлиб туюлди. Унда шоирлик уйғонди, лекин ўз фикрларини ёзадиган ҳеч нарсаси йўқ эди; шунинг учун партадош шеригидан қоғоз вараги сўраб олди ва ёзди.

Жуда ҳам соғинаман мен
Жануби-ғарбнинг олисликларини
Қалин соялари чўзилган
Тизмалари-ю, чўққиларини

Қарайман койота пистирмасига,
Чор атроф кўкимтир қоронғу жуда.
Бўри увиллашин ҳам эшитаман-ку,
Узун шохлилар ўтлаган тўда.

Ва қаердадир этак ичкарисида
Тинглайман йўлбарснинг ўкиришини,
Ул олис тоғларда, Каталинада,
Аризонанинг ўтган сарҳадларини.

Афсуски, ёши катта болаларнинг ситамлари биргина масхаралаши ва захарханда койишлари чегарадан чиқа бошлади. Дарслардан кейин бир неча бор унга ташланишди. Билли ўз ёшига нисбатан

кичкина эди, лекин жуда мард-жасур эди, яна шундай феъли бор эдики, у жуда тез эди. Болалар уни йиқитишар, у эса яна турар эди. Шунда болалар уни, қайтиб туришга кучи қолмагунича йиқитишни давом эттираверардилар. Айрим вақт унинг оғзи шунчалик шикастланардики, у қаттиқ овқатни чайнай олмасди.

Бир куни, 1923-йил бахор кунларидан бирида, Билли бир қизни, унинг китобларини кўтаришиб, мактабдан уйига кузатиб қўйди. Уйига борадиган йўлда уни бешта жангари ўраб олишди ва лойга итардилар. Улардан бири:

— Сен нима бу қизча билан юрибсан?–деди тиржайиб.

Бошқаси иржайиб:

— Эй, хатто у билан юришни хаёлинга ҳам келтирма, сен эшитаяпсанми, сассиқ пати чиқмаган Кентукки "скво-чумчуқчаси"?

Биллининг Кентукки штатида туғилганлиги ва унинг онаси ярим томон индеец — скво[12] эканлиги уларга маълум эди, шу сабабдан улар уни "сиво чумчқчаси" деб хақоратлар, устидан кулардилар.

[12] Скво (инглизча squaw — индианка; хотин) — Шимолий Америкадаги туб маҳаллий яшовчи аёлларини шундай атардилар (айниқса, оилаликларини). (Тарж.)

Бундай таҳқирдан сўнг Билли оёғига турди ва жазаваси тутиб ҳар томонга муштларини чўзиб, уларга ташланди. Аммо беш киши — бу битта дегани эмас: жангарилар у билан роса овора булишди, бироқ, унинг қўлларини орқасига қайира олишди. Кейин тўрталаси уни ноилож ҳолатда ушлаб турар экан, биттаси қўлига оғирроқ тош олиб, у ҳушинийўқотиб ерга сирпалиб тушмагунича унинг юзига уриб турди.

Билли уларга ёлвора бошлади:

— Илтимос, мени қўйворинглар! Тўғри уйга кетаман. Сўз бераман.

Шундайга ҳам у ярим ҳушсиз бўлгани учун, болалар кўнди. Лекин қўйиб юборишдан олдин уни ерга улоқтирдилар ва юзини йўлнинг расво тошларига суртиб, бир-икки тепдилар. Буни анчайин разиллик билан қилиб кетишди.

Билли тўғри уйга кедти, лекин қўлини қовуштириб ўтириш учун эмас. Эшик устида илиниб турган 22-калибрли "Винчестер" милтиғини михдан олди, уни 16 та патрон билан ўқлади, кейин (оқ акация буталари оралаб) энг яқин йўлни танлади ва ўзи билган, болалар ўтиши керак бўлган жойга қараб йўл олди. У йўл четида писиб кута бошлади. Тез орада товушлар эшитила бошлади.

— Биз яхшигина ўргатиб қўйдик, бу "кукуруз кемирувчиси"ни. Энди-ку у билади, қиз билан юришни қандайлигини, — деди улардан бири.

Бошқаси маъқуллади:

— Сизлар кўрдингизларми у қандай қўрқиб кетди? А?

Навбатдагиси қўшиб қўйди:

— Бўлмасачи, бу кентукки "скво-чумчуқчаси" энди билади, қаерда ўзини жойи.

Буталар орасидан чиқиб, Билли уларнинг йўлини тўсди ва тепкини кўтариб, совуққонлик билан деди:

— Қайсинг биринчи ўласан, қолганларнинг қандай ўлганини кўрмаслик учун?

Ўз кўзларига ишонгиси келмай бешаласи ҳам оқариб кетди ва қўрқиб додлашди.

Билли деди:

— Ҳиққиламанглар, чунки ҳаммаларингиз ўласиз, бир-биринг кетидан.

У милтиғини, юзига тош билан уриб ташлаган болага тўғирлади:

— Сендан бошлаймиз.

У тепкини босди. "Шёлк",– отилмай қолди. Билли тез затворни торди ва патронникка бошқа патрон солди. "Шёлк",– бу ҳам отилмади. Бешала болакайлар аллақачон оёғи куйган товуқдай — ақлдан озгандай, бор кучи билан бақириб, ариқлардан ҳатлаб, дарахтлар оралаб, ўша бадбахт, мудҳиш жойдан иложи борича тезроқ қутилиш ҳаракатида қочишар эди. Билли ўлдириш истагида жазава билан милтиқни ўқлашда ва тепкини босишда давом этаверди: "Шёлк, шёлк, шёлк, шёлк...". лекин битта ҳам парон отилмади.

У бешаласидан ном-нишон ҳам қолмади. Ерда эса, Биллининг ёнида 16 та патрон сочилиб ётарди. У патронларни тўплади, уларни тупроқдан тозалади ва қуролни бошқатдан ўқлади. У нишонни дарахтга тўғирладива тепкини боса бошлади: "Бах, бах, бах, бах...". Бу сафар битта ҳам патрон отилмасдан қолмади ва дарахт танасига ўқлар учар, ундан эса парча-парча пустлоғи ҳар томонга учарди. Билли қаҳру-ғазабдан ёниб йўлнинг ўртасида турарди. Кейин а йўқ, бэ йўқ, аччиқ ва аламдан ич-ичидан тўхтатиб бўлмайдиган асабий қаҳ-қаҳ уриб кулди. У шунчалар қаттиқ кулдики, унинг шиш юзларидан кўз ёшлари оқди.

Ўша йили, мактаб ёзги таътилга ёпилганда Билли уни тарк этди ва бошқа у ёққа қайтмади.

5 БОБ
ҚУРОЛ ОТИЛИШИДАН ТАСОДИФИЙ ЯРАЛАНИШ
1923-1924

УИЛЛЬЯМ БРАНХАМ 1923-йил ўзининг ўн тўртинчи ёзини, боғга қараб ва ерга ишлаб, отасига ёрдам бериб ўтказди. Чарльзда иккита от бор эди: бири — қари, ўзиники, омочга ўрнатилгани эди, бошқаси — ёш бўлиб, уни мистер Уотен бериб турган эди. Чарльзнинг ҳар хил омочли иккита плуги борлиги туфайли, у ҳамма вақт ерни иккита плугл билан ҳайдар эди. Июнь кунларининг бирида, Билли отаси билан кукурузни ҳайдаётган эди, отлар пишқириб, туёқлари билан асабий депсина бошладилар. Плугни омочи кукуруз поялари тагига ўтиб кетмаслиги учун, Билли ўзининг отини жўялар орасида базўр ушлаб турар эди.

— Ота, бу отга нима бўлди?–қичқирди у.

Чарльзнинг оти ҳам типирчилай бошлади. У тўхтади, пешонасини оқ-қизил чормаки дастрўмоли билан арта туриб, горизонтга синчиклаб қарай бошлади.

— Ўғлим, бўрон яқинлашаяпти.

Билли кўм-кўк-мовий горизонт чизиғига қаради.

— Бўрон? Лекин мен ҳеч қанақа бўронни кўрмаяпман, ота.

— Ўғлим, сен тушунмайсан. Худо жониворларга ҳис-туйғу берган, ҳали у жуда узоқда бўлса ҳам, отлар бўронни сезиши мумкин.

Улар яна плугни ушлаб, ишни бошладилар, аммо икки жўяк ҳам ҳайдамасларидан қора булут горизонтни қоплади. Улар отлариниотхонага этишга аранг улгургандилар ҳам, ёмғир аралаш шамолтурди. Билли Худо тўғрисида кўп ўйламасди, негаки бу мавзу оила суҳбатларида жуда кам кўтариларди; лекин ўша куни У ҳақида фикр қилди, унга қизиқ бўлиб кўринди, бошқа яна қанақа нозик ҳис-туйғуларни Худо жониворларга ато этган. Ўрмоннинг бошқа истиқоматчиларини кузатганлари, табиатнинг мўъжизали мувозанати тўғрисида ўйлаб, Билли Худо жуда ақлли мавжудот деган хулосага келди.

Бир куни, шанба эрталаб, унга шаҳарга бир кунга бориш мумкинмилиги ҳақида сўради. Чарльз унга бир ҳафта ёрдам бергани учун 10 цент берди ва деди: “ҳамма пулни бир жойда сарфлама, ўғлим”.

Жеффирсонвиллга ҳамрох машинада етиб бориб, Билли ўзининг амакиваччаси Жимми Пулани уйига йўналди. Кейин у,Жимми ва Эрнест Фишер пулларни сарфлаш учун шаҳар марказига кетдилар. У чўнтагидаги 10 центлик тангани ўйнаганича кўчадан борар эди. У ўзини шундай бой ҳис қиларди. Энг аввал у 1 центлик стаканчали музқаймоқ сотиб олди. Кейин яна икки порция еди. Ундан кейин у “Шимпф” қандолатчилик дўконига борди ва карамель конфетлари билан тўлдирилган шиша банкаларнингғоят катта қаторларига қарай бошлади. Билли олдин бу ерда бўлган ва унга ҳаммадан кўра нима ёқишини биларди. У ярим килограммлик долчинли конфетини икки центга сотиб олди. “Лео Театри” иккита сеансига ҳам киришга етадиган — беш цент пули қолганди.

Билли узлуксиз соатлаб ковбой фильмларини кўрганидан ўзини худди ғарбда яшаётгандай ва дам олувчиларни қабул қилувчи ҳамда уларни отда юришга ўргатувчи ранчонинг қаҳрамонларидек тасаввур қилди. Унинг ўспиринлик шухратпарастлигининг энг олий нуқтаси — у ҳақиқий ковбой бўлишни, чарм брюк ва этикларда, кенг шляпа ва ундан боқа мина олмайдиган қайсар ва асов отда юришни орзу қиларди. У отасининг ёшлигида қандай ярим-ёввойи отларни минганини ва кўп штатларда (Кентуккидан то Техасгача) ўтказиладиган ўйинларда ҳамда ковбойлар мусобақаларидаиштирок этганлиги ҳақида отасидан тез-тез эшитиб турар эди. Билли ўйларди: “О-о, қачон озроқ катта бўламан, ғарбга кетаман ва моҳир чавандоз бўламан”.

Билли қариган қўшчи отда “машқ қила бошлади”. Отаси билан далада ишлаганидан кейин, уй ишларинибажариш учун, у доим олдинроқ келди. Чарчаган отини у дарахтнинг танасидан ўйиб ясалган тоғорага, сувга этди. Тоғора устида арилар ғувиллар эди. От тумшуғини лойқа сувга ботириб ичди, Билли бу пайтда ундан абзалларини ечиб, отхонага этди. Биллининг укалари унинг атрофида тўпланишди. Улар от ёйи ва думидан тўқилган жунли “илон”ни тоғорага солишди. От сувни симирганидан тўлқинланган сувда, жунли “илон” сувнинг юзига силлиқ қалқонтумшуқ[13] мискалла илонга ўхшаб билангларди.

[13] Қалқонтумшуқ илон — бошида йирик қалқони бор шақилдоқ илонлар оиласидан бўлган заҳарли илон. (Тарж.)

Билли отхонадан эгарни олиб келиб уни отнинг устига ташлади. Сувли тоғорани атрофида қалин бўлиб аломатчой ўсарди. Билли қоринбоғни тортишдан олдин, бир ҳовуч тиконли думалоқ ғуддалардан узиб, эгарнинг тагига тиқди. Унинг укалари отхона тўсиғи устига томошани кўриш учун қатор бўлиб ўтиришарди. Отга сакраб минволиб, Билли уни шаталоқ оттириш учун пошналари билан унинг ёнбошигаурар, уни депсинтиришга уринарди. Кун бўйи ишлаб чарчаган бечора қари от, туёғини ердан баъзўркўтариб, кишнаб, айланиб юрар эди. Билли ўзини эгарда у ёқдан бу ёққа ташлар, гўё у ўзини баджаҳл ёввойи тепонғоч отни мингандай кўрсатарди. Похол шляпаси билан унинг орқасига шапилатарди:

— Менга қаранг! Мен ковбойман!

Укалари қарасак чалиб қийқиришарди.

ЎША ЙИЛИ КУЗИ, ҳосилни йиғиб олгандан сўнг, Билли кўпроқ вақтини балиқ тутиб ёки Фриц деган ити билан ўрмонда ов қилиб ўтказди. Билли ўзиниг кўпни кўрган итини яхши кўрарди, ҳар қандай дарахтга чиқа оладиган жониворни у дарахтга қувиб чиқариб юборади деб мақтанарди. Ҳатто скунс ҳам итни обрўсини тўка олмайди. Шундай бўлардики, Фриц скунсни синиб тушган дарахтга қувиб чиқарар, ва қўрқинчда ушлаб туриш учун, унинг атрофида вовиллаб айланар эди. Билли етиб келиб, у фақат шохларни очса ва “Ол уни қадрдон” деса бўлди, Фриц иккиланмай, ундан анқиб турган даҳшатли сассиқ исга қарамай уни тутарди. Албатта, Биллининг онаси бунақа ишларни маъқулламас эди.

Балиқ тутиш ва ов қилиш билан вақт ўтказиш Биллига жуда ёқарди. Ўрмонда ўтказаётган соатлар, уни ташқи дунёдан ажратиб турар, чидаб бўлмайдиган ҳолатлар билан уни қийнаётган ҳаётдан — юпатувчи, ором, ҳузр-ҳаловат онлари эди. Ўрмонда Билли ўзини хўрланган, таҳқирланган ҳис қилмасди. У ўзини тирик табиатнинг бир қисми, коинот олам табиий тартибининг, йил-фасллари ритмининг бир қисми деб ҳис қиларди. Унга тегишли эканлигини ҳис қиларди.

Уйдан узоқларда дарбадар юриб, Индиана штати, Чаррльтаун яқинида, Жефферсонвильдан шимоли-шарқда 24 км узоқликда жойлашган Туннель Милл деган қишлоқ жойни топди. Бу жой ўз номини Фортин Майл Крик[14] яқинидаги машҳур тегирмондан олган эди. XIX аср бошида Жон Уорк деганодам тегирмон қуриш учун муносиб ва қулай жой излади. Кўнгилдагидек боп жой топиш осон эмасди. Унинг улкан тегирмонини йилнинг кўп қисмида айлантира олиши учун сув етарли тезлик ва куч билан оқиши керак эди. Жон Уорк Фортин Майл Крик дарёсининг бир жойида қарийб тўлиқ қоя тошли тепалик биланўралган бўлиб, натижада сув сатҳини етти метрга пасайтирарди. У ишбилармонлик билан амалда ҳисоблаб чиқди, агар тегирмонни сувнинг қуйи оқимида, тепалик томонида қурса ва динамит ёрдамида тўппа-тўғри қоятошда туннельни дарёнинг юқори қисми йўналишида ўтказса, шунда туннель орқали сувнинг тикка оқими унинг тегирмони ғилдирагини керакли куч билан таъминлар эди. Тегирмон ва туннель қурилиши 1820 йилда тугаган эди. Бу эса унга тегишлича — Туннель Милл деган ном берди. Ўттиз йил ўтгач, Жон Уоркнинг ўғли тегирмонни ҳозир ҳам бошқариб турган Уилфорд Гринга сотди. Шу сабабли, жойли аҳоли бу жойни айрим пайтлар Гринс Милл деб ҳам атайди. (№1-суратга қаранг)

[14] Дарёчанинг номи; инглизчадан сўзма-сўз: 14-миллик дарёча. (Тарж.)

Цивилизациядан йироқлардаги, Туннель Милл деган жойда балиқ, опассум, скунс, енот, ондатра, бобр, ва буғуларга гижиллаб ётарди; Билли ўз ҳаётида истаган ҳамма нарса — кўплаб дарахтлар, тепаликлар, тошу-ирмоқлар бор эди, жимжитлик ва хотиржамлик ҳукм сурарди. Жефферсонвильдан Чарльзтоунга бориб келаётган машиналарда етиб келар, бу ерда тез-тез бўлиб турарди. У айрим пайтлар ўртоқлари — Жимми Пул ва Сэм Эдерни боришга кўндира оларди. Ҳар-ҳар -замонда ўзи билан Эдвард ва Генрини олар эди. Одатда улар ўрмончининг ташландиқ уйида ухлашар, ва ҳамма вақт эрталабки нонуштага тўппа-тўғри ўрмондан балиқ тутишарди. Фортин Майл Крикнинг 3 м чуқур ва 12 м кенгликдаги бир жойи бўлиб, улар учун жуда яхши чўмиладиган қулайлиги бор эди. Билли бу жойни “Қундузли қўлтиқча” деб номлади. У уйдан ип олиб келиб, сув устига қараб ўсган дарахт шохига боғлади. Қирғоқдан туриб ипни яхшигина тебратиб, кейин эса, қўлдан қўйвориб юборар, дарёчага сакрарди. Бу болалар учун чексиз ўйин-кулги соатлари эди.

Биллига бирортани ўзи билан келишга кўндиролмаса, бир ўзи машиналарда Туннель Миллга келарди. У кун бўйи ов қилар, балиқ тутиб, ўтиб бўлмайдиган ўрмонни ўрганарди. Шу изғиб юришларнинг бирида у тасодифан ўзининг келажакдаги бошпанасини кўриб қолди. Тепани айланиб ўтиб, охактош қояси этагидан чиқиб қолди. У чуқурлиги қарийб 25 метрли дарага этадиган қияликда турарди. Бутун ҳамма ёқни қалин ўтлар босган ва дарадан тушган охактош бўлаклари сочилиб ётар эди. Этак бўйлаб ўзига йўл очиб, Билли хушёр юрди ва шу ерда оёғи остида эни ярим метрли буталар билан яширингантешикни кўриб қолди. Аввалига у бу ерни тулкининг уяси бўлса керак деб ўйлади — қоялар орасидаги ёриқ ҳайвонларни ёмғиргарчиликдан яхши сақларди. Лекин синчковлик билан қараш, унинг ғорга кириш жойи эканини кўрсатди. (2-расмга қаранг). Олдин Билли тешикка оёғини суқди — ёриқ

пастга қараб, тахминан бир метрлар бор эди. У бошқа томондан ғорнинг туби тарафга қиялаб борарди, у ерда етарлича баланд, тор ўтадиган жой шаклланган, унда тикка туриш мумкин эди. Ҳаво салқин ва қуруқ эди. Билли пайпаслаб — пайпаслаб анчагина бўйига юрди, лекин шу ерда депиниб, ҳандакка тушиб кетсам деган қўрқув босди. Қолганига қоронғуда юришга журъат қилмади ва бу ерга анча дурустроқ жихозланиб, бошқа сафар қайтиб келишга қарор қилди.

Кейинги сафар келгач, Билли ўзи билан, ғорни чуқур ичларигача текширишни давом эттириш учун бир нечта шам олиб келди. У киришдаги тешикка лип етиб тушди ва сирпанчиқ қияликдан, тикка турса бўладиган жойга тушди. Бу ерда йўлак энига бор-йўғи 45 см. эди. Гарчи деворлар қатъий тикка бўлса ҳам, милтиллаб ёнаётган шам ёлқини туфайли тушадиган соялар, кўп қиррали охактошларнинг ички кўринишини кўрсатиб қоларди. Кириш жойи андак ўнгга бурилиб, озгина кенгайди. Бу ерда оёғи ости ва ғор гумбази томи анчайн текис бўлиб, гўё ғорнинг бу қисми одамлар яшаши учун қурилган эди. У ерда ҳатто кроватдай катталикдаги япалоқ , девордан туртиб чиққан бир жойи бор эди. Навбатдаги уч ярим метрдан кейин коридор яна торайди, ғорнинг туби ва шифти нотекис бўлди; шифт оҳактошнинг бир-бирига сиқилиб турган учли бўлаклари билан қопланган, бироқ, шунга қарамасдан улар ҳар онда йиқилиб кетадигандек кўринарди.(3-расмга қаранг.)

Билли ғорга 8 метрлар кирганди, ҳайрон қолганидан ҳуштак чалиб юбориб, бирдан тўхтаб қолди: олдинда ғор кенгайиб, катта хонага айланди. Бу хонанинг ўртасида катта бутун оҳактош массивидан ҳосил бўлган, стол жойлашган. У тўғри тўртбурчакка ўхшаб кетар, балндлиги ва эни, тахминан 1 м ва узунлиги 1,5 м эди. Столнинг устки юзаси ҳайратланадиган даражада силлиқ ва тўғри эди, тўртала бурчаги эса мутлақо тўғритўртбурчакли эди. Лекин хонанинг энг ҳайратда қолдирадиган хусусияти шифтдаги чиқиб турган тўнкарилган пирамида кўринишидагиўткир учбурчак харсанг тош эди. Бу тош тўппа-тўғри стол устида осилиб турарди; пирамиданинг чуққиси эса столнинг сиртидан бир неча сантиметр баландликда турарди. (4-расмга қаранг.)

Билли ўзининг топилмасидан рози эди. Бу худди, ҳашаматли яширин бир жойдай эди. У бу жойни укаларига ҳам, ўртоқларига ҳам кўрсатмасликка қарор қилди. Бу унинг ўта шихсий сири бўлади. Ғордан чиқа туриб, кириш жойини ҳеч қандай саёхатчи ёки овчи тасодифан кўриб қолмасин дея яшириб қўйди.

БУ УНИНГ ўспиринлигини энг яхши кунлари эди, ажойиб хотиралари: ўрмонда юриш, очиқ юлдузли осмон остида тунаш, нонуштага балиқ овлаш, 22-калибр милтиғи биан ов қилиш, унинг ёрдамида у ўзига кечки овқат ҳозирларди. Биллининг ўқ узиши шунчалик аниқ эдики, у 50 метрдан олмахонни икки кўзи орасига теккизишга эришарди. Унда бу спортга хос иштиёқ эдики, шунинг учун унга томон олмахон қарамагунга қадар тепкини босмасди. Сочма-ўқдан отиш машқини ҳам олганди, ҳавога кўтарилишгаулгурган ҳар қандай паррандани ҳеч бир қийинчиликсиз йиқитарди.

Бир куни, 1923-йил кузи кечқурун, ўн тўрт ёшли Билли ўзининг амакиваччаси ДжиммиПул билан уйга кетаётган эди. Ўша куни улар иккиси ҳам парранда овлашганди, энди эса ҳаёлларига берилганларича — бир-бирини туртиб ҳазиллашар, кулишар эдилар. Бахтга қарши, Джимми милтиғини ўқсизлантириш кераклигига эътибор бермади ва у қўққисдан жуда яқин масофадан ўқ узиб юбориб, тўғри Биллининг оёғига тегди. У эса оғриқдан қичқириб, ерга қулади.

Джимми тиззаларига йиқилиб, кўз ёшлари орасидан дудуқлана бошлади:

— Билли кечир! Илтимос, кечир! Бу бахтсиз ҳодиса эди. Мен билмасдан...

Кейин дўстининг оёғига яхшилаб қаради, ва унинг юзи оқариб кетди.

— Билли, қимирлама. Мен ёрдам беришлари учун югуриб бориб келаман.

— Йўқ, мени ташлаб кетма! — Билли қичқирди.

Лекин Джимми, у ёқ бу ёққа қарамай, қуён каби елиб кетди. Билли оёғига қараб, қўрқиб кетди — улар қарийб иккига бўлиб ташлангудек отилган эди. Қўрқувдан қалтираганча у ўзини орқага ташлади.

“Худойим, менга раҳм қил” — ингради у. “Сен биласан-ку ахир, мен ҳеч қачон...”, — Худога таъсир қила оладиган ўз ҳаётидаги бирор-бир яхшироқ нарсани эслашга ҳаракат қилиб, жимиб қолди; бирор нарса, Уни раҳмини келтирадиган.

“Худойим менга раҳм-шавқат қил. Сен биласан, мен ҳеч қачон зино қилмаганман”, — бирдан-бир шунигина ўйлаб топа олди .

Тез орада Джимми қўшниси Френк Эйх билан қайтди, у эса Биллини “Кларк Каунти Мемориал Госпитал” касалхонасига олиб борди. Ҳамширалар очилиб кетган яралардан катта-катта гўшт бўлакларини қирқиб қўлларидан келганча тозалашарканлар, Билли оғриқ азобидан кичқириб турди. Мистер Эйх Биллини қўлидан ушлаб турди. Ҳамширалар тугатишгач, Биллининг бармоқлари мистер Эйхнинг билагидан ажратиб олишларига тўғри келди. Рентген сурати икки артерия орасига кириб қолган сочма ўқни кўрсатди, шунинг учун озгина тирналаниш бу томирларни йиртиб юбориши, ва

Биллида қон кетиш бошланиши мумкин эди. Ўша кунларда ҳали қон қуйиш ҳақида билмасдилар. Агар Билли кўп қон йўқотса, бу у учун ўлим дегани эди.

Ўша кеча Билли оғриқдан инграб, вақти-вақти билан ҳиққилаб йиғлаб, аҳён-аҳёнда ухлади. Ярим кечада уни пилчиллаган товуш уйғотди. Мажруҳ оёқларини пайпаслаб, у қўлини қон кўлмагига тиқди. Қўнғироқчалар билан чақирилган ҳамшираларнинг бирдан-бир қила олганлари, бу уларнингқонни сочиқ билан шимдириб, боғламни зичроқ боғлаш бўлди.

Кейинги кун саҳарда ҳамширалар Биллини операция хонасига этишди ва оғриқни сезмаслиги учун, унга эфир беришди. Доктор Ридер қўлидан келган ҳамма ишни қилди, лекин у, Билли жуда кам қувватлигидан, бу нарсага чидай олармикан деб шубҳа қилди. Отаси ва онасидан ташқари, бу оғир синов давомида Биллининг ёнида иккита аёл турарди: миссис Стюарт, оиласининг ўртоғи ва маҳаллий автомобиллар устахоналари директорининг хотини — миссис Родер.

Билли оғриқсизлантирадиган восита билан саккиз соат ухлаб қолди. Ниҳоят у кўзини очганида, кравоти ёнида ўтирган миссис Родерни, унинг ўлимдан қил устида турганлигидан йиғлаётганини кўрди. Билли яна уйқуга кетди ва кейинги бир соат давомида бир неча марта ҳушини йўқотди. Кейин нимадир бўлди — нимадир, тушдан кўра яққол ва аниқроқ; шишадай тиниқ, гўё у ҳақиқатдан ҳам у ерда бўлди...

Гўё уни дунёси учун ҳеч қандай таянч йўқ эди; ҳеч нарса уни тушишини тўхтата олмасди. У қичқирди "Ота!" бу сўз текис ва жонсиз бўлиб кўринди. "Она!" — қичқирди у. Унинг онаси у ерда йўқ эди. "Худойим, -- қичқирди у, -- мени ушла!" Унинг аянчли қичқириғи чексиз бўшлиққа бўғиқ тарқалди. Бу, чек-чегарасиз қоронғилик эдими? У ер шари чегараларидан, Худо қўли етадиган чегаралардан чиқиб кетдимикин? Бўлиши мумкин, у абадий мана шундай йиқилишида давом этади... уни даҳшат қоплади.

Кейин у заиф, баъзўр фарқласа бўладиган шовқинни эшитди: қўрқинчли, ингроқ овозлар. Қанчалик кўп тушар экан, бу товушлар баландроқ эшитилаверди, токи уни тўлиқ ўраб олгунча — бу ингроқ ва ғингшишлар эди. Энди коронғуда юзлар пайдо бўлди, дахшат соладиган аёл кишининг юзлари, кўзлари атрофлари йирингли яралар ва қийшайган оғизлари билан, инграшлар:"У-у...у-у...у-у..у-у.."

Билли қўрқиб қичқирди:"Худоим, рахм кил! Шавкат кил! Агар Сен менга фақат қайтишга ва яшашга имкон берсанг, мен Сенга яхши бола бўламан деб ваъда бераман!"

Бир зумда у касалхона палатасида пайдо бўлди, унинг хиралашган хаёлий ваҳийси онасининг қора, чуқурлашган кўзларига қўшилиб кетди. Унинг юзи ёришди, ва у ўз ўғлини қучоқлади, ўпкаси тўлиб йиғлаганча:"О-о, Билли, Билли, биз энди сени ўлди деб уйлагандик, Худога шукур, сен тирик!"

Ха, тирик, лекин аранг тирик. Ўша кунлари пенициллин йуқ эди, шу учун унинг кўпол яралари захарланганидан иссиғи чиқиб ловулларди. Унинг касалхонада бўлиши бир хафтага чўзилди. Бранхамлар оиласи касалхона хисобига тўлаш учун пули йуқ эди, шунинг учун миссис Родер Билли номига хайрия фонди очди. Ҳамма тиббий харажатлар биргалашиб йиғилган пуллар туфайли, ниҳоят тўлиқ тўланди; уни черковида, ночорларга ёрдам бериш жамияти билан, масонлардан, Ку-клукс-клан[15] ва хусусий хайр-эҳсонлардан.

[15] (Ku-Klux-Klan) АҚШдаги 1865 йилда, негрлар ҳаракати ва прогрессив ташкилотлар билан курашиш учун ташкил топган махфий ирқий ташкилот. (Тарж.)

Нихоят, врачлар Билли тузалди, уни уйга олиб кетса бўлади, дейишди. Афсуски, унинг оғир синовларини охириҳали кўринмасди. Уйда ҳам олдингидай тўшакка михланган эди. Бир неча ойлар ўтди ҳамки, унинг оёкларини ахволи ўзгармади. Кўплаб қийноқли қоронғу соатлар давомида Биллидахшатли зулматга тушган пайтидаги ғалати кечинма ҳақида фикрлаб, ўзиннинг похол тўшагида безовта тўлғонарди. Ўша ваҳий унга шунчалик реал ва ҳақиқатдан мавжуддек туюларди. Ўзи у каерда бўлди? Врачлар ўша вақтдаги соғлиги хакида: унинг юрак уриши кескин пасайди, ва улар уни ўлади деб ишонгандилар. Билли уйланиб колди: "Мен дўзахга тушмадиммикан?" Бу унга тинчлик бермасди. У ўйлади:"О-о, мен ҳеч қачон ўша жойга бормайгин; хеч кайси одамни у ерга боришига тўғри келмасин." Кейин Худога нима деб ваъда берганлигини ўйлай кетди:"Агар Сен менга яшашга қўйсанг, мен яхши бола бўламан!" "Яхши бола бўлиш" нима дегани ўзи. Ва умуман Худо ўзи ким? Бу хамма кайғуришлар уни ташвишга солди.

1924 йил совуқ қишини илиқ баҳор эгаллаганда, Биллининг ахволи яхшиланиш ўрнига ёмонлашгани равшан бўлди.Унинг болдирлари ўзининг одатдаги ўлчамидан икки баробар катталашди, ва шиш белигача кутарилганидан у оёғини туғрилай олмас эди. Доктор Ридер ташхис қўйди: яраларда қолиб кетган ўқ парчаси сабабли қоннинг захарланиши. Биллининг хаёти яна хавф остида эди.Врач иккала оёғини ҳам сонгача кесиб ташлашни тавсия қилди. Билли икки оёғини йўқотиш фикрига сира кўнолмади. Унда у қандай килиб ов қилади ва ўрмонда кезади? Ундан кўра уни ўлгани яхшироқ. Шак-шубҳасиз катъийлик билан оёғини кесишини рад этиб, йиғлаганча дели:

— Йуқ, доктор фақат озгина баландроқдан олинг, ва уларни мана бу ердан кесиб ташланг, — ва у қўлини буйнидан ўтказди.

— Кесмасдан даволаш имкони бор,–жавоб берди доктор Ридер. — Биз яраларни бегона жисмлардан тозалашга уриниб кўришимиз мумкин. Бу кичикроқ имконият, лекин уруниб кўрсак бўлади.

Бу кичкина имкониятга Билли ёпишиб олмоқчи бўлди. Шундай килиб, ўша сочма ўқ билан бахтсиз ҳодисадан кейин етти ой ўтиб, у яна операция столига ётди. Доктор Ридер Луисвиллик доктор Перл билан, уни ярадор жойини очдилар, ва хушёрлик билан унинг тўқималарига кирдилар, унинг ичидан, қўлларидан келганча, мойли овчилар кийими булакчалари, қурол стволи кигизибўлакчалари ва йирик қўрғошинўқ бўлагини ажратиб олдилар. Кейин улар ярани яхши бўлишини кутиб, тикиб қўйдилар.

Билли оғриқсизлантирадиган воситалар билан соатлаб ухлаб колди. Бу “қамоқ”данонгининг ёрқин нурига чиқа туриб, яна бир олдингидай реал ва ҳақиқатга ўхшаш, лекин аслини олганда ундан фарққиладиган, ҳайратланарли кечинмани бошидан ўтказди. Бу сафар бирорта кўзи уйқудабўлмаганлигини биларди, чунки у касалхона койкасида, тўғри отасига қараб ётарди.

Касалхона палатаси хиралаша бошлади, ва у бирдан Ғарбда пайдо бўлиб, чўлда турарди. Хаммаёкда, кактуслар ва ўтли буталар горизонт чизиғигачаўсиб ётарди. Унинг кўз ўнгида осмонда қуёшдай шуълаланиб,ҳартарафга нурини таратиб улкан олтин хоч осилиб турарди. Билли ўша тимсолга қўлларини чўзганди, ўша нурлардан айримлари унинг кўкрагига йуналгандай туюлди.

Кейин бу ҳолатўтди, ва Билли ўзини яна касалхона палатасида отасига қараб ётганини билди. Операция мувоффакиятли ўтди.

6 БОБ
ҚАҚШАТҚИЧ ЗАРБА
1925-1927

УИЛЛЬЯМ БРАНХАМНИНГ қарама-қарши жинс тўғрисидаги фикри ҳали болалигидаёқ, яширин самогон ташкилочилари ёнида ўсган вақтларида шаклланганди. У бир неча марталаб, коронғи тушиши билан оилали хотинларнинг оғилга яширинча писиб киришларини, кейин, у ерда кечадароз бегона эркаклар билан ичкилизбозлик қилишларини кузатганди. Одатда бу аёллар эрталабга шунчалик маст бўлишардики, бориб оиласига нонушта тайёрласин дея, уларни эркаклар кофе ичириб, ўзига келиб уйларига ўзлари бора оладиган бўлгунларича, ҳовлида судраб юргизишарди. Уларнинг хулқ-атвори Биллида нафрат уйғотди. У фикрлади:" Агар аёллар шундай ярамас бўлса, мен ҳеч қачон уйланмайман, ҳаттоки, агар бунга мени "мажбур этсалар хам".

Бу салбий таассуротлар натижасида Билли қизлар билан дуч келинадиган ҳар қандай жамоат тадбирини хуш кўрмасди. Бу туғилган кундаги ўтириш кечасими, ёки омборда байрам рақсими —Билли иложи борича улардан қочишга ҳаракат қиларди. Байрамга тайёргарлик ҳақида бирон-бир ишорани шамасини эшитганиданоқ у бўладиган жойи ва вақтини эслаб қолар, ва донолик қилиб, худди шу тайинланган пайтда банд бўлар эди. Гоҳида уни ота-онаси ҳам қўшниларни таклиф қилишар ва рақс билан бўладиган қувноқ кечаларни уюштиришарди. Шундай кечалари Билли фонуси ва овчи итини олар ва ўрмон ичкарисига жўнаб кетар, ярим кечаси енот ва оппосумларни овлар эди. Агар уйга қайтганида мусиқачилар ҳалиям скрипкада ғижиллаётган бўлса, у энг баланд ёғоч айвонга чиқиб олиб, эрталабгача ухлар эди.

Биллининг мактабдан кетиши унинг муаммоларидан биттасини хам ечмади — улар бошқачасига намаён бўлди холос. У аввалгидек ўз тенгдошларининг доимий хуш кўрмасликлари билан курашишга мажбур эди. Ўша ерлик болаларнинг кўпчилиги уни ёктиришмасди, чунки у чекмас ва ичмас эди, қизлар эса унинг рақс кечаларига бормаслиги учун ёктиришмасди. Уни тушуна олмасдилар. Энг ёмони, Билли ўзини ўзи тушунаолмагани эди. Гарчи у одамларни севар ва уларга мойил бўлишликни хоҳласада, ўша вақтнинг ўзида, ўзинибошқа тенгдошларига ухшаб улар тутган йўлни тутишга мажбур қила олмас эди.

У кўп марталаб ўй-фикр қиларди: "нима ҳам дердим, агар менга қувғин бўлиш тақдир этган бўлса, унда мен қопқончи бўламан. Вояга етсам ва онамни боқиш учун бирон жойда етарлича пул топа олсам Колорадова Вашингтон штатларига бораман, ёки,балки Британия Колумбиясига бораман ва қопқон куйиб ов киламан. Ўз қуролимни, қопқонларимни, биргала овчи итларни оламан ва ўлгунимча ўша ерда яшайман. Ва хеч качон уйланмайман."

Билли бирор режани мўлжалласа, у ҳар доим онаси билан маслахатлашарди. Чарльзнинг ахлоксиз ҳаёти туфайли, қанчалар азоб ва мусибатларни бошидан кечирган онаси учун қайғурар эди. У ўттиз ёшида саккиз боланинг онасибўлиб, улардан каттаси ўнбешга тўлганди. Пул ва кийим-бош доим еттишмасди; тез-тез озик-овкат хам етишмай колар эди. У онасини ўз уйидан чикариб юборилганида, остонада боласини қўлтиклаб йиғлаб ўтирганларини кўрган эди; Чарль эса бу вақтда, маст ҳолда кечаси билан хонада бехушётарди. Шунга карамай, Элла Бранхам ўз эрига содиқ қолиб, доимо оиласи кийинган, тўқ ва иложи борича бахтли бўлиши учун ғамхўрлик қилар эди. Билли онасини одоб-у ахлоқи учун севарди;уни қандай бўлса, шундайлигича, уни ғалати, ажабланарлилиги билан қабул қилгани учун хам севарди. Биллига ҳаёт онасини кўплаб неъматлари билан тақдирлаши керакдек туюлар, шу туфайли у онасини эсон-омонлиги, бахт-саодати учун ғамхўрлик қилишни ўзига ҳам-қарз, ҳам-фарздеб ҳисоблар эди. Онаси ўзининг хулқи билан Биллида, дунёда ҳали-ҳам хуш хулк, одамшавандааёллар қолганлигига умидини уйғотар эди.

1926-йил арафасида уларнинг шахрига янги қизча келди ва у Жимми Пулнинг таниш қизи билан дўстлашди. Билли ва Жимми қалин дўст эдилар, ва бир куни Билли унинг уйида ўша қиз билан тўқнаш келди. Унинг гўзаллиги Биллини эсанкиратди: уни кўзлари каптарникидек, тишчалари оппоқ марвариддай, бўйни эса худди оққушчаникидек нозик эди. Жимми уни таништирганида у кўзчаларини пирпиратиб, ноз қарашма билан: "Салом, Билли", — деди. Бу эса ҳаммасини ҳал қилган эди. Билли қармоққа илинди.

Кейинчалик Жимми воситачилик ролини ўйнади.

— Билли сен унга ёқасан деб ўйлайман.

Билли бу гапдан эриб кетди.

— Ростданми?

— Албатта-да, у сени севади. Қулоқ сол, икки кишилик учрашув ташкил қилсак-чи? Биз улар билан отамнинг эски “Форд”ида... агар уни ёқиб билсак, сайр қиламиз.

— Билмасам, — асабийлашди Билли.

— Албатта-да. Биз вақтни зўр ўтказамиз. Лекин бизга озроқ нақд пул топишимизга тўғри келади. Қанча пул қириштира биласан?

Билли иккиланиб қолди, лекин кейин, агар у ростдан ҳам ўша гўзал қизга ёқса, унда киста ковлашга тўғри келади, — деб қарор қилди.

— Менда 30 цент бор.

Бу Жиммини қаноатлантирди.

— Жуда яхши. Менда 35 цент бор. Бунинг ҳаммаси етиши керак. Бензинни ҳисобга олмаса, биз уларга бирор бир ичимлик ёки музқаймоқ, ёки яна бирон бир нарса харид қилишимиз керак.

Биллида бу қиз билан қандай қилиб яқиндан танишиш учун фикр пайдо бўлди.

— Қулоқ сол Жимми, агар сен рулда бўлсанг, мен эса харид қисам, нима дейсан?

— Чакки эмас.

Эски “Т” моделли “Форд”ни ўт олдиргунча, уни орқа ғилдиракларини домкрат билан кўтариб, “рукоятка” билан 10 марталар ёқишларига тўғри келди. Қизларни олиб кетгани келганларида қуёш ботиб бўлган эди. Билли ва уни йўлдоши орқа ўриндиққа ўтиришди. Ҳар доимгидек тортинчоқ Билли қиздан иложи борича узоқроқ, ўриндиқ четига сурилди. Улар орасидаги масофа ва қоронғулик унинг эскирган кийимларини яширади деб умид қилган эди.

Газни охиригача босиб, улар машинани гумбурлатиб, ой ёритиб турган қишлоқ йўлларидан номаълум томонга елишарди. Жимми ва унинг йўлдоши олдинда ўтиришганча ҳамма гапни ўзлари бошқариб турдилар. Билли эса у қизга кўз қири билан қараб қўяр ва бамайлихотир ўтирарди. Ой нурида қизнинг гул-гул очилиб-яшнашига у маҳлиё бўлиб термулганча, шундай гўзал қиз у билан кетишга рози бўлганлигини ўйлаб, юраги ғурурдан тўлиб тошган эди. Нима ҳам дейсиз, эҳтимол, қизлар ҳам чакки эмасдирлар.

Қиз у томонга қараб жилмайди:

— Оқшом жуда гўзал, шундай эмасми?

— Ҳа, хоним.

— Бугун кечқурун “Сикоморлар” боғида танца бўлади, — гап ташлади у. — Ўша ерга борайлик.

Билли ўзини йўқотиб қўйди.

— Йўқ, хоним, боргим келмаяпти. Мен танцага тушмайман.

Улар қишлоқларни оралаб юргач, йўл ёқасидаги дўконга келиб тўхтадилар. Билли ва Жимми ҳар бир қиладиган ишларини келишиб олишганди. Билли томоқ қирганча:

— Жимми, озроқ томоғим қуриди. Нима дейсан, шу ерда тўхтатасанми?

— Зўр фикр, Билли.

Жимми дўкон олдида тўхтатиб, деди:

— Мен бирор егулик ва ичгулик харид қиламан.

— Хавотир олма, — деди Билли. — Мен ҳаммасини ўзим оламан.

Буни ҳаммаси келишилган эди, чунки Жиммида бир цент ҳам йўқ эди. Улар бензинга 25 цент харажат қилиб, Биллининг чўнтагидаги 40 центни қолдиргандилар.

Сэндвичи (пиёзли дудланган чўчқа гўшти) ҳар бири 5 центдан, ва Биллида яна 4 та кока-кола сотиб олишга лойиқ пул қолганди. Салқин оқшом ҳавоси ва чигирткалар чирилашидан ҳузур қилиб, улар машинада тамадди қилишди. Биллининг кайфияти яхши эди. У ростдан ҳам бу қизга ёқиб қолганди! Бу оқшом у шу компаниянинг бир бўлаги эди ва у ўзини қандайдир муҳим кишидек тутарди. Улар кока-колани ичиб бўлишгач, Билли бўтилкасини дўконга топшириб, уларни пулини қайтариб олиш мақсадида кетди. Қайтиб келса машинадагиларнинг ҳаммаси сигарет чекиб ўтиришарди. Билли кўзларига ишонмасди: унинг ҳамроҳи ўша гўзал қиз тамаки чекар эди! У бошини орқага ташлаб, бурнидан тутун чиқарарди. Билли ўзини ноқулай сезди. Орқа ўриндиққа салмоқланиб, оғир ўрнашди. Қиз унга таклиф қилди:

— Билли, сигарет чекасанми?

— Йўқ, хоним, — у норози ғулдиради.

Қизни жаҳли чиқди.

— Билли Бранхам, нима бўляпти ўзи? Аввалига танцага тушмайман дединг; энди чекмайман дейсан. Унда сенга ўзи нима ёқади?

— Мен ов қилиш ва балиқ тутишни яхши кўраман.

— Қанақанги нодон, — деди у ва ғижиниб тепа лабини бурди. — Билли ушла-да бу сигаретни чеккин ва ҳаётинга кўпроқ вақтичоқлик қўш.

— Йўқ, хоним, мен бундай қилишни хоҳламайман

— Сизлардан кўра, биз, қизларда кўпроқ жасурлик бор демоқчи эмасмисан ҳали? — истэҳзоли илжайди. — Сен кап-катта нозигойсан.

Нозигой? Бу даҳшатли сўз унинг бобрнинг тўпиғига ботган қопқондан кўра кўпроқ оғритди. Нозигой? Оғриқ уни юрагини ёқди! Нозигой? Фақат у эмас. У "катта, бир сўзли, қатъий Билли" — овчи, қопқон қўювчи, жангари эди. Нозигой? Энди у қизга кўрсатиб қўяди.

— Сигаретни бер бу ёққа! — талаб қилди Билли.

Қиз енгил чертиш билан сигаретни қутисидан чиқарди ва мағрурона узатди. Билли деди:

— Гугуртни берчи.

— Ана энди сен кўпроқ эркакка ўхшадинг, — деди у, қутини узата туриб.

Билли гугутрни чақди ва у қўлида сигаретани ушлаганича иккаласини бирдан оғзига этди. Лекин сигарет унинг лабига тегмасидан аввал, шамолда тебранадиган баргларнинг шитирлашига ўхшаш шовқин эшитилди. Билли сигаретани туширди ва диққат қилиб тинглади: ҳеч нарса эшитилмасди.

"Ҳа, менга шунчаки эшитилди", — деб ўйлади.

— Нима бўлди Били, — сўради қиз.

Билли бошини чайқаб:

— Ҳеч нарса. Мен чекишга ҳаракат қилаяпман, холос, — деди.

Билли яна сигаретани оғзига этди ва яна ўша товушни, бу сафар баландроқ эшитди. Тинч бир маромдаги шамолнинг товуши *"Хш-ш-ш-ш!"* деган баралла кучли шовқинга айланмагунча кучаяверди. Унинг қўллари оғзигача бориб қотиб қолди ва у терак баргларидан келаётган, уни огоҳлантирувчи осойишта-сокин овозни эслади: *"Ҳеч қачон ичма, чекма ва ҳеч қандай тарзда танагни булғама. Катта бўлганингда, сен учун меҳнат бўлади".* Унинг қўллари қалтиради. Гугурт донаси унинг бармоқларигача ёниб келди ва уни ерга тушириб юборди. Кетидан сигарета ҳам тушиб кетди. У йиғлади.

Унинг қизчаси эса қиқирлади:

— Энди сени нозикойлигингни аниқ биламан.

Дарғазаб, дили ғаш ва қўрқиб кетган Билли машина эшигини ланг очиб, сакраб тушди-ю йўл ёқасидан йиғлаганча кетди. Жимми унинг ёнидан машинада борарди.

— Билли, ўтир энди.

Билли бош чайқади.

— Йўқ, Жиммми, — дея йўлида давом этди у.

Жимми Биллини машинага ўтиришга кўндиришга ҳаракат қилиб машинасини аввалгидек ҳайдаб борарди, бу вақтда эса Биллининг ҳамроҳи бўлган қиз шавқатсизларча унинг устидан куларди:

— Билли Бранхам, нозик найновсан, мен эса сени эркак деб ўйлабман.

— Мен ҳам ўзимни эркак деб ўйлагандим.

Ҳиққилаб йиғлаганча Билли йўлдан бурилиб, машина унинг орқасидан юра олмайдиган, тўппа-тўғри даладан кетди. Тепалик орқасига ўтиб, йўл кўринмай қолгунча, ўйламасдан одимларди.у ерга ғужанак бўлиб олдида, ойга қараганча нола килди: "Мен ҳеч нарсага лойиқ эмасман. Мен ўзимга дўст орттира олмайман. Йигитлар орасида разил, одам қиёфасини йўқотганман. Ҳеч кимга керак эмасман. Унда нима учун яшаяпман? Бундан нима фойда? О-о, қанийди агар қандай қилиб бўлса ҳам шу ерда ўлсам ва бу азобларга нуқта қўйсам эди. Мен ғалати ниманидир асири бўлдим ва ҳатто у билан нима қилишни билмайман".

У кучи кетиб, ўзини билмай қолгунча йиғлади. Кейин у шунчаки ўтирганча, ойга тикилиб, осмонда осилиб турган жонсиз тош каби, ўзини ҳам ўликдай ҳис қилди. Бирдан у ғаройиб бир нарсани худди бир уни қисаётганини сезди. Унда ваҳимали сезги пайдо бўлди, гўё у ёлғиз эмасди. Нафаси ичига тушиб, қулоқ солиб турди — атроф ўликдай жим-жит эди. У ой ёруғида далаларга қараб, аланглай бошлади. Ҳеч ким кўринмасди, лекин у кимдир (ёки нимадир) унга яқин турганини сезди. Унинг эти жимирлаб кетди. У ўлгудай қўрққанидан оёғи ерга тегмай уйга чопди.

Бунга ўхшаш ғалати кечинмалар сабабли у ўз ҳаётини одамларнинг оддий ҳаётидан фақат қашшоқлиги билангина фарқ қилмаслигини англай бошлади. У учун ҳар-ҳар замонда учраб қоладиган, мисол учун, фолбин билан бўлгани каби "саргузаштлар", қийнайдиган ва тушунарсиз эди. Бир куни аттракцион ярмаркада Билли Жимми Пул билан марказий кўчадан чорловчиларнинг ўйинларга ва савдо расталарига чақиришларини эшитиб боришарди. Улар киришда илдирилган парда ёнида турган ёш лўли аёлнинг — фолбиннинг чодири олдидан ўтиб боришарди.

— Эй, менга қара! — лўли аёл чақирди. — Бир минутга бу ёққа кел.

Иккала йигит ҳам бурилишди.

— Сен, йўл-йўл свитердаги, — қўшиб қўйди у.

Билли йўл-йўл свитерда эди, у лўлига бутерброд ва кока-кола учун юборади деб ўйлаб унга яқинлашди.

— Ҳа, хоним, нима ёрдамим керак?

— Сен орқангдан Нур эргашиб юрганини биласанми? — деб сўради у.

Бу ғалати сўзлар Биллини ҳанг-у-манг қилиб қўйди.

— Нур? Нима демоқчисиз ўзи?

— Мен кўраяпман, сен аломат остидасан, жуда сирли аломат остида туғилгансан; 3 та асосий сайёраларнинг орбиталари сенинг биринчи уйинг устида кесишган ва уларнинг ҳаммаси Нептун билан бирлашган. Мана нима учун орқангдан Нур эргашаяпти. Сен Худонинг хизмати учун туғилгансан, — тушунтирди у.

Биллини қалтироқ тутди.

— Менга қаранг, аёл,жим бўлинг! — у аёлни кескин тўхтатди ва шошилиб кетворди.

Кейинроқ бу воқеани онасига айтиб берди, онаси уни тўғри қилганини айтди, чунки барча фолбинлар шайтондан. Бу унга тинчлик бермасди. “Қандай қилиб кимдир, шайтон билан очиқ алоқадор киши уни кўп одамлар орасидан “Худо чақириғи”га эга, — деб ажрата олади?”

Ўзини ўзи тушуна олмаганидан Билли ўзидан борган сари ҳафсаласи пир бўлаверди. Нима учун у ўз тенгқурлари билан келиша олмайдиган “бегона товуқ”дек сезарди ўзини. Уйда ҳам унга ширингина эмасди. Бу вақтга келиб Чарльз оиласи билан кулбадан Жефферсонвилли чеккасидаги катта уйга кўчиб ўтган бўлса-да, уларнинг уй ҳаёти аввлгидек тартибсиз ва саросимада ўтарди. 1927 йил августда Элла Бранхам тўққизинчи боласи — Жеймс Дональдни туғди. Энди уйда бир ёшдан 18 ёшгача тўққиз бола олишиб, ёқалашиб яшашар эдилар.

Билли ҳақиқий тинчликни ҳар доимгидек ўрмонда, ити Фриц билан дайдиб юрган пайтларида топарди. Кутилмаганда қақшатгич зарбага учради. Мистер Шорт, маҳаллий жойнинг шерифи ўринбосари, Фрицни захарлади. Ғазабдан ёниб, Билли жазавага тушди. Чарльз ўғлини полиция участкасига қурол билан кетаётганида ушлаб олди.

— Ота, мен уни ўлдираман, — жаҳлдан қалтираб, Билли ғижинди

Чарльз қизишиб кетган ўғлидан қуролни тортиб олди.

— Бу ишни ҳеч қачон қилмайсан.

Билли итининг қабрига қайтиб келди, тиззаларига чўккалаб, шляпасини олди. “Фриц, сен менинг дўстим, ҳақиқий ўртоғим эдинг. Сен мени пана қилардинг, боқар эдинг ва мактабга кузатар эдинг. Сен қариганингда мен ғамхўрлик қилмоқчи эдим. Аммо мана мистер Шорт сени вақтидан олдин нобуд қилди. Сўз бераман, Фриц, у яшамайди. Бир кун уни кўчада топаманда, машина билан босиб кетаман. Мен сен учун ўч оламан”.

Билли ўзининг энг яқин дўстидан жудо бўлганлигидан ҳаётини ўзгаришига ҳар қачонгидан ҳам кўра мухтожлигини сезди. Луисвилл дарёсидан ўтиб, Кентукки штатидаги ҳарбий денгиз флотига ёзилди. Кечқурун бу ҳақида онасига айтганида, уни қаттиқ аччиғи чиқди. Кейинги кун эрталаб у ҳарбий денгиз флоти чақирув пунктига бориб, ўғлининг фамилиясини рўйхатдан ўчиришга кўндирди.

Энди Билли бирор қатъий қадам қўйишга қарор қилса, буни яширин қилиш кераклигини тушунди. Озроқ ўтгач, ўша йилнинг кузида, у яна бир имкониятдан фойдаланди. Уни Франциско деган танишиАризона штатига, Ғарбга Финиксга кетмоқчи бўлаётган эди. Билли унга қачондир у ҳам Ғарбга бормоқчилигини билдирди. Мистер Франциско Биллини ярим сўзидан тушунди ва ундан 3200 км лик мурккаб йўлда машинани ҳайдашга ёрдам беришини ва бу учун унга пул тўлашини айтди. (5-расм). Билли бу таклифни жон деб қабул қилди. У онасига Туннель-Миллга бир-икки ҳафтага бормоқчилигини айтди. Шундай қилиб, унга онасини йўлдан қолдиришидан қўрқмасдан шахардан чиқиб кетиши мумкин бўлди, Аризонага етиб келгач эса, онасига хат ёзиб, ҳаммасини тушунтирмоқчи бўлди.

7 БОБ
САҲРОГА ҚОЧИШ
1927-1929

БИЛЛИ БРАНХАМ ФИНИКСГА КЕЛГАНИДА, Мистер Франциско унга ваъда берган 3долларни тўлади. Биллида бўлган бор-йўқ пул шу эди, лекин у бу учун жуда қайғурмади ҳам. У пул топиш учун бирор бир иш топилиб қолишига ишонарди.

1927-йил декабр ойида Билли 18 га кирди. Ҳаётидаги янги имкониятлардан у жуда руҳланди.

Онаси кечириши учун ёзилган хатини жўнатиб, Билли шаҳарни томоша қилишга жўнади. Тез орада ковбойлар (родео)[16] мусобоқосига дуч келиб қолди. Бу унга шундай фикр уйғотди: “Ҳар қалай мен ҳам яхши чавондозманку. Чўнтагимда сариқ-чақам бўлмаса, нима учун шу мусобоқада енгил йўл билан пул ишлаб олмаслигим керак? Лекин ўша ковбойларга кўринишдан олдин, мен бир жуфт ковбойларнинг чарм чолворидан топишим керак”.

[16] Родео — ковбойлар мусобақаси, ёввойи отлар ёки ҳўкизни бўйсинтириш ва миниб юриш мусобақаси. (Тарж.)

У кўчадан пастга қараб кетди, яқинроқдаги кийим сотиладиган магазиндан бир жуфт ковбойларнинг чарм чолворидан танлади. Улар жуда зўр, ажойиб эди:камарида “АРИЗОНА” деган сўз зарб урилган эди, ва ҳар бир шимда ҳўкиз калласи тасвирланган эмблема (нишон) тикилган бўлиб, уни кўзи ўрнида мис тугмаси бор эди. Лекин бу чолворлар бўйи унга тўғри келмасди ва пойчалари ерга судраларди. Билли ойнада ўзига қараб ўйлади: “Мен жангари хўрозга ўхшаб қолдим − қаноту, парлардан иборат”.

— Сер, бу жуфт 25 доллар туради, — деди сотувчи.

Билли уларни қайтаришга рози эди.

— Менда бор-йўғи 3 доллар бор ҳолос.

— Унда яхшиси сиз “Ливайз”[17] фирмасининг бир жуфт жинсисини харид қилинг, — деб таклиф қилди сотувчи.

[17] Инлизчадан: “Levis” (Тарж.)

Билли “Ливайз” джинсиси ва ковбойлар шляпасини сотиб олгач, ковбойлар мусобоқаси — родеога қайтди. Тўсиқларнинг бирида қатор бўлиб, оёғи қийшиқ, башарасининг хунуги чиқиб кетган ковбойлар, қайсики кўплаб молларни ҳайдашда ва яйловдаги жанжалларда қатнашганлар ўтирганди. “Мана қаерда менинг ўрним”, — деб ўйлади Билли. У тўсиққа чиқиб уларга яқинроқ ўтириб олди. Атрофдагилар ҳаяжонланганча минғиллашардилар. Били довруғи чиққан чавандознинг ёввойи, ёмон ном чиқарган айғирни минган пайтига етиб келган эди. Отни шу яқиндаги қўтонда ушлаб туришган эди. Бу оёқлари узун чавандоз эгарга сакраганида Билли ўйлади: “Агар бу йигит отга туролмаса, мен тура оламан”.

Эшикни очишга улгурмадилар ҳам, от кишнаганича қўтондан тўртала оёқлари билан шаталоқлаб отилиб чиқди. Орқа оёғи биланлинг отди. Чавандоз сомон тиқиб ясалган қўриқчи каби осмонга отилди ва суяклари қарсиллаб, бутун танаси билан шалпиллаб тушди ва ўйингоҳнинг ўртасида қимирламай қолди; унинг бурнидан қон кета бошлади. Ёрдамчи отни тутиб, қўтонга қамагунича, беҳуш ётган чавандозни тез ёрдам машинасига этиб, касалхонага олиб кетишди.

Тўсиқ бўйлаб, чарм кийимли чавандозлар билан ўтирган Билли ёнидан аста-секин отлиқ ўтиб борарди. У деди:

— Ким шу отда 30 секунд тура олса, мен унга 50 доллар бераман.

Бу одам дам-бадам тўхтаб қолар ва ҳар бир чавандознинг кўзига қараганча, ўзининг таклифини ва баҳосини такрорларди. Ҳеч ким унинг чақириғини қабул қилишга журьат қилмади. Шунда у Биллининг олдида тўхтаб ундан сўради:

— Сен-чи, чавандозмисан?

— Йўқ сэр, — қўрқиб жавоб берди Билли.

Билли Финиксдан шимоли-ғарбда жойлашган кичикроқ Викенбург шаҳридаги чорвачилик фирмасига ишга кирди. У отда юришни шунчалик ўзлаштирдики, тез орада у ранчода[18] алоҳида ишларни бажара бошлади. Энди у доим орзу қилган ҳақиқий чавандозга айланди. (Фото №6)

[18] (Ранчо — йирик ферма)

Чўлнинг гўзаллиги унинг ҳар қандай жўшқин орзуларидан ўтиб тушди. Атрофда тизилиб кетган тоғ тизмалари аро қоялар юксалиб турарди. Биёбон ва унга улашган дара қияликлари бутунлай улкан цереус-кактуслари[19] билан қопланган. Чўл ўз турли-туманлиги билан намоён эди. У ҳар турли кактуслар

билан тўлиб тошганди: опунция — сув қундузининг найзали думига ўхшаш кичикроқ кактуслар; шунчалик зич ва майда игначанинг кўплигидан момиқдай ёстиқсимон кактуслар; ўзининг қирралари тикон қиррали бочка формадаги бочкасимон кактуслар; ўзининг испанчада “яшил таёқча” номи билан машҳур пастак сершоҳ дарахтлар. (Фото №7. 8) Ҳайвонот ички дунёси ҳам Биллини мафтун қилди: заҳар тишли калтакесаклар, ён боши билан урадиган шақилдоқ илонлар, кенгурусимон сичқонлар ва явелин чўчқалари. Булар ҳаммаси шунчалик экзотик эдики, Огайо дарёси водийсидаги ўрмонлардан жуда фарқ қиларди. Қаранг-а, у ҳозир шу экзотика ўртасида от устида дала чангитиб, узун шоҳли ҳўкизларга қараётган чавандозлар қаторида ишлайди. Буни ҳаёт деса бўларди. Бундан ҳам яхши нарса борми?! У гўё бир қадам ташлади-ю, болалик чоғларида кўрган ковбойлар филъмига кириб қолди.

[19] Улкан цереуслар — кактуслар оиласидан ўсимлик тури. Танаси баргсиз, баландлиги 20 м, сувли ва мағзли. 40 га яқин тури мавжуд. Асосан, Марказий ва Жанубий Америкада ва Антиль ороллари да тарқалган. Унинг ватанида пояси ёқилғи сифатида ишлатилади. (Тарж.)

Аммо Билли ранчода бир ярим йил ишлагач, хом хаёллари камоли сўна бошлади. 1929-йил ёзидаёқ унинг норозилиги кучая бошлади. Кўп марталаб ўзига у нима нотўғри бўлган ўзи, деб савол берарди. У чўл-у-биёбонга осойишталик ва қаноатланиш учун келди-ю, лекин нима учун ундан тинчлигу-қониқиши қочиб кетди. У бутунлай бахтиёр эмас, нимадир унинг ҳаётида етишмасди. Лекин нима?

Ниҳоят, молларни кузги ҳайдаш вақти келди. Бутун ёз бўйи ранчодаги кўп ишчилар ўз молларини ҳар доимги баланд тоғларда, қарағайлар орасидаги қалин ўтловларга ҳайдагандилар. Ҳар куз улар келишиб, ишлардилар, дайдиб, аралашиб кетган молларни ранчонинг водийсига бирга ҳайдаб тушуришар, ва кейин у ерда қулоғидаги тамғаларга қараб ажратишарди. Ўткан йилги молларни тоғда боқиш Билли бошдан кечирган энг мароқли дамлар эди. Аммо бу йил уни безовталик тарк этмади, ундан ажралмай таъқиб қилди. Нима нотўғри бўлди ўзи?

Кеч киргач Билли отнинг эгарини ечиб, гулхан яқинроғида ёстиқ ўрнида қўйди. Кечки овқатдан сўнг,қуёшнинг қизил-алвон рангларини таратиб, аста-секин тоғлар ортига яширинib боришини томоша қилиш учун эгарга ёнбошлади. Слим исмли Техаслик қария гитарасини созлай бошлади. Ҳар кечқурун Слим бошқа бир ковбой жўрлигида чўлни кавбой балладаси билан тўлдирарди. Слим хиргойи қиларди:

Ўткан кеча даштларда ҳаёл суриб,
Осмондаги юлдузларга термулдим.
Ва ўйладим: бўламанмикин ўшал,
Олис-олис оламларда, мен, бир чўпон.

Бу ёруғ бахт ўлкасига йўл бор,
Айтишларича у йўл тўғри ва тор.
Аммо ўлимга элтади кенг йўл,
У порлайди ва ундан юради кўплар.

Улар айтадилар Эгам ҳақида,
Ҳар доим жой топиб беради.
Кўплаб гуноҳкорларга
Кенг йўлдан юрганларига.

Яна айтадилар, У ташламайди,
Кишиларнишларини билади У,
Лекин менга керак, Унинг белгиси,
Унинг Китобига киришим учун.

Айтишларича, катта қўрада,
Ҳамма ковбойлар туришади хайвондай;
Ҳар бир ҳукм чавандози айиради,
Ҳар бир инсонни турига қараб.

Агар подадан ажралиб қолсам,
Унда мен ўлимга маҳкум бўламан,
Гўё, терс, қайсар, қулоқ-қашшанглар,
Келганида қўрага Хўжайин Эгам.

Билли баллада сўзлари нимани англатишини тушунди. “Асов, терс, қайсар” — бу бир ҳайвон, ва унинг тақдири қозонга тушиб, пишиш билан тугарди. А Буюк Соҳиб-Эга ва унинг Китоби, белгиларичи? Билли ўйлаб кўрди, шу эмасми уни қаттиқ ташвишга солган? Бу нарсаларни Худо билан умумийлиги бормикан?

Слим бошқа куйни, бу сафар эски черков гимнини чала бошлади:

У ерда хочга Масиҳ қийналган жойда,
Мен кечирим сўраб, ялинган жойда,
У ерда У мени Қони билан оқлади.
О, Ҳамдлар бўлсин Унга!

Бу узун, тинч ва сокин куйни эшитаркан, Билли юрагида зирқироқ оғриқни ҳис қилди. У тескари бурилиб, ёпинғични бошига тортди, бурни ва кўзини очиқ қолдирди холос. Юлдузлар гўё, тоғлар устида шунчалик яқин эдики, қўл билан ушласа бўладигандек эди. Шабаданинг тўхтовсиз шивир-шивирида Билли гўё, “Одам, Одам, қаердасан?”, — дея адашган биринчи ўғлини чақираётгандай, уни ҳам чақираётган Худонинг овозини эшитди.

Уч ҳафта ўтиб, молларни ҳайдаш тугади. Ковбойлар орқага, маошларини олиш ва жўнатилган хатларни ўқиш учун, ранчога йўл олдилар. Биллини почта муҳрига қараганда уч ҳафта олдин келган онасининг хати кутарди. Ҳамма янгиликлар орасида, онаси Эдвард укасини жуда қаттиқ касал деган эди. Билли укаси шамоллаган ёки грипп бўлган, дея, буни юрагига жуда яқин олмади.

Ўша куннинг ўзида, туш пайти ҳамма ковбойлар Фениксга вақти-чоғлик учун отларда кетишди. Гарчи Билли қолганлардай байрам кайфиятида бўлмаса ҳам, ҳолатини яхшилаш учун ҳамма билан қўшилиб кетди. Ранчо ишчилари ёнма-ён бўлиб қаҳвахонага киришганда, Билли кўча бўйлаб, бир ўзи одимлади. Ҳалиям юрагида олдингидай ҳавотирни сезарди. Нима нотўғри бўлаётган эди? У уйи учун унча қисилмасди. Билли Аризонани, чўлни севиб қолди ва ўз ишидан роҳатланарди. Аммо у ҳали ҳам қандайдир бўшлиқни ҳис этар, нимадир етишмасди унга. Нималигини билолмасди.

У кўчадаги ҳаракатларни кузатиб, бироз ўтирди. Паканароқ гўзал испан аёли уни имлаб, оқ рўмолчасини тушириб, уни ёниданўтди. Билли ҳаёли паришон ҳолатда деди:

— Эй сен, рўмолчангни тушириб қолдирдинг.

Қизча рўмолчасини олиб, йўлида давом этди.

Билли кўчанинг бошқа томонидан келаётган мусиқани эшитди. У ўша томонга кетди ва ковбойлар мусобоқаси майдончаси яқинига келиб қолди. Отхона олдида кекса ковбой гитара чалар ва куйларди:

У ерда хочга Масиҳ қийналган жойда,
Мен кечирим сўраб, ялинган жойда,
У ерда У мени Қони билан оқлади.
О, Ҳамдлар бўлсин Унга!

Бироқ бу қария ўша кеча даштда куйлаган Слимдан кўра кучли ҳис-туйғу билан куйларди. Бу мадҳияни гўё ўзи яшаб ўтгандай куйларди. Унинг чўтир юзидан ёшлари оқди. Нақоратнинг охирида Биллига бурилди ва:

— Биродар, буни нималигини, сен билолмайсан. Бу Ажойиб Исо Масиҳни қабул қилмагунингча, тушунолмайсан, — деди.

Ва у яна нақоратни куйлай бошлади:

— *О, Ҳамдлар бўлсин Унга!...*

Билли шляпасини бостириб кийганча, кетиб қолди. Унинг юрагини ифодалаб бўлмайдиган туйғулар титкилар эди.

Билли тавернига қайтган вақтда, унинг ўртоғлари бир-бирининг оёқ панжаларига револьвердан ўқ узиб, дангиллашга мажбур қилишгандан ичак узулгидайин кулишарди. Шунчалик мастликларидан зўрға оёқларида туришганлигига қарамай, тўғри чизиқдан юраман дея 5 доллардан гаров ўйнашарди. Билли уларни машинага жойладида, қайтиб Викенбургга етиб келди.

Эртасига эрталаб Билли умумий ошхонага кирганида, унга “Билли шимолий қўтонга кел. Жуда зарур”, деган хатчани узатишди.

Отахон, қария “якка юлдузнинг отлиқ қоровули”[20] уни қўтон эшигида кутарди.

[20] Зейн Грейнинг “Якка юлдузнинг отлиқ қаравули” деган китоби қаҳрамони билан таққослаш.

— Менда сенинг учун ёмон хабар борми, деб қўрқаман, — деди у ва Биллига телеграммани узатди, унда қуйидаги хабар бор эди: “Уканг Эдвард кеча кечқурун ўлди. Тезда уйга кел”.

Бу хабар уни довдиратиб қўйди. Унинг оиласида бу биринчи ўлим эди. У отахондан ўгирилиб, қуёш куйдириб турган сап-сариқ прерия тикилган вақтда, юзидан дувиллаб ёш думаларди. У иккаласи учун ҳам қанчалик қийин бўлган болалигини ўйлади; етарлича кийим олмай, дарсликларсиз, ёзиш учун қоғоз ёки қаламсиз, мактабга боргандилар, баъзан уйда емиш ҳам етишмасди. Шу пайт Билли қандай қилиб укасидан қовурилган жўхоридан бир ҳовуч ўғирлаганини эслади. О, қанийди у ўтмишга қайта олса-ю, ўша пайтни бошқача яшай олса эди-я! У ҳеч қачон оч, бечора дўстидан бундай ширинликни ўғирламасди. Лекин у буни қайтадан яшайолмасди. Энди у ҳатто кечирим ҳам сўрай олмайди. Энди Эдвард йўқ. Билли ўзидан сўрарди: Эдвард Худо билан учрашишга тайёр эдими? Ва ўзини ҳам бу фикр тилка пора қиларди: “Сенинг ўзингчи? Сен ўзинг тайёрмисан Худо билан учрашишга, тайёрмисан?”

Билли дафн маросимига Жефферсонвиллга қайтди. Ўзининг ваъзи охирида руҳоний Мак Кинни шундай деди:

— Эҳтимол, шу ерда кимлардир бордир, Худони билмайдиган. Агар шундай бўлса, унда Уни ҳозир қабул қилинг.

Билли стулдан туриб кетмаслик учун ёпишиб ўтирди. Қандайдир туйғу унинг юрагини булғаларди, — қандайдир магнитга ўхшаш бир нарсаки, уни тушуна олмасди. Бу нима бўлганида ҳам, ундан ўзини бахтсиз ҳис қиларди.

Таъзиядан сўнг Билли Аризонага қайтмоқчи бўлди, лекин онаси уни Индианада қолиши учун шунчалик ёлвордики, охири Билли шу ерда иш топилса, қолишга рози бўлди. Тезда у газопровод ўтқазиш учун ариқ қазувчи бўлиб, “Индиана Комунал компанияси”га ишга кирди. У Жефферсонвиллда жуда борса, озроқ вақт бўлишга қарор қилди.

1929-йилининг кеч кузида қор ёғди. Билли уйғонганида ҳамма ёқ оппоқлигини кўрди, онасидан ёпинғичнинг бирини олиб совуқдан қийналганча, мозоратга қараб кетди. У ерда у Эдвард қабридан қорни сийириб ташлади ва янги тупроқли дўнгликни ёпинғич билан ёпди. У Эдвардга иссиқроқ бўлишини хоҳларди.

8 БОБ
БЕЛГИ ОСТИДА БЎЛИБ ЮРИШИ
1929 йил

1929-йил октябрида Нъю-Йорк фонд биржасидаги инқироз, Қўшма Штатларни шундай инқирозий ҳалокатга олиб келди-ки, бунақасини олдин ҳеч ким кўрмаган эди. Минглаб банклар ўзининг асосий кириш эшикларини ёпиб қўйган бир пайтда, чорасиз банкирлар дарғазаб омонатчиларнинг кўзига тушмаслик учун оёқ учларида бинонинг яширин эшикларидан чиқиб кетишарди.Охир оқибатда Буюк Иқтисодий Танглик[21] иқтисодиётнинг ҳамма соҳаларини қамраб олди: заводлар ё ишлаб чиқариш соҳасини кескин камайтирди, ё бўлмаса тўлиқ ёпилиб кетди; фермерлар банкрот бўлдилар, ё бўлмаса белбоғларини қаттиқроқ қисдилар; ишсизлик ҳаддан ташқари ўсдики, ҳар тўртинчи америкалик ишчи ишсизликдан қийналар эди.

[21] Буюк Иқтисодий Танглик — 1929-1932 йилларда АҚШ даги иқтисодий инқироз.

Уилльям Бранхам Жефферсонвилл коммунал хизмат бўлимида ишлар ва соатига 20 цент иш ҳақи олар, лекин ишлаш имкониятига эгалигидан ўзини бахтиёр ҳисобларди. У ҳали ҳам ўз умрини Ғарб тоғларида, мўйнали ҳайвонларни овлашга бағишлашни орзу қиларди, аммо ҳозир унинг маоши уйига керак эди. Чарлз Бранхам 38 ёшида ишдан айрилган ва энди шу топиш имконияти ҳам йўқ ҳисоб, (Ароқхўрлик оқибатида соғлиғини йўқотган) 1929-йил 2-ноябрида Элла Бранхам ўнинчи ва охирги боласини туғди. Ниҳоят, тўққиз ўғилдан сўнг қиз кўрди. Элла қизини Фей Делорес Бранхам деб атади, лекин уни Делорес деб чақирарди. Хуллас, бир уйда яшаётган ўн бир Бранхамлардан фақат биргина Биллида доимий иш бор эди. У ўзини оиласига яна бир неча йил ёрдам бериши лозимлигини билиб турарди.

“Индиана Комуал Компанияси”да бир йил ишлаган Билли, уйида камдан-кам бўлар, аммо иш уни зериктириб қўймас ва унинг жўшқинлигига мос келарди. Бир ҳафта унга газ трубалари ётқизиш учун ариқ қазиса, кейинги ҳафтада унга ҳисоблагичлар кўрсатгичларини кўчириб келиш топшириларди; кейин у газ трубаларини газ чиқараётган жойларини тузатарди, бўлмаса электр узатиш линияларидаги камчилигу-нуқсонларни тузатиш учун электр симёғочларга чиқарди. Унга фақат бир нарса ёқмасди — бу электр энергияси учунтўловни бажармаган мижозларни тармоқдан узиб қўйиш эди. Турғунлик кучайган сайин, бу ҳолатлар кучая борар ва бу унинг характерига зид эди.

Билли Коммунал компания хизматига ишлаганидан қувонишига қарамай, ҳафтасига 8 доллар ўн бир кишилик оила учун жуда етиб ётмасди. Шу сабабли, қачонки унга тўлиқсиз маош билан ёввойи қушларни ҳимоя қилиш инспектори ўринбосарлигига таклиф қилишганида, у дарҳол бу имкониятга рози бўлди. Бу дегани, у ўрмон ичларига патруллик қилиши учун шаҳарданмунтазам чиқиб туриши керак эди. Унга энг ёқтирган машғулоти учун маош тўлаш деган фикрнинг ўзи, аъло фикрдек туюлларди. Ҳақиқатдан эса, ҳаммаси бошқача эди. Унинг маоши комиссион тақдирлашдан ҳисобланар ва ўрмон қушларини мухофаза қилиш қоидаларини бузувчиларига берилган жарима квитанциялар миқдорига боғлиқ эди. Аммо Биллида бирор кишига жарима квитанцияси ёзишга ирода етишмасди. У браконьер билан ўтириб, унга ҳайвонларнинг қўриқлашнинг фойдалиги ва штатнинг қоидаларига риоя қилишнинг муҳимлиги тўғрисида лекция ўқиса кўпроқ, фойда бўларди, деб ҳисобларди. Аслида, у шаҳардан чиқиб, ҳамма вақтини атроф ўрмонларда кезишдан роҳатланар ва бунинг ўзи у учун етарли мукофот эди.

Бир куни Билли Жефферсонвиллдан 32 км шимолдаги Генривилле давлат қўриқхонасида патруллик қилиши керак эди. У “Грейхаунд”[22] автобусига ўтиришга улгурмаёқ, ғалати ҳис-туйғудан сиқила бошлади; бу босимга ўхшар эди, гўё кўринмас куч уни босарди. Автобус лиқ тўла эди: йўловчилар ҳам ўтирган жойларни, эгаллашган ва кўплар йўлакда ҳам туришарди. Билли автобусни ўртасига сиқилиб ўтди, денгизчи матрос ва тўладан келган ўрта яшар аёл орасида тўхтади. Аёл кўзини кўтарди ва деди:

[22] Инглизча “Грейхаунд” сўзи “чопқир, бедов” маъносини беради. Шу сабабдан АҚШ ва Канададаги тез юрар маршрут автобуслари “Грейхаунд” дейилади.

— Ассалом!

Автобус шу пайтвогзалдан юриб кетди.

— Ассалому алайкум, — Билли жавоб берди, деразадан кўриниб қолган уйларни кузатганча. Энди Ўша ғалати куч янада кўпроқ боса бошлади. Гўёки у куч шу йирик аёлдан келаётгандек эди. Кўз қирини ташлаб, Билли аёлнинг тикилиб турганини сезди. Бу билан аёл уни ноқулай аҳволга қўйди.

Тез орада аёл гапира бошлади.

— Сиз полицеймисиз?

Билли ўрмон қушларини муҳофаза қилувчи инспектор униформасини кийиб юрарди; ёнида револьвер қопчиғи билан осилган эди.

— Мен табиатни асраш бўйича инспекторман, — жавоб бердиу.

— Сиз ёлғизсиз, шундай эмасми?

Билли ҳайрон бўлганини билдирмади.

— Йўқ хоним, — ёлғонлади у.

— Унда сиз ўз уйингизда турмайсиз, — деди у.

— Мени қанақа уйим бўлса, ўша ерда туряпман, — деди у.

Аёл бошини чайқади.

— Йўқ, сиз Ғарбда яшаш учун туғилгансиз.

Бу уни худди бошидан оёғигача муздек сув қуйгандек довдиратиб қўйди.

— Нималар деяпсиз ўзи?

— Балки мен яхшиси сизга ҳаммасини тушунтирай. Мен астрологман, тушунсангиз, —деди у.

“Хўш, мана ғалати аёллардан яна биттаси”, — ўйлади у ва ичида хўрсинди. У аёлдан узоқлашиб, денгизчига яқинроқ борди.

Аёл автобус чайқалиши билан унга яқинлашарди.

— Мен сиз билан бир неча дақиқа гаплашмоқчиман, — деди аёл.

Билли уни эшитмагандай олдинга қарашда давом этарди. Аёл бўш келмади:

— Мумкинми, сиз билан озгина гаплашсам?

Билли унга эътибор бермади. У, — “Мен эркакларга хос ҳаракат қилмаяпман, лекин у билан ҳеч гаплашгим йўқ”, — деб ўйлади.

Шунда ҳам аёл уни ўз ҳолига қўймади

— Эй сиз, табиатни қўриқлаш инспектори, мумкинми сиз билан бир неча дақиқа гаплашсам?

Ниҳоят, Билли қайрилиб қисқа ва кескин деди:

— Мендан сизга нима керак?

Ўзининг қўполлигидан виждони кемирар, аслида унинг астролог билан ҳеч гаплашгиси йўқ эди. У аттракциондаги лўли аёлнинг гапларини эслади ва бу ҳам уни ташвишлантирди.

— Сиз Христианми? — сўради аёл.

— Йўқ, — кесиб ташлади у. — Бундан сизга нима?

Аёл елкасини қисди.

— О, ҳақиқатдан ҳам сиз белги остида туғилганингизни ўзингиз биласизми, о мен учун бу нарса жуда қизиқ.

Биллиининг томоғига бир нарса тиқилди.

— Тушунияпсизми хоним, бу ҳақида ҳеч нарса билишни истамайман. Мен сиз билан қўпол гаплашаётганимни биламан, лекин атайлаб бундай қилаяпман. Бу нарсага мени ҳеч қандай ишим йўқ.

Аёл озроқ тисланди.

— О, бунчалар дағал бўлманг.

— Мен сизни дилингизни яраламоқчи эмасман, аммо мен ҳеч қандай диний бирор нарсани билмайман, билишни ҳам истамайман.

Билли ундан ўгирилиб, кўз қири билан денгизчи томон, автобуснинг олд томонига қараб олди.

— О, сиз бундай ўзингизни тутманг. Буни дин билан ҳеч қандай умумийлиги йўқ. Мен ҳозир ўғлимни кўришга Чикагога кетяпман; у баптистлар хизматчиси. Мен Оқ Уйда ишлайман. Сиз биласизми, юлдузларнинг ҳолати ерда бўладиган воқеаларга таъсир қилишини?

— Мен бу ҳақида ҳеч нарса билмайман, — Билли жавоб берди.

— Олдингизда денгизчи турибди. Ундан сўрангчи, Ой сув кўтарилиши ва қайтишини бошқармасмикин? — деди аёл.

— Менинг ўзимда буни билиш учун ақлим етарли, — уни гапини бўлди.

— Нима десам, яна кўплаб осмон жисмлари борки, дунёда уларни жуда муҳим ҳисоблайдилар. Агар мен сизни қачон туғилганингизни аниқ айтиб берсам сиз менга ишонармидингиз, — аёл давом этди.

Билли қошини чимирди.

— Ҳеч қачон сиз буни қилолмайсиз.

Аёл жилмайди.

— О, мен буни уддалайман. Сиз 1909-йил 6-апрельда, эрталаб соат 5 да туғилгансиз.

Биллининг қўпол, қўрс ва ёқтирмаган кўриниши йўқолиб, юмшаб қолди, у жуда ҳайрон қолди.

— Мутлақо тўғри. Энди бу денгизчига, уни қачон туғилганини айтинг.

— Буни мен айтолмайман, — деди у. — биласизми, сиз белги-аломат остида туғилгансиз. Наҳотки, бу ҳақида черков хизматчилари сиз билан гаплашмаган?

— Мени ҳеч қандай хизматчилар билан умумийлигим йўқ. Ҳеч қанақа, ҳеч нарса.

Аёл бу жавобдан ўйланиб қолди, нигоҳини бир онгагина бошқа томон бурди.

— Чиндан ҳам ғалати эмасми, хизматчилар бу ҳақида ҳеч нарса билмайди?

— Мен уларга ўхшаб бекорсоз эмасман, — Билли жавоб берди

Аёл яна унга тикилди.

— Мен сизга бир нарсани айтмоқчиман, эшитсангиз. Сиз ишора остида белги остида, бутун инсониятга инъом сифатида туғилгансиз. Агар сиз буни фақат бир англасангиз эди...

Билли уни гапини бўлди.

— Балким мен яна бир Даниэл Бун[23] бўларман? Менга овчилик ёқади, ва мен ҳам Кентуккиштатида туғилдим.

[23] Даниэль Бун (1734-1820) — Кентукки штатини ишғол қилишда Америка колониялари тузилаётган вақтда ҳиндларга қарши курашган буюк йўл бошловчилардан бири.

— Йўқ, мен бутунлай бошқа нарса ҳақида гапиряпман.

— Хўш, унда, мумкин, бизнесмен бўларман. Мен ўрта маълумотлиман.

Бу нарса аёлни қувонтирмади, шекилли.

— Мен бутунлай бошқа нарса ҳақида гапиряпман. Кимлигингизни мен билмайман, сизнинг аурангизгақараганда, сиз инъом-неъмат сингари туғилгансиз.Сиз эслайсизми, Чақалоқ Исога “Юлдуз Мунажжимлари”ни қандай бошлаб келиш тарихини.

— Мен дин ҳақида ҳеч нарса билмайман.

— Лекин сиз Исони кўришга бораётган “Мунажжимлар” тўғрисида эшитгансизку, тўғрими?

— Ҳа.

— “Мунажжимлар” ўзи ким?

— О, улар чиндан ҳам оддий мунажжимлар эди; мени билганим шу.

Аёл тушунтира бошлади.

— “Мунажжимлар” менга ўхшаш астрологлар, юлдуз ҳисобчилари эдилар. Биласизми, Худо ерда нима қилмоқчи бўлса, У аввало осмонда эълон қилади. Исо туғилганда ҳам худди шу нарса бўлди: Шарқда яшовчи астрологларнидиққатини учта осмон жисмлари бир қаторга тўпланганлиги жалб қилди. Улардан бири Сим авлодидан, бошқаси Хам, учинчиси эса Иафет (Нуҳнинг уч ўғли. Улар ердаги ҳамма одамларни билдиради. Учала одамнинг ҳар бири ғарбга мустақил сафарга чиққан, Қуддусда учрашмаганларига қадар, бошқалар ҳам сафарга чиққанлигини билишмаган. Кейинчалик Байтлахмга келишди ва у ерда чақалоқ-Исони топдилар, Унинг аура рангидан, Исо улар қидирган Зотлигини англадилар. Сиз биласизми, аура нима? Бу инсон танининг ғайритабиий нури. Ҳар бир инсонда бу нур (шуъла) бор. Нур турли рангларда бўлади ва ҳар бир рангнинг ўз маъноси бор. Олтин ранг Худодан неъматни англатади. Хуллас, шу “мунажжим”лар Исога сиғиндилар ва унга ўз инъомларини бердилар. Улар орқага жўнашлари билан ўша учала осмон жисмлари ўз орбиталарига қайта бошладилар. Инсоният учун Худодан берилган буюк инъом — Ўзининг Ўғли Исо — шарафига, ҳар сафар бу осмон жисмлари яна бир чизиққа тўпланганида, Худо инсониятга кичик инъом юборади.Сиз ҳам шу планеталар бирлашганида туғилгансиз. Сизга олтин нур (шуъла) эргашиб юради. Мана мен қаёқдан биламан сизни, қайси вақт ва кунда туғилгансиз, шунга ўхшаб сизнинг тақдирингиз Ғарбда кечади.

Билли буларнинг ҳаммасини эътибор билан эшитишга интилди, аммо бу пайтда ўзи зериккан эди.

— Хоним, менга Индиана штатида ўрмон паранда-ҳайвонларини қўриқловчи инспекторлигим маълум ва мен кучим етган ишни қилишга ҳаракат қиламан. Мен диндор ҳам эмасман, ва бу ҳақида эшитишни ҳам ҳоҳламайман!

Билли автобус олдироғига шундай сурулдики, энди денгизчи у билан астролог-аёл ўрасида туриб қолди. Шундай бўлди-ю суҳбат ҳам тугади.

Шунга қарамай, буни унутишни ўзи бўлмасди, бу мулоқот Биллининг фикрини бир мартагина ташвишлантириб қўймади. Унинг ҳаёти ўзи билган одамларнинг кўпчилигидан, жуда кескин фарқ қиладигандай туюларди; аммо инъом ҳақидачи? Бу нимани англатиши мумкин? Ва унда муҳимроқ нима бор-у, бу ғалати одамларни ўзига жалб қилади? Фолбин хотин унга эргашиб юрадиган Нурни кўрганини айтди; астролог аёл эса бу Нурни аура (шуъла) деб атади. Билли буларни ҳеч ақлига сиғдиролмасди. Ҳаммасини ҳеч қандай умумийлаштиролмасди. Саволлар унинг ақлида, кувадаги қаймоқдай айланарди. Нима учун у тез юрар автобусга кириши билан одамни тешиб ўткудек босимни ҳис қилди? Нима сабабдан суҳбат дин тўғрисида борганда, ўзини ноқулай ҳис қилди? Мумкин, Худо уни излаган-у, у эса

Худодан яширинишга уринган? Уни ҳаёти Ғарбда рўёбга чиқиши тақдир қилинган деганда, у аёл нимани кўзда тутди экан ўзи?

9 БОБ
УНИНГ СЎНГГИ ИМКОНИЯТИ
1930-1932

УИЛЛЬЯМ БРАНХАМ 21 ёшида эди, кутилмаганда қўшимча пул ишлаб олиш имконияти пайдо бўлиб қолди.

Бир куни “Харли-девидсон” моделли мотоциклини вақтинча сўраб олиб, у тош йўлдан қувиб кетаётганида бошқаролмай қолди ва боксёрларнинг машғулот комплекси олдидаги ариққа йиқилди. Бир неча одам йўлнинг нариги томонидан аварияни кўриб, унга зарар қилган-қилмаганини билиш учун ва ёрдам бериш учун чопиб келишди. Бахтига Биллини у ер-бу ери тирналган, озгина жойлари шишган эди, аммо жуда қаттиқ изтиробга тушганидан шу заҳоти рўлни бошқариб, йўлида давом этолмасди. Шу сабабли уни машғулотлар комплексига, у ўзига келгунича бир неча жангни томоша қилиб туриш учун таклиф қилишди. Билли хонага кириши билан, тренерлардан бири “Олтисекундли” лақабли Джорд Смит деган тренер, қушларнинг қафаси эшикчасини очди. Унданяшин тезлигида канарейка отилиб чиқди ва хонада тезкор ҳар томонга уча бошлаганидан, Смит уни ушлаёлмасди. Қачонки қушча Биллининг устидан учаётганида, уни ушлаб олди.

“Олтисекундли” Смит қувончидан ҳуштак чалиб юборди.

— Бутун умримда бунақа тез қўлларни кўрмовдим. Йигит, сиз профессионал-бокс тўғрисида сира ўйлаб кўрганмисиз?

Бу йўл-йўлакай берилган фикр Биллини профессионал-бокс тўғрисида ўйлантириб қўйди, кўп ўтмай аксариятвақтини спорт машғулотларига бағишлай бошлади. Бир кунда 11 дан 13 км. гача югурар, кейин машғулотлар комплексига, бирор-бир боксёр уни жангга таклиф қилмагунича, осилган грушани уришга борарди. Рингдаги машғулотлар вақтида Биллини кузатаётган “олтисекундли” Смитга унинг тез ҳаракатидан кўра,қатъий журъати кучли тассурот қолдирди. Тренер Билли билан кўп соатларни, уни оёқни тўғри қўйиш, қўл ҳаракати, а энг асосийси — зарбани қандай қабул қилиш ва бундан қандай оёққа тура олишни ўргатиш билан ўтказар эди.

Джорж Смит ўз лақабини биринчи профессионал жангда олди, ўшанда у рақибини роппа-роса олти секундда нокаут қилган эди. Смит Биллидан саккиз ёшлар катта ва 16 кг. лар ундан оғир эди. Билли ундан кучлироқ ва шиддатлироқ одамни ҳаётида ҳали учратмаган эди. Қачон у биринчи марта тренери билан рингга чиққанида, “олтисекундли” уни бешавқат дўппослади. Бир куни эса Смит Биллини шундай урдики, у рингни арқонидан учиб ўтди ва ринг олдидаги йиғиштириладиган стуллар устига чўзилиб қолди. Билли узоқ вақт ўрнидан туролмади. Қачон нафасини рослаб ўзига келгач, ундан сўради:

— Олтинчи, сен нимага мени бундай урасан?

Смит кулди ва жавоб берди:

— Бунақа машғулотлар сен учун фақат фойдага.

— Фойдага? Қандай фойдаси бўлиши мумкин уни менга, сен мени сал бўлмаса ўлгудек ураяпсанку?

— Билли эшитиб ол, сен қанчалар жисмоний кучли бўлишингга қарамай, ҳар сафар сени урганда, зарба сени организмингни силкитади ва юракка келадиган қонни тўхтатади. Бошида сенга кучли зарбаларни қабул қилишингни ва улардан тезда яна ўзингга келишингга ўрганишингга тўғри келади. Агар сени тананг зарбалардан тезда ўзингга келишга ўргатмаса, сен у ерда ётаверасан, а секундлар бу вақтда ҳисобланаверади. Лекин сен бунга ўргансанг, агар сени нокдаун[24] га жўнатса ҳам, сен тезда оёққа турасан. Мана мен қандай ўргатаман. Сен ҳозир мени ёмон кўришинг мумкин, аммо қачон рингга чиққанигда, мендан миннатдор бўласан.

[24] Нокдаун қилиш — уриб ағдариш. (Тарж.)

Билли яна рингга чиқди ва машқ қилаверди.Тезда у ўзини шундай тута билишга эришдики, “олтисекундли” Смит бор кучи билан уни қорнига урганида, Билли арқонга бориб суяниб қолар, шунда ҳам олдинги ҳолатида қолар ва жангни давом эттиришга тайёр эди. Билли машғулотларда 8 — 10 раундга чидай бошлаганпайтлариданоқ, у “Олтин Қўлқоп” номли ҳаваскорларнинг мусобоқаларида қатнаша бошлади.

Рингда Билли кучайди. Оддий машғулотми у, ёки профессионал жангми, бунга бутун кучини сарфлади. Бокс унинг ҳис-туйғуларига эркинлик берди; ғазаб ва ғулғула, қайсики унга шу вақт давомида тўпланган эди, шуларнинг ҳаммаси қўллар пулемёт ўқидай зарбалар ёғдиришга имкон берди. Тезкорлик ва қатъият уни ғалабадан-ғалабага олиб келди. Ҳар бир ғалаба Биллини янада шуҳрат чўққисига кўтарди, ва унинг ўзига ишончи жуда ошди. Ҳеч қачон ҳаётида бунлайҳурмат ва таҳсинга эга бўлмаган эди. Ўзини муҳим шахс деб ҳисоблай бошлади.

Ҳаваскор-боксчи мусобоқаларига қатнашиб, Билли битта ҳам жангда енгилмади. “Олтин Қўлқоп” турнирларида бир йил қатнашди ва профессионал бўлди. Учта штатдан вакиллар қатнашган енгил вазн[25] лилар ўртасида район чемпионатини ҳисоблаганда, Билли кетма-кет ўн беш ўйинда ғалаба қозонди. Энди Билли ўзини енгилмасман, деб ўйлади. Лекин бир куни коса тошга урилди — у ўзига тенг рақибини учратди.

[25] Енгил вазн: 51-54 кг; иккинчи ярим-ўрта вазн: 62-67 кг. (Тарж.)

Унга Билли Пригард билан жангни тайинлашди, Ғарбий Виргиниялик боксёр, чемпионатда қатнашаётган эди. Матч Индиана штатида, Эвансвиллда ўтди. Билли Эванвиллга ўша кечқурун матчда, иккинчи ярим ўрта вазнли қатнашувчи дўсти Говард МакЛини билан борди. Улар кундузи учда тушлик қилиб, рингга қайтишди, озроқ дам олиб, кейин мусобоқа олдидан қўлларини ўраб чиқишди. Билли кўк рангли костюмда эди. Чўнтагидан тароғини олиб, қоп-қора қалин сочларини тарай бошлади.

Говард ошнасига қараб, ҳуштак чалиб юборди.

— Биласанми, Билли? Сен баптист ваъзхонига ўхшайсан.

Билли ғазабдан ловуллади. У ҳамма вақт ҳақоратларга жуда таъсирчан эди ва унинг фикрида “ваъзхон” — “нозик” дегани билан баробар эди.

— Хўш, бир минутга тўхтаб тур, Говард. Яхшиси сен бунақа гапни кулиб айтсанг бўларди.

Билли оёқларини кенг қўйди ва муштини тайёрлади. Говард ундан 14 кг оғир бўлса ҳам, унга ташланишга тайёр эди. Аммо Говард кулиб, бор-йўғи ҳазиллашганига ишонтирди ва Билли муштини туширди.

Ўша кечқурун Билли рақибининг кучи ва чаққонлигига ҳайрон қолди. Пригард шундай ғазаб билан ташландики, бунақасини ҳали Билли учратмаганди. Биринчи марта боксёрлик мавқеида у ўз кучига иккиланганини сезди. Жанг бошида панд еганини англаб, ҳали у Причард билан дурангга умид қилганди.Аммо, ўйин қизиган пайтда Биллига, зарба устига зарба шунчалар ёғилавердики, у ўзига савол берди: Причард шу ерда мени ўлдирмоқчи эмасмикин? Ўйин охирида, рақиблар орасидаги танаффус вақтида, Билли стулда ўтириб, нигоҳини шифтга қадаб, аста ибодат қилди: “Худойим, агар сен менга шу ердан тирик чиқишимга йўл берсанг, боксни ташлайман деб ваъда бераман.”

Ўша оқшомдан кейин Билли бошқа ҳеч қачон рингга қайтмади. (Фото №9).

1931-ЙИЛ КУЗЛАРИДА Билли Нью-Олбани газ заводида ҳисоблагичларни тузатар эди. Газнинг тарқалишидан боши айланиб, ерга йиқилди. Бу воқеа оқибати ҳар доим ўзини эслатиб турди: унинг боши оғрир, кўз олди хиралашар, мажбурдан овқатланарди; зардоби ошганидан ҳар овқатланганида ошқозони кучли оғриб, оғзида зарда қайнарди. “Индиана Коммунал Компанияси” Биллини Луиссвилда тиббий кўрикдан ўтказиш учун пул ажратди.Аммо Кентукки штатидаги врачлар ташҳис қўйишда қийналишди. Такрорий текшириб, охири унда кўр ичак касаллигини аниқладилар. Бундан Билли ҳайрон бўлди, чунки оғриқни биқинидан эмас, ошқозонидан сезарди. Мутахассислар буни, газдан заҳарланганлиги оқибатида бу текширишларни чалғитди, кўр ичак симптомларини яширган дейишди.Улар кўр ичак шамоллаган ва уни олиб ташлаш керак, дея, тиришиб маъқуллашар эди.

Билли истар-истамас операцияга кесадиган жойидагина наркоз қилиш шарти билан рози бўлди. Унда 14 ёшлигидаги иккала оёғи ўқдан яралангандаги операциядан даҳшатли хотира қолган эди. Ўшанда у наркоздан аранг ўзига келганди ва ҳозиргача ўша даҳшатли кечинмаларни, қачонки адойи-тамом бўлган, умидсиз ва саргардон жонлар орасидан тубсизликка учгандаги хотираларни сира эсидан чиқармасди. Даҳшат зимистонлик, ёлғизлик ва бу жирканч юзлар... Ҳеч қачон яна ўша ерни кўришни истамас эди!

Асабий ва қаттиқ қўрққан Билли, операция вақтида ёнида бирор-бир ибодат қила оладиган одам бўлишини истади, шу сабабдан Биринчи Баптистлар Черкови хизматчисини ёнида бўлишини илтимос қилди. Аппендикс мувафаққиятли олиб ташланди ва Биллини ўз палатасига ўтказишди. Касалхона койкасида ўзига келган ҳолатда ётаркан, дақиқа сайин юрак уриши секинлашаётганини сезди. Билли ҳамширани чақирмоқчи бўлди, лекин унинг товуши шивирлашга айланди, қўлларини эса шунчалар мадорсизликдан қимирлатолмай қолди;нафаси ичига тишиб, юрак уриши шунчалар секинлашдики, юраги умуман базўр урарди. “Бу ўлимми? Мен ўляпманми? — деб ўйлади.

Палата хиралашиб, деворлар чайқалиб, дарахтларга ўхшаб мудҳиш кўрина бошлади. У гўё совуқ, қоронғу ўрмонда пайдо бўлди. Унга узоқ-узоқларда шамол эскандай эшитила бошлади. Олдинига кучсиз бу шовқин кейин зўрайиб, у томонга кела бошлади. Билли ваҳимага тушди: "Бу ўша! Ўлим менга келяпти!" У ибодат қилмоқчи бўлди, лекин бир калима сўз тополмади. Шамол атроф дарахт шохларини ҳаддан ташқари силкитмагунича, борган сари кучлироқ эсар эди. Кейин ҳаммаси ўзгарди: қоронғи ўрмон кутилмаганда йўқ бўлди, ва Билли қараса улкан теракнинг тагида турибди. Бу ўша, уни қаттиқ қўрқитган ва кўришдан қочиб юрадиган, ўша йирик дарахт эди. Шунда ҳаво ҳам тинч ва юракни сиқадиган, гўё намлиги 99 % кундай эди. Баргларни шивирлаши Биллини баландга қаратди ва дарахтнингбаланд шохларида айланаётган ўша шамол гирдобини кўрди; ўша теран товуш жаранглади: ***"Ҳеч қачон ичма, чекма ва танингни ҳеч қандай ҳаром қилма. Мен сени чақирдим, сен эса келмадинг".*** *Билли фикран кўп йиллар бурунги, яна ўша кунга қайтди, қачонки бу товуш яна айтди:* ***"... ва улгайганингдасен учун меҳнат бор".*** *Товуш яна айбловни такрорлади:*

— ***"Мен сени чақирдим, сен эса келмадинг".***

Биллини даҳшат қоплади. Ҳаётдан мантиқни йўқотмадимикан у? Барчасини тузатиш мумкинми?

— Ким чақирди? Сен Ким?Ва нима қилишимни хоҳлайсан? — асабийликда, баланд товушда сўради, у.

Товуш учинчи марта такрорлади:

— ***"Мен сени чақирдим, сен эса келмадинг".***

Билли қичқирди:

— Исо, агар бу Сен бўлсанг, мени ерга қайтишга ижозат бер, мен Сенинг Хушҳабарингни уйларнинг томидан ва кўчаларнинг бурчагидан ваъз қиламан. Мен бу ҳақида ҳаммага айтаман!

Бир онда Билли яна касалхона кроватида ҳозир бўлди. Энди унинг юраги нормал урарди, ўпкаси эса чуқур-чуқур нафас олар эди. У тирик қолди.

Биллининг тўшагида турган жарроҳ, юзларига қон келиб, ва унинг ҳаётий кучи тезда тикланганлигини кўриб, жуда ҳайрон бўлди. Чарльз ва Элла Бранхамга ўгирилдида ўзининг фикрини айтди: "мен черковга бормайман. Менинг врачлик амалиётим жуда кенглигидан, бу учун менга вақт ҳам етишмади. Аммо мен биламан, бу болага Худо назар қилди".

Билли кесилган жойлари оғриққа чидай билиши биланоқ, ишга қайтишга мажбур эди. Афсуски, операция аввалдан бўлган симптомларни бирортасини ҳам камайтирмади. Қиш бўйи унинг жисмоний аҳволи доимий ёмонлашаверди. Биллининг ошқозони, нимаики емасин, барини қайт қилар, уни арпанинг қайнатмаси, қора олхўри шарбати билан жон сақлашга мажбур қилар — ва хатто булар ҳам ёмон ҳазм бўлар эди. Биллида "астигматизм"[26] ривожлана бошлади, у фақат қалин линзали кўзойнакда кўриши мумкин бўлиб қолди. Ҳар сафар кўзойнагини ечса, боши қаттиқ чайқалар, ҳатто сартарош ҳам сочини ололмаган эди.

[26]Астигматизм — кўз кассалиги, бунда тасвир ноаниқ ва эригандай кўринади.

Луисвиллдаги мутахассис-врачлар ташвишга тушдилар. Ўтказилган кўп текширишлардан кейин бир врач деди: "Мистер Бранхам, аҳволингиз яхши бўлишига умид йўқ, деб қўрқаман, сизнинг ошқозонингизгўё газзак олган яраларнинг бухча ўрамидан бошқа нарса эмасдек. Қолган умрингизда сиз жуда қаттиқ парҳезга амал қилишингизга тўғри келади. Ҳеч қачон унутманг, бир донагина қаттиқ овқат сизни нобуд қилади".

Билли уйига ҳорғин ва тушкун аҳволда қайтди. Лекин ҳар ҳолда у тирик эди. Энди у ваъдасига кўра, Худони топиш ниятида астойдил эди. У Библияни буюк илҳомланиш билан ўқий бошлади. Қанча кўп ўқир экан, шунча кўп руҳланарди. У ҳақиқатдан ҳам ўзини, бевосита Худо овозини эшитган эркак ва аёллар билан бир қаторда қўярди. У ҳали ёш болалигида ўша терак баргларидан Худо гапирган бўлиши мумкинмикан? Билли Худо Аюб билан қуюн[27]дан гапирганини ўқимагунича,у ҳар доим, ўшанда Худо гапирганлигига шубҳаланарди, аммо охиригача қатъий эмасди. Бундан унинг имони қатъий бўлди. Кейин Билли Бранхам Исони, Петр ва Павелни ҳаёти тўғрисида ўқишга боши билан шўнғиди, ундан ҳаяжонда ёнди. У шу ерда гипнозга ўхшаш ҳолатларга жавоб топа олди, қачонки у умуман ухламаган, мутлақо ҳушёр ва айни шу пайтнинг ўзида бошқа жойда пайдо бўлиб қолар ва воқеаларни кўрар, кўрса ҳам худди оёғидаги ботинкани кўриб тургандай аниқ кўрар эди. Библияда бу — ваҳий дейилади. Шу учун унингҳам ҳаёти унчалик ғалати эмас эди. Оддийгина қилиб айтганда, Худо у билан мулоқот қиларди.

[27] Аюб 38:1 ва 40:1. Инглизчадан фарқли ўлароқ, русча синодаль таржимасида "қуюн" ўрнига "бўрон" сўзи ишлатилган: "Раббий Аюга бўрондан жавоб берди ва деди". (Тарж.)

Билли ўша яқиндаги ҳар хил черковларга бориб, улардан Худо билан қандай қилиб учрашса бўлади, деб қизиқар эди. Аммо келишиш ва умумий аниқ йўл ўрнига у, қарама-қарши фикрларга дуч келди, улардан боши айланиб, қотиб қолди холос. Биринчи Баптистлар Черкови унинг исмини

рўйхатлар журналига ёздиришини ва шунда унга аъзолари сонига қўшганлиги тўғрисидаги хат беришларини истарди. Лютеранлар уни қабул қилиш (Конфирмация)[28] қоидалари дарсида қатнашишини хоҳлар эди. Католиклар уни рим папасини худди Худонинг ердаги олий хокимиятидек қабул қилишини ва ҳар якшанда мессада иштирок этишини хоҳларди. Еттинчи Кун Адвентистлари уни шанбага "шаббат"[29] яъни муқаддас кундай риоя қилишлигини хоҳларди. Ҳар бир черков ўзида ҳақиқат борлигига талабгор ва бу билан қолган черковларни бекор қиларди.

[28] Конфирмация — католик ва протестантларда қабул қилиш урф-одати (ҳар хил формаларда), маълум бир ёшга етган ўспиринларни черков жамоасига қабул қилиш. (Тарж.)

[29] Шаббат — муқаддас дам олиш куни. (Тарж.)

Билли нима қилишини ҳам билмасди. У Худони қандай қилиб топишга озгина бўлса ҳам тассавурга эга эмасди. Кейин ўйлаб қолди:"А биласанми, мен Уни табиатда кўрдимку. У билан гаплашишга ўрмонга бораман".

У ўзининг энг ёқтирганжойларидан бирига жўнади, аммо бу ҳам ёрдам бермади. У нима гапиришни билмас ва ўзи билан ўзи гаплашиши нодонлик деб ҳис қилди, гўё ҳеч кимса йўқ эдики, уни эшитса. Шунда уни бир фикр чулғаб олди: "А нима учун Худога хат ёзмаслик керак?". Бу унга яхши бўлиб кўринди ва у ёзди:

Буюк Ҳурматли Жаноб,

Мен олмахонларни овлаб шу ерда ўтирибман, ва мен биламан Сиз шу сўқмоқдан ўтасиз. Мен биламан, Сиз менинг ёнимдан ўтасиз. Мен Сизга мухтожман. Илтимос, қачон бўлса ҳам мен билан гаплашишга келинг. Менинг Сизга айтадиган гапларим бор.

Билли Бранхам

Дарахтга хатни қистириб қўйиб, Билли буларнинг ҳаммасидан бирор-бир яхши нарса чиққанлигини текшириш учун, бу ерга кейинроқ қайтишини ўйлаганча уйига жўнади. Аммо кейинги кунидаёқ шубҳаланди: "Тўхтачи. Мен ахир ўрмонда ҳеч кимни кўрмадим. Бунинг устига Худо ҳамма жойда бўлса, мен У билан шахарда ҳам ўрмондагидек, осонгина учрашишим мумкин. Аммо мен яна олдинги муаммога дуч келаман. Мен Худо билан гаплашмоқчиман, лекин мен билмайман, буни қандай қилиш мумкин".

У уйининг орқасидаги эски саройга борди ва орқасидан эшикни ёпди. Кечаси ёққан ёмғирдан кейин саройдан чакки ўтаётган эди. Ерни намлигига эътибор ҳам бермай,Билли эски ва занглаб ётган "Т" моделли "Форд" олдида ўз Парвардигори, Тангриси билан гаплашиш ниятида — оташинлигини ўйлаб тиззаларига чўкка тушди. У ғулдиради: "Хўш, буни қандай қилиш керак? Мен расмларда одамлар қандай ибодат қилишини кўргандим чоғимда, улар қўлларини мана бундай қовуштирардилар". У одатда ибодат қиладиганлардай ҳолатда, кафтларини бир-бирига ушлади. "Энди нима десам экан? Ахир қандайдир бўлиши керак-ку, ва буни мен билмайман". Таваккалига гапириш — унинг калласига келган ягона фикр бўлди.

— Ҳурматли Зот, мен хохлардимки, Сиз келсангиз-у икки дақиқа мен билан гаплашсангиз. Мен қанчалик ёмонлигимни Сизга айтмоқчиман?

У тўхтаб, қулоқ сола бошлади.Саройда аввалгидай ўлик тинчлик ҳукм сурарди."Балким, қўлимни бундай ушлашим керакдир". У бармоқларини бир-бирига ўтказиб олди ва яна урониб кўрди:

— Ҳурматли Зот, мен ўзим билмайман, қандай тўғри бўлади, лекин Сиз мени тушунасиз деб умид қиламан. Сиз менга ёрдам беролмайсизми?

У яна тўхтаб қулоқ солди, — сукунат.

Ва шу пайт кўнгли тўлиб, кўз ёшлари дувуллади.

— Жаноб, агар Сиз мен билан гаплашмасангиз ҳам мен Сиз билан гаплашавераман. Жаноби Худо, менда бирор-бир яхши нарса йўқ. Мен ўзимдан уяламан. Кечиринг, қулоқ солмаганим учун. Сизни қадрингизга етмаганим, Сизга эътибор бермаганим учун. Аммо энди мен Сизга мухтожман. Илтимос, мен билан гаплашишга келинг.

Бирдан танасини ғалати ҳис қила бошлади. Кўзини очиб, бошини кўтаргач, орқасидан вижиллаб кетди, ва уни қўрқув қоплади:унинг олдида ҳавода тўғри шаклдаги хоч ҳосил қилиб, ёрқинянтар нури ундан шуълаланарди. Бу нурнинг энергияси қаъридан ўзга тилда товуш жаранглади.Бунга ўхшаган тилни Билли ҳали эшитмаганди.Кейин бунинг ҳаммаси ғойиб бўлди.

Биллини нафас олишга ва қимирлашга мажоли қолмай, ўзини мутлақо йўқотиб қўйган ҳолда тиззалаганича қотиб қолганди. Ниҳоят у ўзини ўнглаб олиб, деди:

— Сэр, мен Сизнинг тилингизни тушунмайман, аммо мен ўйлайманки, мен ҳам қандайдир тарзда шу хочга тегишли бўлишим керак... ва мени гуноҳларим ҳам ўша ерда ётиши керак.Агар Сиз мени кечирсангиз, қайтиб келингиз ва Ўз тилингизда гапирингиз холос. Сиз мени тилимда гапирмасангиз ҳам, мен Сизни тушунаман.

Хоч, нур ва ҳарорат таратиб пайдо бўлди. Билли кўзларини юмди ва қўлларини узатди. У ўзига хос туйғуни ҳис қилди, гўё танасини иссиқ ёмғир томчилари саваларди. Елкасидан юз пудлик юкни олгандай ўзини осойиш ва эркин ҳис қила бошлади. У кўзини очганда нур аллақачон ғойиб бўлганди.

Беҳад ҳаёжондан Билли саройдан учиб чиқди ва уйга бостириб кирди. Онаси чўчиб тушди:

— Билли, нима бўлди? Сен ассабийлашаяпсанми? , — сўради.

— Йўқ она. Фақат ҳозиргина бир ажойиб нарса содир бўлди.

— Нима бўлди?

— Билмайман, лекин мен ўзимни жуда яхши ҳис қилаяпман!

У қувончини тўкиш учун жой излаб, яна ҳовлига шамолдек учиб чиқди. Уйининг орқасидан темир йўл ўтарди, Билли тепалик билан ўралган тўсиқдан ошиб ўтди ва гоҳ-гоҳ сакраб шпаллардан чопиб кетди, сояси билан муштлашгангаўхшаб муштларини қулочкашлаб, ўз туйғуларига эркинлик берди. Ниҳоят, ҳа, охири, у Худони Исо Масиҳ хочида топди!

Икки кунлар ўткандан кейин Элла айтди:

— Билли ўткан кеча сен ҳақингда туш кўрдим. Сен оқ булутда туриб, бутун дунёга ваъз қилганингни кўрдим.

Бу Биллини лол қолдирди ва ғалати туюлди, —ахир унинг онаси қарийб ҳеч қачон туш кўрмаганди-да.

10 БОБ
ИМОННИНГ БИРИНЧИ СИНОВИ
1932

1932 ЙИЛ КУЗИ Уилльям Бранхам Нью Олбанидаги тор кўчаларнинг бирида электр ўлчагичларини текширар эди. Шу вақт унинг юк машинаси орқасидан енгил машина келиб тўхтади. Машина эшиги очилиб, ундан чиройли қиз тушди. Унинг қора сочлар офтобда тобланар, қора кўзлари эса гўё ўтдай чакнарди. У томонга биргина нигоҳ — ва Билли бўйдоклигича ўтиш қароридан қайтди.

Қиз кўйлагини тузатди, машина ўриндиғидан тугунчани олди-да, кетди. Билли терга тушди. Агар у ҳозир қизга ҳеч нарса демаса, унда эҳтимол уни ҳеч қачон кўрмайди. У ҳал қилувчи қадамни қилди.

— Салом, хоним. Яхшигина кун шундай эмасми?

Бурилиб қиз жилмайди:

— Яхшигина? Чиндан ҳам ажойиб кун! — қиз қўлларини кўтариб айланди. — Заранг дарахтларига бир қаранг: бутунлай сап-сариқ ва қип-қизил. Мутлақо ажойиб улар!

— Ҳа, мен ҳам ўйлайманки, улар...ҳм...жуда гўзал, — у қизнинг айни ўзигина гўзал, деб ўйлаб қолди. Менинг исмим Билли Бранхам. Мен коммунал хизмат бўлимида ишлайман ва ҳозир шу ҳисоблагичларни текшираётгандим холос.

Қиз қўлини узатди.

— Танишганимдан хурсандман, Билли. Мен Хоуп[30] Брумбах. (№10 сурат) Балки менинг отам Чарли Брумбах ҳақида эшитгандирсан? У темирйўлчилар ўртоғлиги ширкати ташкилотчиси.

— Йўқ, уни билмасам керак, чоғимда. Сен шу атрофда яшайсанми?

[30] Норе (ингл.) — Умида. (Тарж.)

— Ана у уйда, у ердаги, — у кўчани охирида турган уйни қўли билан кўрсатди.

Билли у-бу нарсага эришаётганлигини ҳис қилди: у қизнинг нафақат исмини, балки қаерда яшашини ҳам билиб олди.У Хоуп билан яна учрашиш учун баҳона излаб, савол беришда давом этаверди. Танишув вақтида Хоупнинг Христианлигини ва Жефферсонвилдаги Уотт Стрит деган жойдаги Баптистларнинг Миссионерлик Черковига бориб туришини аниқлади. Бу мувоффақият томон “биринчи қадам” эди.

— Биласанми, мен яқиндагина, икки ҳафталар олдин Христиан бўлдим ва ҳозирча ҳали бирор-бирчерковга бормаяпман... Мумкин, мен сен билан шу якшанбада бораман ва қарайман, менга ёқармикин.

— Мен сенга жой банд қиламан, - кулибгина деди қиз.

Кейинги якшанбада Билли черковга кириб қараса, Хоупнинг ёнида бўш жой бор. Йиғилишдан кейин, уйга кетишдан олдин, улар бир оз гаплашишди. Бу 19 яшар меҳрибон ва ёқимлик қиз, у учратган ҳар қандай аёлдан кўра ўзгача қизиқтирди. Унинг қувончида қандайдир одамнинг баҳри-дилини очадиган нимадир бор эди, бокиралик ва соддадиллик, иффат бор эди. Уни қиз магнитдай тортар, ва у қайта-қайта Уотт Стритдаги черковга келадиган бўлди, шундай қилиб, доим қатнашадиган бўлиб қолди.

Билли Баптистлар Миссионерлик Черковини шаҳардаги бошқа черковлардан кўра маъқул кўрганини бош сабаби унга Хоуп Брумбахнинг бориши эканлигини тан оларди. Шундай бўлса ҳам унда, унинг пасторига нисбатан чуқур ҳурмат пайдо бўлди. Доктор Рой Девис шундай ваъз қиларди: Худо Ўз Каломидан ҳеч қанча яхши эмас, масихчи ҳам Худо Каломига бўлган иймонидан ҳеч қанча яхши эмас, — деб уқтирар эди, бунинг мутлақо ҳақиқатлиги Биллини лол қолдирди. Доктор Девис доим ўз мажлисини Худо Каломига бутун юрак билан ишонишга чақирар ва буни кундалик ҳаётга тадбиқ қилишга чорларди. Бундан ташқари, бу пастор нима гапирса, ўзи ҳам ҳаётда қўллар эди.

Бир куни Доктор Девис ёшлик йилларида бўлган бир атеист ҳақида ҳикоя қилди, бу атеист мамлакат бўйлаб юрар, у черковдан — бу черковга борар, Христианлар имонини бениҳоя синар эди. Девис Теннесси штати, Мемфисдаги катта йиғилишда унинг гапини эшитди. У одам Марк баён этган инжил; 16-бобдан, Исо: *“Ишонадиганларда қуйидагилар бўлади: Менинг номим билан ёвуз руҳларни қувади, ўзга тилларда гапиради, илонни ушлайди, агар заҳарли бирон нарса ичса, зарар қилмайди, касалларга қўл қўйса, улар соғаяди”* — деб айтган жойини ўқиди. Шундай қилиб, атеист сульфат кислотали бутилкани минбарга қўйди ва аудиторияга ташланди:

— Эй, сиз, христианман дейсиз, аммо Исо айтдику, агар ишонсангиз, унда ҳар қандай заҳарли моддани ичсангиз ва у сизга зарар қилмайди. Мана энди, агар бу Калом Худоруҳида бўлса, унда бу сульфат кислотасини ичинг.

У ўз чақириғини бир неча бор такрорлади, Христианлар иймонини танқид қилиб, Худонинг борлиги тушунчаси устидан кулиб, чақириғини бир неча бор такрорлади.

Ёш доктор Девис ёнида ўтирган кекса методист епископига деди:

— Агар бу иймонсиз яна бир марта чақирса, мен ўша ёққа бораман ва уни ичаман.

Епископ уни тўхтатмоқчи бўлди.

— Бу одам шунчаки ўзидан кетяпти. Ўғлим уни қўявер. Библияда айтилган: "Раббинг Худовандингни васвасага солма".[31]

[31] Қонунлар 6:16; Матто 4:7; Лука 4:12.

Аммо Девис ўз қарорида қатъий эди.

— Йўқ, мен уни ўз ҳолига қўймайман. Ва мен ўз жойим, ўз ўрнимда ўлсам, Худо Каломига ишониб осмонга бораман!

Христианларни тортиниб ўз жойларида бекинишларини кўриб, атеист кулди.

— А сизчи, болалар, у ердаги? Ахир сиз ишонасизку, Худо ҳақиқатдан ҳам бор! Қани, сульфат кислотаси текширувидан ўтингларчи?

Доктор Девис минбарга кўтарилди, бурилди ва уч минг кишилик аудоторияга деди:

— Мен 25 ёшдаман ва мен Инжил ваъзхони хизматкориман. Мен биламан, менинг Худойим мени бу сульфат кислотадан асрай олади; бироқ, шунга қарамай, агар У бундай қилмаса ҳам, мен бошқа бу иймонсиз одамга, бу ерда туриб, Худо Каломига шундай чақириқ ташлашига йўл қўймайман.

У сульфат кислотани олди ва тагигача сипқорди, заҳарли таъсир туфайли ўткир оғриқдан, бошқа нарсани сезмаган ҳолда, ичворди. Кейин у Хушхабарни шунчалик буюк иймон ва қийноқлик билан ваъз қилдики, бир ярим минг киши Исо Масиҳга янгидан ўз ҳаётларига бағишладилар.

Бу ҳикояни эшитиб, Билли методист епископи доктор Девисдан кўра кўпроқ ақл ишлатди деб ўйлади. Наҳотки бирон киши, Худони васваса қилиши керакми? Исо имонсиз фарзийлар тўғрисида айтмаганмиди: "Уларни қўяверинг. Агар кўр кўрни етакласа, иккаласи ҳам жарга қулайди?"[32] — деб. Гарчи Билли доктор Девис қилган ишни маъқулламаса ҳам, у пасторининг имонидан завқланар ва қойил қоларди.

[32] Матто 15:14.

Бундай имони комил инсон билан ёнма-ён бўлишдан руҳланган Билли, Худо Каломига диққат-эътиборини кўпроқ қарата бошлади. Биллининг черковда ўрганган биринчи қўшиғининг нақорати шундай эди: "*Исодай бўлсам, Исодай бўлсам, Мен бўлишни истайман, худди Исодай. Вабу ҳаётда, Ватанга талпиниб, бўлишни хоҳлайман худди Унингдай"*. Бу сўзлар унинг юрагидаги доимий ибодати бўлди. "Исо менга Сендай бўлишимга ёрдам бер".

Янги аҳдни иккинчи марта ўқиб чиққач, сувдан имон келтириш шартлигини англади. У Маттодан 28-бобни ўқиди, қаерда Исо Петр ва бошқа ўқувчиларига, улар "барча халқларни Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳ Номида сувдан имон келтиришни ўргатиш"ни айтди. Кейин у ҳаворийлар фаолияти китоби 2-бобини ўқиди, қаерда Петр, бир неча ҳафтадан сўнг одамларга буюрди: "Ҳаммаларингиз Исо Масиҳ Исмига имон келтирингиз". Исонинг буюк олий топшириғида нимани назарда тутганини агар кимдир билган ҳам бўлса, бу Петр ва қолган шогирдлари бўлиши керак деб Билли ҳисоблади. Хуллас, Билли доктор Девисдан Ҳаворийлар китобида апостоллар қандай чўқинтирган бўлса, шу тарзда чўқинтиришини илтимос қилди. Бу нарса Баптистлар Миссионерлик черкови таълимотига мутлақо зид бўлишига қарамасдан, доктор Девис буни амалга оширишга мажбур эди ва Билли Исо Масиҳ Исмига чўқинтирилди.

Нью-Олбанидаги газ заводида у билан бўлган бахтсиз ходисадан ҳам кўп ойлар ўтиб кетди. Яхши бўлиш ўрнига, Биллининг соғлиги ёмонлашаверди. Энди унинг боши силкинар эди, ҳатто қалин линзали кўзойнак тақиб юрса ҳам; усиз у қарийб кўзи ожиз — кўр эди. Унинг арпа қайнатмаси ва қора қароли шарбтидан енгилгина пархезига қарамасдан, унинг ошқозони қарийб тўхтовсиз оғрир эди. Ҳаммасидан кўра унинг куч-мадори ва ҳаёт қуввати қониқарли овқатланмаганлигидан аста-секин қуриётганидан қаттиқ ташвишланарди.

Энди унда янги дори — Имон бор эди. Исони "Ибодатда имон билан неки сўрасангиз, оласизлар",[33] деб айтганини ўқиди. Кейин у Ёқубнинг мактуби, 5-бобини ўқиди: "Ким касал бўлса, черков оқсоқолларини чақирсин, ва унинг бошини Исо Масиҳ номидан мойлаб, ибодат қилсин".бу унинг муҳтожига жавоб эди. Шу сўзларни ўқиши биланоқ Билли доктор Девиснинг уйига чопди, оқсоқол унинг бошини мойласин ва у учун ибодат қилсин дея. Шундан кейин у шифоланганини эътироф қилиб, қувониб уйига кетди.

[33] Матто 21:22

Ўша оқшом кечқурунги нонушта вақтида Библиясини столга қўйди, ўзининг шифоланганлигини маълум қилди ва бундан кейин ва ҳамиша ҳамма қатори овқатланишини билдирди.

Бунақа сўзлардан ҳаяжонланган онаси:

— Билли, мен сенда имонингни борлигига қарши эмасман, лекин сен врач нима деганини биласан-ку, — бор йўғи бир бўлак қаттиқ овқат сени ҳаётингга зомин бўлади, — деб хавотирланди.

— Мен ҳам биламан, Худо нима деган; У эса мени шифоланганлигимни айтди! Балки ибодат қилармиз?

Бунгача ҳеч қачон Бранхамлар дастурхонида ибодат қилинмасди. Чарльз нима дейишини ҳам билмай, стулда ўтирганча типирчилаб қолди. Элла ўғлига хавотирга тўла, бечорагина қараб қўйди-ю, йиғлай бошлади. Билли бошини эгди ва ибодат қилди:

— Худовандим, агар мен ўлсам ҳам, Сенга имоним борлигидан, мен Уйимга бораман. Сенинг Каломинг айтдики, мен соғайдим. Мен ё врач айтганини қабул қилишим керак, ёки Сенинг айтганингни. Мен бир йилдан кўпроқ врач сўзларига ишондим, умид қилдим ва бундан менга ҳеч қандай яхши бўлмади; аслида эса мен янада оғирлашдим. Мен врач айтганларини бошқа қабул қилмайман. Энди мен, Сен нима десанг, шуни қабул қиламан. Илтимос, марҳамат қилиб бу овқатни бизнинг танамиз учун дуо қил; мен буларни Сенинг Ўғлинг Исмидан, Исо Масиҳ Исмидан сўрайман. Омин.

Қорақароли шарбатли стаканни четга суриб қўйиб, Билли тарелкасига ловия, пиёз ва жўхори нонидан солди. Биринчи луқма унинг ошқозонига тушиши билан, овқат баландга кўтарила бошлади. Билли луқмани оғзида ушлаб туриш учун қўлларини лабларига қўйди ва кейин яна қайтиб ютди. У шу захоти ўғжиди. Билли яна қайтиб ютди. Ошқозон қаттиқ озуқа тушганига норозилигини тўхтатмас, Биллида ўғжишни қўзғатар ва унинг оғзи ва томоғини аччиқ зардоб билан қопларди. Аммо Билли ошқозони раъйига қарашдан бош тортди. У фикрларини ҳис қилаётганига эмас, Худо бу ҳақда нима деганига жамлади; ва у ўша ловияли луқма ниҳоят ошқозонида қолмагунича ютишда давом этаверди. Кейин у қайнатилган пиёздан бир тишлади.

Кечки овқатдан сўнг Билли хонасига кириб олди. Унинг ошқозонидаги қаттиқ оғриқдан кўз ёшларини тўхтата олмади. Ўқтин-ўқтин ўғжир ва оғзи нордон сувдан тўларди. Мадорсизланиб, у куйлади; черковда ўрганган оддийгина ашулани айтди: “Мен фақат Исога ишонаман, Мен фақат Исога ишонаман, У мени шифолаган”. У жуда ҳолдан тойди ва “Раббим, мен Сени Каломинг буйича қабул қиламан” дея эшитилар-эшитилмас шивирлаб кроватга ётиб қолди.

Онаси эшикни тақиллатди.

— Ўзингни қандай ҳис қилаяпсан, Билли?

— Ажойиб.

— Мен врачга телефон қилдим. У сени ўлади дэб айтди.

Билли оғзига тўпланган зардобни ютди.

— Мен ўлмайман, она. Мен ўзимни жуда яхши ҳис қилаяпман!

У танасидаги ҳислари тўғрисида эмас, балки у Худонинг ваъдасига нисбатан бўлган туйғулари ҳақида гапирганди.

Эртасига эрталаб Билли ошхонага кирганида, ўша ловияли товоқ ҳали ҳам печка устида турганди. Элла бурилиб, сўради.

— Нонуштага нима ҳохлайсан, Билли?

— Мен яна ловия ва жўхори нонини хоҳлайман.

Кунлар ўтаверди, Билли эса олдингидай қийналар эди. Ҳар бир овқатланиш жисмонан кураш эди: унинг ошқозони шўр “норозилик” билан ғижимланар, унинг ўзи эса бош айланишидан ҳолсизланар эди. Лекин имон бобида у қийналмасди ва тебранмас эди. У Исонинг: “Агар бироз бўлса ҳам ишонсанг, эътиқодли одамга ҳамма нарса мумкин”[34] деган сўзини доим такрорларди. Бу унинг умиди эди, ва ҳамма симптомларга қарамай, у қайтага Исо Масиҳ уни шифолаганига шоҳидлик қилишда давом этаверди.

[34] Марк 9:23

Билли яна Павелнинг насиҳатларини ҳам ўқиди: “ўзаро севгидан бошқа ҳеч нарсадан қарздор бўлманглар”[35] ва бу сўзлардан айбдорлик ҳуружи юрагини эзарди. Ҳозирги пайтда операция қилиш учун дори-дармонларга 2000 доллар қарз эди, ва 300 доллар аптекачига, Бранхамлар оиласининг қанчалик қашшоқлигини билишига қарамай, унга ҳеч қачон дориларда йўқ демаган, хайрихоҳ инсон, мистер Мейсонга ҳам қарздор эди. Ибодат қилгач, Билли, Худо христианларга қарз олишни таъқиқламаган, фақат қарзни қайтариш учун қўлларидан келганча тўлашлари ва тўловда сабабсиз кечикмаслик кераклигини англади.

[35] Римликларга 13:8

Аптекага келиб, Билли деди: “мистер Мейсон, мен сиздан қарздорман ва буни ҳаммасини тўламоқчиман. Мен операциядан кейин жуда кучсизман, лекин мен ишлашга ҳаракат қиламн. Мен “Индиана Коммунал Компанияси”да соатига20 цент маош билан ишлайман. Ҳар маошимдан сизга қанчадир тўлашга ҳаракат қиламан. Мен масихчи бўлдим, шу учун меинг биринчи бурчим — Худога бериш. Биринчидан мен Унга ўн улушини тўлашим керак. Кейинги менинг бурчим — қарзларимни

тўлаш. Ҳозир менга пул етишмайди: менинг отам хаста бўлиб қолди ва мен онам, етти укам ва синглими боқиб туришим керак. Лекин мен сизга ҳеч бўлмаганда кунига 25 центдан тўлаб тураман. Ва агар шу 25 центни тўлай олмасам келаманда буни сизга айтаман”.

Кунлар ҳафталарга уланди, Билли ҳали ҳам жисмонан қийналар эди. Аммо оз-оздан унинг аҳволи шунчалик яхшиландики, натижада ҳеч қандай мазаси қочмай, лохас бўлмай хоҳлаган нарсасини ея билди. Астигматизмдан ҳам соғайди ва кўзойнакни ҳам унга бошқа кераги бўлмай қолди. Врач кўзларини текширганда, унинг кўриши ўз жойида эди. Билли қувончидан ёнарди ва унинг Худо ваъдаларига бўлган ишончи янада ошди.

11 БОБ
ҒАЙРИТАБИИЙ ХУШХАБАРГА АТАЛГАНЛИГИ
1932

УИЛЛЬЯМ БРАНХАМ ва доктор Рой Девис бир-бирларига нисбатан ўзаро ҳурматга эга эдилар: доктор Девис намоён қилган имон Биллини завқлантирар эди; у эса, ўз навбатида, ёш масихчининг ғайратидан қаттиқ таъсирланганди. Бироз вақт ўтиб, у Биллига хизмат таклиф қилди. Доктор Девис пастор сифатида ўзининг миллий ташкилоти билан умидвор кишиларга "меҳнат шартномалари" тақдим қилишга ваколати бор эди. (ҳеч қандайдир расмий ўқитмасдан). Бу ҳуқуқ, аслида уларни Баптистларнинг Миссионер черковида ҳамма тан оладиган хизматчилар қиларди. Билли бир йил олдин ўлим уни олгани келганида Раббийга берган ўз ваъдаси — агар унга ҳаётда яна бир имконият берилса, у Инжил Хушхабарини кўча бурчакларида ва уйларнинг томларидан ваъз қилади, -- деган ваъдасини унутмаган эди. Энди шундай имконият берилганидан хурсанд эди.

Шундай қилиб, 1932-йили Рождество байрамидан сал олдин доктор Девис Уилльям Маррион Бранхамни Баптистлар Миссионер черкови низоми ва қоидаларига мувофиқ Исо Масиҳ Хушхабари хизматкори этиб бағишлади. Билли ўшанда 23 ёшда эди.

У шу хизматга бағишланганидан кейин, икки кун ўтиб, Нью-Олбанида ўзининг унчалик ёқтирмайдиган ишида эди. У сув, газ ва электро-энергия учун тўламаган одамларга хизматни тўхтатиб, ўчириб қўйиши керак эди. Билли яшовчиларга у светни ўчириши зарурлигини айтиш учун эшикни қоқди. Эшикни очган аёл уни шавқатсизларча ҳақоратлай бошлади.

Имонга келиб, Билли биринчи марта шундай муомала қилди:

— Опа, сизга бундай ҳақорат қилиш керак эмас. Наҳотки Худодан қўрқмайсиз?

— Сен бечора, эсини еган овсар, — жеркиди аёл, — агар мен бирор киши билан Худо ҳақида гаплашмоқчи бўлганимда ҳам, сендай ахмоқчани танламасдим. Сенинг онанг-ку ўзи...

Ва шу ерда аёл унинг онасини ва унинг авлодини разилларча ҳақоратлашга тушди.

Билли доим: "Аёлни урган эркакда, эркакни уришга мардлиги етмайди", — деб айтарди. Аммо бекаму-кўст меҳрибон онаси шаънига иснод ёғдираётган бу аёлни кўриб, у ўз одатини бузиши мумкин эди. Шу воқея бир йил олдин бўлганида борми, ҳеч бўлмаганда ғазабдан унга бақирган бўларди. Аммо, ҳозир унинг ҳақоратларига ҳеч парво қилмади. Худди енот ёғидан мойланган этикка сув сингмагандай, аёлнинг ҳақорати ҳам Биллининг юрагидаги осудаликни буза олмади. У аёлга мулойим жавоб қилди:

— Хоним, мен сиз учун ибодат қиламан.

Шундай дея, у кетди. Айнан мана шу вақт Билли, руҳидаги қатъий ўзгаришни англади.

Унинг кейинги хизмат топшириғи, эгалари кўчиб кетган уйларда сув, газ ва электро-энергияни ўчиришдан иборат эди. Бино бўш ва эшиги очиқ қолдирилганлигидан, Билли ибодат қилиш ва Худога шукрона айтиш учун сездирмайгина ўша ёққа кирди.

Гиламсиз полга чўкка тушиб, у қўлларини қовуштирди, лекин ҳали кўзларини юмишга улгурмаёқ, бирдан хона ўзгара бошлади, Деворлар энди йўл-йўл, ялтироқ абойлар билан қопланмаган, улар бутунлай оппоқ бўлиб қолганди ва хонанинг ўзи ҳам бўмбўш эмас эди. Билли қора танли мўйловдор оқсочли одамга қараб турар, у эса гўё шифохона койкасида ётар эди. Эркак гўё, даҳшатли аварияга дучор бўлган эди: Унинг кўкраги, қўл-оёқлари бинтлаб ташлаган эди. Койка олдида, Биллига яқин жойда қора танли қариқоқ аёл турарди (Эҳтимол, бу унинг хотини бўлса керак, ёшлари ҳам бир хил кўринарди)

Кўз қири билан Билли хонада қандайдир ҳаракат бўлганини пайқади. Бурилиб, хонага оқ танли йигит ва қиз кириб, койканинг нариги томонида турганини кўрди. Улар ғамгин кўринишарди, лекин Билли улар бинтланган эркак орасида қандай алоқа борлигини аниқлай олмади. Кейин хонага иккита ёшроқ одамлар кириб келишди. Улар койкага қараб турганларидан, Билли уларнинг юзларини кўра олмади. Бу икки одам ҳатто орқаларидан бўлса ҳам унга таниш кўринди. Ҳа-да, албатта улардан бирини таниди. Бу унинг дўсти эди, Жорж Де Арк, қайсиники сал илгари, икки ҳафта олдин имонга келтирганди. Бошқаси эса-чи? У роса тикилиб ўйлади. Танишларидан қайси бири қора жингалак сочлари билан бундай мафтун қилиши мумкин? Шу пайт ўша одам олдидаги турган кекса аёл билан гаплашиш учун бурилди. Билли ҳайратидан сапчиб тушди, — у ўзига қараб турарди.

У койка устида бош эгиб, қора танли касал учун ибодат қилди. Шу пайт бемор койкага туриб ўтирди-да, ўзидан боғич ва бинтларни еча бошлади. Кейин хонага кўп врач ва ҳамширалар югуриб киришди ва манзара тўлиқ йўқолгунига қадар кроват кўриниши ҳам қоронғулашиб, чайқала бошлади ва Билли ўзини бошқа ерда кўрди. Энди у кўчада, касалхона қаршисиди турар ва асосий эшик очилиб, ундан ўша кекса одамнинг чиқиб келаётганини кузатар эди; энди у гўё ҳеч қачон майиб бўлмагандай

зинилардан тушиб келар эди. Бинтлари-ю-боғламлари унда цўқ, қизғимтир пальто кийган, бошида цилиндр кийими бор эдт. Бирдагина бу манзара йўқолиб, Билли ўзини яна ўша деворлари йўл-йўл обойлардан иборат бўм-бўш уйнинг ялангоч полида турганини кўрди.

Нима бўлди ўзи? Қаерларда бўлди у? У тиззаларида турган жойидан бир сантиметр ҳам жилмаган ҳолда, аммо қандайдир номаълум тарзда касалхонада бўлди ва у ерда бўлиб ўтган ақлга сиғмайдиган воқеанинг қатнашчиси бўлди. Қандай қилиб бундай бўлиши мумкин? Бу туш эмасди: у ухламаганди, хушёр эди. Бунинг устига касалхонада бўлган воқеаларнинг ҳаммаси, худди у ҳозир қўл қовуштириб ибодатда турганидай реал куринган эди.

Гарчи Билли буларнинг ҳаммаси нимани англатишини билмасада, у шунда ҳам уни эшитишни истайдиган биринчи учратганига бу ваҳийни айтиш иштиёқида ёнарди. Бундай одам Христианлардан бири, коммунал хизмат конторасси қабулхонасида ўтирган Жон Поттс бўлиб чиқди. Бу айни иш тугашидан олдин эди. Мистер Поттс Билли ўз ваҳийсини гапирганда уни бўлмади, вақти-вақти билан: “Ўҳ-ҳў... наҳотки?... Буни қаранг! Бу қизиқ”, — деб қўйди.

Кейинги кун эрталаб Билли эшикдан кўриниши билан мистер Поттс уни четроққа чақирди.

— Қулоқ сол, Билли, ўтган кун кўрган ўша тушинг нима бўлди.

— Мистер Поттс, бу туш эмас. Мен худди ҳозиргидек уйғоқ эдим. Мен нима бўлганини аниқ билмайман — буни қандайдир гипнозми деб ўйлайман.

— Майли, майли сен айтгандай бўлақолсин. Нима бўлганда ҳам, менда бу сирни очиш учун калит борга ўхшайди. Кеча кечқурун мен дўстларимдан бирини кўришга Нью-Олбанидаги Католиклар Шифохонасига бордим. Ўша ерда у ердаги касаллардан бири, гипноз, ҳм... трансда тасвирланган эркакка тўғри келади. Уни Уилльям Мэррилл дейдилар. Бу киши оғир аҳволда, 65 ёшлардаги негр. Мен у билан кеча бироз гаплашдим. Менимча уни икки отли араваси бор, ва у шу аравада Нью-Олбани хиёбонларидаги ахлатларини йиғиштириб, тирикчилик қилади. Икки кун олдин қандайдир бир йигит ва қиз машинасини қувиб бир жойга келганда, бошқара олмай қолишибди, ва аравани уриб, унинг қўли, оёғи ва умуртқа поғонасини синдирганлар. Мен унга сени ва сенинг трансингни айтиб қолдим, унинг руҳи кўтарилиб, сен келиб, ибодат қилишинг учун чақиришимни илтижо қилди.

— Барибир қизиқ, мен шу одамни кўрибманмикин? Кун бўйи Билли тинчлана олмади. Нима бўлса экан, агар ҳақиқатдан ҳам у оғир ётган мистер Мэррилл учун ибодат қилган бўлсачи. Бу фикрлардан Билли асабийлашгандан асабийлашган эди. Шу одам ростдан ҳам кроватда ўтира олармикан ва ўзидан бинт ва боғламларни еча бошлармикан? Кейин Билли доктор Девиснинг Христианларни Худонинг ғайритабиий кучига, ғаройиботларига ишонишга чақирадиган ваъзлари ҳақида ўйлаб кўрди. Билли ишини тугашига қараб, ўзининг буларнинг ҳаммасига тайёрлигини ҳис қилди. Дўсти Жорж Де Арк ни топиб, унга қойил қолдирадиган бу ҳикояни айтиб берди.

Жорж деди:

— Албатта, Билли, мен сен билан ўша одам учун ибодат қилишга бораман.

Ҳали улар шифохона зиналаридан кўтарилар экан, Билли тушунтирди:

— Биродарим Жорж, мен билан ғалати нарсалар бўлаяптики, мен тушунв олмаяпман; аммо бир нарсани аниқ биламан: ҳали хонага икки оқ танли кирмайди ва кейин кроватнинг у томонида турмас экан, мен бу кекса одам учун ибодат қилолмайман. Мен ҳаммасини менга кўрсатилганидай аниқ бажаришим керак, шу учун мен билмайман, бу нарса бугун кечқурун бўладими ёки йўқми. Аммо мана кўрасан — бу одам шифоланади.

Кирганларида, Билли мистер Мэррилл ҳақида сўради ва уни палатасига ўтказишди. Биллининг қаердга бориши керак бўлса, айнан шу ерга келганини билиш учун тўшакда ётган одамга бир нигоҳ ташлаши етарли эди. Айнан шу одам эканини у кега кўрган эди.

— Ҳайрли оқшом, сэр. Менинг исмим Билли Бранхам. Кеча кечқурун бу ерда бир одам бўлган эди, у сизга мен ҳақимда айтиб берган.

Кекса одам сабрсизликдан қўзғалиб қўйди.

— О-о! Мени шифоланишим учун ибодат қиладиган йигит, ўша сиз бўласизми?

Унинг хотини кроват ёнида турганча, қошларини чимириб Биллига маъруза ўқий бошлади:

— Эй йигит, мен ўйлайман, сиз эримнинг қандай оғир аҳволдалигини англамаяпсиз. Уни ҳарорати нафақат 40 C^o градусгача, бунинг устига, рентген суратининг кўрсатишича, унинг синган қовурғалари ўпкасига тегиб турибди. Бир эҳтиётсиз ҳаракат ва қовурғанинг ўткир учлари унинг ўпкасини тешиши мумкин, ундан ҳам ёмони — артерияни кесиб юборади, ва унинг қони оқиб кетади. Мен ҳақиқатдан ҳам сизни бу ерга келмаслигингиз ва уни бунақа ҳаяжонлантирмаслигингиз керак эди деб ҳисоблайман.

Лекин мистер Мэррилл бунга бошқача қаради.

— Кел, ҳеч бўлмаса бу йигитни тинглайлик-да...

Билли кечаги кечинмаларини ҳаммасини айтиб берди. У гапини тугатиши биланоқ, хонага йигит билан қиз кирди. Мистер Мэррилл булар худди ўша, унинг аравасини ўз машиналари билан урган икки киши, деб таништирди. Уларнинг иккиси ҳам авария қилганларидан пушаймонликларини ва кекса одамнинг соғлиги учун самимий ғамхўрлигини билдиришди. Юз ифодалари ғамгин ва жиддий ҳолда улар койкани айланиб ўтишди ва унинг ёнига, девоорга яқинроқ туришди.

Билли худди шу нарсани кутаётганди. У бошини эгди ва энди ибодат қила бошлаганди, мистер Мэррилл қичқирди:

— Мен шифоландим! — ва шу заҳоти кроватга ўтирди.

— Уилльям, йўқ! — хотини қичқириб юборди ва уни яна тўшакка ётқизишга тиришди. Студент-медик палатага бўрондай учиб кирди. У ҳам мистер Мэрриллни горизонтал ҳолатда сақлашга ҳаракат қилди, аммо эркактўшакдан тура олди ва тўхтовсиз қичқира кетди:

— Мен шифоландим! Мен яхши бўлдим!

Шу пайт ҳамшира ва врачлар югуриб киришди. Католик опалардан бири хонага кира солиб Билли билан Жоржга:

— Сиз иккингизга ҳам ҳозирнинг ўзидаёқ кетишингизга тўғри келади. Биз бу одамни бундай ҳаяжонланишига йўл қўя олмаймиз. У оғир касал, — деди.

Билли билан Жорж кетгач, Уилльям Мэррилл ўз кийимларини кийишга уринар, врачлар эса уни яна ўрнига ётқизишга ҳаракат қилардилар. Кўчага чиқиб Билли касалхона зиналари супачасида тўхтади ва Жоржга деди:

—Кел шу ерда кутиб турайлик. Мана кўрасан, икки минутдан кейин шу зиналардан малла пальтода бошига цилиндр кийиб у пастга тушади.

Бир неча минут ўтди... ва мана у хотини билан чиқди, ҳаётбахш кучга тўла,гўё у шифохонада бемор эмас, балки бор-йўғи беморни кўришга келган одамдай, зиналардан пастга туша бошлади. У малла пальто кийган ва бошида цилиндр — худди Билли айтганидек эди.

Жорж қариядан сўради:

— Қандай қилиб бу врачларнинг қўлидан қутулиб чиқдингиз?

Мистер Мэррилл оқарган мўйлови тагидан самимий жилмайдм:

— Улар температурамни ўлчадилар — мени умуман иссиғим йўқ эди, шу учун қўйвордилар-да, шу холос.

КЕЙИНГИ КУН Билли эрта тонгда уйғонди. Ҳали ним қоронғуда кийимларинипайпасларкан, ўчиргич кнопкасинибосиб светни ёққандай бирдан хонани ёрқин нур тўлдирди.

Шу онда Билли ўз уйида эмас, бошқа жойдалигини англади. Энди бориб қолган хона унинг хонасидан катта эди; у нимаси биландир меҳмонхонага ўхшар эди: диван суянғичи унча баланд бўлмаган юмшоқ кресло, кенг ва пастгина диван (оттоманка)[36], столчалар, лампалар. Бурчакда турган баланд кравaт бундан мустасно эди. Бу краватда шал бўлган, майиб, ўрта ёшлардаги аёл ётарди. Билли бу аёлнинг чалкаш бўлиб қолган оёқ ва қўлларини қандай тўғирланиб, нормал ҳолатга қайтганини ҳайрат билан кузатди. Аёл кроватдан тушди ва Билли томонга келгани сабаб, у аёлнинг юзини кўриб олди. Кейин у яна ўзининг ғира-шира хонасида пайдо бўлди.

[36] Оттоманка — кенг ва паст суянчиғи алмашадиган ёстиқчали ва валикли юмшоқ диван. (Тарж.)

Билли кроватни четида узоқ вақт ўтириб, мана шулар хусусида бош қотирди. Шубҳасиз, Раббим Исо яна кимнидир шифоламоқчи. Лекин кимни ва қачон “Нима ҳам дердим, эҳтимол мен бугун у аёлни қаердалигини билиб оламан”, -- деб ўйлади у.

Ўш куни хизмат бурчи уни Нью-Олбани, Ист Оук Стритдаги 2223 номерли уйга олиб келди. Ижарага бериладиган кўп хонали уйнинг бир томонида битта оила жойлашган бўлиб, Билли фақат шу томонга сувни ёпиши керак эди; аммо тақсимлаш панелида қайси ҳисоблагич уйнинг қайси томонига тегишлилигини тушиниб бўлмасди. У ҳисоблагичларнинг биридаги вентелни ёқдида уйнинг ҳаммасини текшириш учун яшовчилар томонига борди.

Унинг таққиллатишига эшикни юпунгина кийинган, келишган, ўспирин — қиз очди.

— Сизга нима керак?

— Мен коммунал хизмат компаниясида ишлайман. Водопровод кранини оча кўролмайсизми? Мен сизларга сувни ёпмаганимни аниқлашим керак.

— Албатта, — қизча бурчакка бурилди-да ошхонага ўтиб кетди.

Остонада турган Билли меҳмонхонада, нимаси биландир касалхона койкасини эслатадиган краватда ётган аёлни кўриб қолди. Унинг танаси шал бўлганидан жуда ғариб аҳволда, ўргимчакка ўхшаб кўринарди. Унинг боши кроватнинг суянчиғи туфайли эшикка қаратиб кўтариб қўйилганди, шу сабали Билли унинг юз қиёфасини аниқ кўрди. Унинг юраги шодлигидан гуппиллаб ура бошлади: бу ахир

эрталаб мен ваҳийда кўрган шал аёл-ку. У қора жилдли китобни ўқиб турганди. Полда эса, кроват ёнида, саҳифалари очилиб газета ётганди.

— Салом, хоним. Мен Билли Бранхам.

— Салом менинг исмим Мери Дэр Оханион. У ерда менинг қизим Дороти.

Дороти хонага қайтди ва деди:

— Йўқ сув ҳали ҳам оқаяпти.

— Демак мен айнан ўчириш керак бўлган ҳисоблагични ўчирибман. Қараб айтганинг учун рахмат.

Аммо уни ҳали кетиш нияти йўқ эди. Қандай бўлмасин у шу шал аёл билан суҳбатни тиклаши керак эди.

— Сиз нимани ўқияпсиз?

— Армян Библиясини, -- жавоб берди.

У аёлга даъват қилди:

— Сиз Худога ишонасизми?

Дер Оханион хоним китобни тиззаларига қўйди:

— Дороти 17 ёшда. У туғилган кунидан бери мен шал бўлиб тўшакка қадалганман. Лекин шу эрталаб газетада католиклар касалхонасида шифоланган эркак тўғрисида ўқиб: “Мен учун ҳам умид бор”, — дедим. Шошманг, сиз фамилиям Бранхам дедингизми?

У ўзининг меҳмонхонаси бўсағасида турган ёш одамга қараш учун кўзларидан ўқиш учун ишлатадиган кўзоёйнагини туширди. Бу ёш, ҳисоблагичларни текширувчи техник билан газетадаги мақолада ўқиган нотаниш Бранхам билан солиштириб, у юз ифодасини ўзгартирди.

— Кеча кечқурун қора танли одамни шифолаган ўша, Худо ёрлақаган сиз эмасми?

— Йўқ, хоним, мен шифоловчи эмасман. Менга қандайдир тарзда ўша одам учун ибодат қилишим кераклиги кўрсатилган эди. Раббим Исо — шифокор — мен эмас.

Аёл боши билан маъқуллади.

— Ўша мўъжиза ҳақида ўқиганимдан бери, Худодан сўрайман, мени ҳаётимда ҳам шундай каромат кўрсатсин. Сиз мен учун ибодат қила олмайсизми?

Билли аёлга кўз ташлади: унинг қўл ва оёқлари 17 йилдан бери қуриб чангал бўлиб қолган эди. У меҳрибонлик билан деди:

— Мен бу ҳақида ибодат қиламан-да кейин қайтиб келаман.

У Худо билан ёлғиз гаплаша оладиган бир чекка жой танлади ва токи унинг ишончи ваҳийдагидек бўлмагунича ибодат қилди. Кейин у Жорж Де Аркни уйига борди.

— Биродарим — Жорж ака мен сенга эрталаб айтган ўша аёлни учратдим. Мен биламан у айнан ўша аёл. Кел ўша ёққа бирга борамиз.

Улар икковлашиб уйга кириб, Оханионни кровати олдида турдилар. Дороти ва унинг 8 ёшар укаси меҳмонхонанинг нариги томонидаги янги йил арчаси орқасига яширинганларича, уларнинг бу ниятларидан кулган бир пайтда, аёл армян Библиясини кўкрагига қўйди. Қаранг-а, 17 йил ётган онаси ўрнидан турадi! Мана ҳазил!

Билли болаларга эътибор бермади.

— Миссис Оханион, Раббим Исо сизни шифолайди.

Билли ва Жорж чўккалаб туриб, ибодат қила бошладилар. Нур кўз қорачиғига ҳатто юмуқ қовоқлар орқали ҳам кўриниши мумкин; шунинг учун Билли миссис Оханион боши узра порлаган нурни кўзини юмган ҳолида ҳам сезди. Электр лампочкаси бўлса керак, деб кўзларини очганди, унинг ўрнига аёл кровати устида гир айланиб турган каҳрабо ранг оловли ҳалқани кўрди. Уни ўлимдай қўрқув қоплади, кейин эса унга синчковлиги ва қизиқиши ошди. Бу ўша, уйи орқасидаги оғилда ибодат қилганида, ҳавода хоч ҳосил қилган нур эди.

Бундан ҳаяжонланган Билли олдинга эгилганча, шал аёлнинг қўлидан олиб, деди:

— Миссис Оханион, Раббимиз Исо тонгда менга сизни шифоланишингизни айтди. Оёқларингизга туринг ва Исо Номидан юринг.

Ёпинғичини бир томонга ташлаб, у тўшаги ёқасига қараб қуриган оёқ-қўллари ёрдамида буралиб-буралиб, қурт сингари судралди. Биллига, агар аёл шу баланд кроватдан полга йиқилса бўйнини синдиради деган фикр ялт этиб келди. Кейин фикрига Уилльям Мэррилл ҳақидаги ваҳий келди. Уқанчалик бехато ва мутлақо бекам-у-кўст бўлган эди. Ва унга ишончи қайтди унга.

Миссис Оханион тўшаги четидан сирғалиб тушаверар экан, шу пайт ҳамманинг кўз унгида унинг оёқлари тўғриланди. Дороти тешиб юборгудек ёввойи қичқирди ва бошидаги сочларини чангаллаганча, эшикдан бор товуши билан бақириб уйдан учиб чиқди. Ҳар томондан эшикни тарақлатиб, қўшнилари кўзларини чақчайтириб, кўриб турганларига ишона олмай, чопиб келишди. Улар Мэри Дер Оханионни

17 йил ичида биринчи марта мутлақо соғайган қўлларинибоши узра кўтарганча Раббий Исо Масиҳни улуғлаб, меҳмонхонада юриб турганини кузатишар эди. Билли уйига ажойиб ваҳийлардан, ва унинг кароматли мўжизасидан тўлқинланиб қайтди. Аммо шундан кейин унинг илҳоми тинчланди. Уни қувончи ўрнига азоб-у қийинчилик келди. Унинг кейинги ваҳийси олдингиларидан ниҳоятда фарқ қилар эди. Билли бу ваҳийни пасторига айтиб берганида, пасторнинг жавоби уни саросимага солди. Бу эса ўз навбатида, узоқ вақт давом этган ноаниқлик, дудмолликдан кейин, унинг одатдан ташқари ҳаёти ортидаги яширинган сирни очишига олиб келди. Натижада бу сир бутун дунёда шифолаш имонининг буюк хизматини бошлаб берди.

Муаллиф изоҳи

БУ КИТОБДАГИ ФАКТЛАР ва воқеаларнинг аниқлиги ва ишончлилигига қизиқувчи ўқувчилар учун менинг муаллифлик изоҳим фойдали бўлиши керак.

Биринчи китобнинг биринчи бобида воқеаларни Уилльям Бранхам ҳақида эшитмаганлар учун ҳикоялашдан қизиқишлари мақсадида мен атайин "қуюқ жилоладим". Биринчи бобдаги сухбатлар, менинг тахминимдир. Аммо бу тарихнинг асосий моментлар аниқ. Мисол учун, Элла Харвин Бранхам ва Чарльз Бранхам хаёти туғрисидаги биографик маълумотлар, ҳамда мойли шам мисолидаги каби кулбанинг ички ва ташқи кўриниши ҳақидаги майда-чуйда тафсилотлар; ўша, Бранхам момонинг умри давомида ҳеч қачон оёқ кийим киймаганлиги, Чарльз Бранхамнинг биринчи фарзанди туғилиши шарафига ўзи учун янги конбинезон сотиб олиши учун Берксвиллига жўнаганлиги, буларнинг ҳаммаси Америка бўйлаб тингловчиларга ўз биографиясини айтиб берган Уилльям Бранхамнинг ўзи айтганлари эди.

Кейинги бобдаги биографик тавсифлаш бевосита Уилльям Бранхамнинг ўзи берган гувоҳлигидан олинди. 19 йил давомида унинг ваъзлари магнит тасмасига ёзиб борилган бўлса, ва уларда бу тарихни бир неча марталаб бошқача ҳикоя қилган. Бизларнинг ҳам ҳар биримиз каби, бирор нарсани кўп марта айтганимиздагидек, у ҳам ҳар сафар айрим тафсилотларни ҳикоя қилганда ё бирор нарса қўшар, ё бирор нарсани эсдан чиқариб қолдирар эди. Мен манзарани тўлиқроқ бўлиши учун кўп маълумотларни бир-бирига боғлашга ҳаракат қилдим. Бу тарихни Уилльям Бранхам ўзи айтиб берганидек кўринишда ўқишни истаганлар учун энг осони компьютер компакт-дискларида қисқартирилмаган ҳолда ёзилган ваъзларни сотиб олишдир. ("Адабиёт ва информация манбалари" қисмида Уилльям Бранхамнинг ваъзларини ёзма кўринишида, аудиокассета, аудио компакт-диск, компьютер дисклар ва Интернетдаги жойларнинг рўйхати кўрсатилган).

Менинг китобимдаги бирор нарсани тасдиғи Уилльям Бранхам ваъзларида айтиб кетилмаганлиги сизни ўйлантириб қўйса, унутманг, плёнкага ёзилган унинг ваъзларигина бу биография учун тўплайдиган ягона информация манбаи эмас. Мен газета ва журнал мақолалари, "Адабиётлар ва информация манбалари" қисмидаги китоблардан ҳам фойдаландим. Бунинг учун яна Уилльям Бранхам билан шахсан таниш бўлган одамларнинг гувоҳликларидан ҳам фойдаландим. Мисол учун биринчи бобда ҳикоя қилинган ўша тонготар маҳал кулбанинг деразасида қўнган каптар воқеаси. Уилльям Бранхамнинг холаваччаси Генри Бранхам айтиб берган, унинг онаси эса Уилльям Бранхам туғилгандаги доя хотинлардан бири эди. Бу воқеа "Фақат ишон!" журналининг 1988 йил август сонида ҳикоя қилинади. (1-қисм №2, 18-саҳифа).

Ҳар қандай таржимаи ҳол — бу бор йўғи ҳаётни тасвирлаш. Ҳар бир биограф ўрганадиган предметни ўзининг шахсий призмасидан ўтказиб ёзар экан, унинг ёзган китоби ҳам шахсий тасаввурини ифодалайди. Мана нима учун Авраам Линкольннинг ҳаётини тасвирловчи 900 дан ортиқ биография мавжуд. Ва ҳатто автобиографияни баён қилиши, авторнинг умрини турли давридаги фактларга турлича қарашига ҳам боғлиқ. Америка тарихида энг оммабоп автобиографиялардан бирини Франклин Бенжамин ўзи ҳақида ёзган бўлса-да, шундан кейин ҳам у ҳақида жуда кўп ёздилар. Кўпгина ҳаётий фактлар, эсланмаган ҳам эди, бунинг устига бу фактлар ҳақида ҳар хил талқинлар бор эди.

Бу биография, албатта, Уилльям Бранхам тўғрисидаги менинг шахсий тасаввуримни акс эттиради. Бу тушунча менга кўп йиллик ибодат ва изланиш туфайли келди. Мен бу одамнинг ғайритабиий ҳаёти Илҳомчиси — Худо Руҳига ва ҳаётий фактларига содиқ қолишга ҳаракат қилдим. Шундай бўлса-да, унинг кечинмалари ва таълимоти ҳақида кўпроқ билиб олишга имконият бор. Бу биографияни ўқиб чиққанингизда ҳам, шак-шубҳасиз. Сиз кўпроқ билмоқчи бўлган манба — бу Уилльям Бранхамнинг плёнкада ёзилган ёки босиб чиқилган ваъзларидир.

Сизнинг ажратган вақтингиз ва ҳаракатингиз мўл-кўл тақдирланади.

Адабиётлар ва информация манбалари

1. *“Пайғамбар фаолияти”,* Перри Грин, 1969 й. Китоб Уилльям Бранхам ҳаётининг асосий моментлари, ҳамда Перри Гриннинг у билан муносабатларидаги шахсий кечинмаларини ўз ичига олади. 207-бет. Инглиз тилида Тусон черковидан қуйидаги манзил бўйича сотиб олиш мумкин: Tucson Tabernacle, 2555 North Stone Avenue, Tucson, Arizona 85705, USA. Электрон почта мазили (books@tucsontabernacle.com). Рус тилига таржима қилинган китобни қуйидаги манзилга буюртма қилишмумкин: Denis Petsevitch, a/k 24, Kekava, Rigas rajons, LV-2123, LATVIJA. htpp://www.message.lv; denis@latnet.lv

2. *“Ҳаммси мумкин — фақат ишон: ҳозирги Америкада харезматик ва шифоланиш бўйича уйғониш”,* кичик Девид Харрелл, 1975 й. 50-йилларда Уилльям Бранхам хизмат фаолиятининг бошқа черков хизматларида шифоланиш ва уйғонишда кескин кўтарилишни бошлаб берганлигини кўрсатади.304-бетлар. Инглиз тилида Индиана Штати Университетида сотиб олиш мумкин: Indiana University Press, 601 North Morton Street, Bloomington, Indiana 47404, USA.

3. *“Масиҳ— Шифокор”,* Ф.Ф.Босфорт, 1973й. Фред Босфортнинг ваъзлар тўплами, 20-30-йилларда ваъз қилган, қайсики у Калом билан Исо Масиҳ ҳамишадагидек бизнинг кунларимизда ҳам Шифокорлигини исботлади. 241-бет. Инглиз тилида сотиб олиш мумкин: World Outreach Publications, P.O. Box 4402, Dallas, Texas 75208, USA.

4. *“Вақт қумларидаги излар”,* “Сўзланган Калом Нашриётида”нашр қилинган,1975й. Уилльям Бранхам ўзи айтиб берган ғайритабиий ҳаёти тўғрисидаги ҳикоялар тўплами. Автобиографик ҳикоялар ва ёзиб олинган ваъзларидан олинган. 700-бет.

5. *“Мен самовий ваҳийга қаршилик қилмадим”,* Уилльям Маррион Бранхам, 1947й. Етти ёшар Бетти Догертининг шифоланиши ва кейинчалик Миссури штати, Сент-Луисдаги шифоланиш компаниясидаги ҳар кунлик тавсифи келтирилган 27-бет.

6. *“Исо Масиҳ кеча, бугун ва абад-ул-абад Ўшадир”* Уилльям Маррион Бранхам, 1936й. 1932 йил иймонга кирганидан сўнг унинг хизматга илк чақирилиши, биринчи ваҳийлар ва шифоланишлар. 21-бет. Voice of God Recordings, Inc., P.O. Box 950, Jeffersonville, Indiana 47131, USA дан олиш мумкин.

7. *“Фақат ишон!”* журнали. Нашрчи Ревекка Бранхам Смит. Бу журнал асосий ўринни Уилльям Бранхамнинг ҳаёти ва хизматига ажратади. Инглиз тилида Интернетдаги www.onlybelive.com

8. *“Уилльям Бранхам — Худо юборган инсон”,* Гордон Линдсей (Уилльям Бранхам билан биргаликда), 1950 й. 1950 йилга қадар бўлган ҳаётини қамраб, унда Жек Моор, Гордон Линдсей ва Фред Босфорднинг мақолалари киритилган. 216- саҳифа. The William Branham Evangelistic Association, P.O.Box 325, Jeffersonville, Indiana 47131, USA.

9. *“Пайғамбар Уилльям Бранхам Жанубий Африкага ташриф буюради”,* Юлиус Стедсклю, 1952 й. Уилльям Бранхамнинг 1951 йили Жанубий Африкага боргани тўғрисида муфассал ҳисобот. 204-бет. Сотиб олиш мумкин: The William Branham Evangelistic Association, P.O.Box 325, Jeffersonville, Indiana 47131, USA.

Уилльям Бранхамнинг инглиз тилидаги ваъзларини қуйидаги манзиллардан сотиб олишингиз мумкин:

Bible Belivers, 18603-60th Avenue, Surrey, BC V3S-3P4, Canada.
Сиз ваъзларни Интернетнинг www.bibleway.org.

End Time Message Tabernacle, 9200-156 Street, Edmonton, Alberta T5R 1Z1, Canada.

The World Publications, P.O. Box 10008, Glendale, Arizona 85318, USA.

Voice of God Recordings, P.O. Box 950, Jeffersonville, Indiana 47131, USA. Бу ерда сиз аудиокассетада , аудио-компакт-дискда ёзилган ва китоб кўринишида сотиб олишингиз мумкин. Тарқатилаётган ҳамма ваъзларнинг рўйхати бор. Бунинг устига Voice of God Recordings изловчи программалари билан бирга (CD-ROM) компьютер компакт дискларида ёзилган Уилльям Бранхам ваъзларини инглиз тилида тарқатади.

Уилльям Бранхам ваъзларини рус тилида китоб, брашюра, кассеталар ва аудио-компакт-дискларидасотиб олиш мумкин:

"Унга қулоқ солинг!" Vytenio 50-414, Vilnius 2654, Lietuva (Lithuania).

VOICE OF RECORDINGS, PL 1, 02761 ESPOO, FINLAND.

Ўз манзилингизни электрон манзилга denis@latnet/lvёки *Denis Petsevitch, a/k 24, Kekava, Rigas rajons, LV-2123, LATVIJA*га ёзиб, "У.М. Бранхам ваъзларини излаш программаси" рус версияда компютер дискларида сотиб олиш мумкин. Бу излаш (2-чиқариш) программа ўзида Библиянинг тўлиқ тексти (Синодал таржима) ва Уилльям Бранхамнинг 200 дан кўп ваъзларини ўз ичига олган. Ҳамма янги таржималар ва тузатилган таржималарини сиз интернетнинг(www.message/lv) сайтидан олиб, ўз программаларингизни тўлдиришингиз мумкин.

Мавзу кўрсатгичи

- Б -

Бранхам, буви
Билли туғилишида ёрдам беради

Бранхам, **Билли** (**Билл**)
Бранхам, Уилльямга қаранг

Бранхам, **Генри**
1911 йил туғилган

Бранхам, **ГовардДаффи**
1923 йил туғилган

Бранхам, Джеймс Дональд (“Донни”)
1927 йил туғилган

Бранхам, Джесси
1916 йил туғилган

Бранхам, Мэлвин
1912 йил туғилган

Бранхам, Уилльям (“Билли”)
1909 йил туғилган
“йўқолган” кукуруз-бодроғи
Раббий Исо Масиҳ исмига чўқинтирилган
Ғарбни севган
Шеър ёзган
Мактабга бора бошлаган
Қурол отилишидан яралланган
Оёқ операцияси
Пулга муносабати
Газ билан заҳарланган
Гўдаклигидан Худога бағишланган
Хизматга бағишланган
Коммунал хизмат компаниясида ишлаган
Ўрмон қушларини муҳофаза қилувчи инспектор ўринбосари
Насл-насаб тарихи
Туғилгандаги Нур
Боксёр бўлган
Ковбой бўлган
Музлаб қолиш хавфи
Кўричак олиниши

Бранхам, Фэй Дэлорес (“Дэлорес”)
1929 йил туғилган

Бранхам, Хоуп (Брумбах)
Билли Бранхам билан учрашгани

Бранхам, Чарльз, каттаси
Бранхам, Чарльз кичкина
1919 йил туғилган

Бранхам, Эдвард
1910 йил туғилган
1929 йил ўлган

Бранхам, Эдгар Ли (“Док”)
1914 йил туғилган

Бранхам, Элла (Харви)
Насл-насаб тарихи
Биллининг оқ булутлар устида ваъз қилганлиги тўғрисидаги туши
Музлаб қолиш хавфи

Брумбах, Амелия Хоуп
Бранхам Хоупга қаранг

- В -

Ваҳий
Мэри Дер Оханионни шифолиниши
Уилльям Мэрилланинг шифоланиши
Ғарбдаги хоч
Огайо дарёси устидаги кўприк

- Д -

ДеАрк, Джордж
Уилльям Бранхам ваҳийсида бор эди
Мэри Дер Оханион шифоланишида гувоҳ эди
Уилльям Мэрилла шифоланишида гувоҳ эди

Дэвис, доктор Рой
Баптистларнинг Миссионерлик черкови пастори
Билли Бранхамни хизматга бағишлади
Имонсиз одамнинг даъватини қабул қилди

- И -

Ичмаслик қонуни
Спиртли ичимликларни сотмаслик ва истеъмол қилишни ман қиладиган қонун.

- О-

Ов ва балиқ тутиш

- П-

Пайғамбар башорати

"Сиз Нью-Олбани деган шаҳар яқинида яшайсизлар".

"Қачонки улғайсанг, сенга меҳнат бўлади".

- Қ-

Қўқиқлар

Ковбойлар балладаси

"У ерда хочда"

- Т-

Туннель Милл

("Туннель Миллдаги ғор"га қаранг)

Билли бу ерни балиқ тутиш ва ов қилиш учун топди

Туннель Миллдаги ғор

Унинг топилиши; Биллининг ёлғиз қоладиган жойи

Туш

Элла Бранхамнинг Биллини оппоқ булутлар устидан ваъз қилишини кўриши (Элла Бранхамга қаранг)

Таъминот

Ўн улуш

Қарзни тўлай олмаслик

Шифоланиш

Раббий Исо Масиҳ исмига чўқиниш

- Х-

Худонинг бўрони, гирдоби, қуюни

Худо Аюбга бўрондан гапирди

Шамолдай эшитилиб келди

- Ғ -

Ғайритабиий кечинмалар

Ўлай деганида, Худо гапирди

Чекишдан чақланди

Ичкиликбозликдан сақланди

Умидсизлик қотилидан сақланди

Биринчи марта йўқолган жонлар орасида Овозни эшитди

Унга ҳамроқ бўлиб юрган Нурни фолбин аёл кўрди

Теракдаги (гирдобдан) шамолдан Овоз

Астролог-аёл ундаги нур-шулъасини кўрди

"Ҳеч қачон ичма, чекма ва ўз танангни ҳеч қандай тарзда расво қилма."

Билли имонга келгандаги, унга шуълаланган хоч

"Мен сени чақирдим, сен эса келмадинг."

Ғайритабиий нур

Оёқ операциясидан сўнг

Унинг имонга келганидаги

Унинг туғилишидаги

- Ш-

Шифоланиш

Мэри дер Оханион

Уилльям Мэрилла

Шеър

Билли Бранхам ёзган

"Ҳаёт Мадҳияси" Г.Лонгфелло

- Э -

Эдер, Сэм

Биллининг болаликдаги дўсти

ҒАЙРИТАБИИЙЛИК:
Уилльям Бранхамнинг ҳаёти

Оуэн Жоргенсен

Биринчи китоб:
Йигит ва унинг топталиши
(1909 — 1932)

Уилльям Бранхам туғилганиданоқ фавқулодда ўта қобилиятли бола эди. Қашшоқликдан ва хўрликлардан қийналган бола жуда асабий бўлиб қолди. У билан доим ғалати, сирга тўла, руҳий ҳолатлар бўлиб турди... Лекин 14 ёшида қуролдан яраланиб икки оёғидан ажралиб қолишига озгина қолмагунга қадар, Худо ҳақида ўйлаб кўрмади.Қони кўлмак бўлиб, ўлим ёқасида ётганида, умидсиз, адойи-тамом бўлган сарсон-саргардон жонларнинг ер қаъридаги манзилига тўхтовсиз тушавериб, у дўзахнинг даҳшатли кўринишларини кўрди, туйди. У Худога раҳм-шафқат сўраб ялиниб ёлворди ва унга қандайдир мўъжиза билан иккинчи имконият берилдики, кейин у бу имкониятни зўрға сақлаб қолди.

Иккинчи китоб:
Ёш йигит ва унинг оташинлиги.
(1933 -- 1946)

Ёш пастор Уилльям Бранхам ўзининг сирли ҳаётини тушунишга бор кучи билан ҳаракат қилди. Нима учун у шаҳарда ваҳий кўрадиган ягона хизматчи? 1936 йилда Худо унга Хушхабарни чет элларда ваъз қилишга биринчи марта чақирганда, у Худонинг даъватини инкор қилди ва бу хатоси унга жуда қимматга тушди: унинг хотини ва қизи силдан ўлдилар. Ваҳийлар эса аввалгидек келаверди. Хизматчилар унга ваҳийлар шайтондан дейишди. Охири оташинлик уни ўрмоннинг одам қадами етмаган хилват жойларида Худони излашга мажбур қилди, у ерда у ғайритабиий мавжудот билан юзма-юз кўришди. Ўша Фаришта унга Худодан топшириқ — бу дунё одамларига Худодан шифолаш инъомларини келтиришни буюрди. Одамлар бу унга ҳақиқатдан ҳам Фаришта учрашганига ишонмаслигини айтганида, унга уни чақирилганлигини тасдиқловчи иккита ғайритабиий аломат берилади, деди У. Ўшанда уларнинг ишонишларига тўғри келади. *Ва улар ҳақиқатан ҳам ишондилар.*

Учинчи китоб:
Худонинг фарзанди ва Унинг топшириғи.
(1946 -- 1950)

Тез орада Фаришта Уилльям Бранхамга учрашиб, унинг тақдирида унга бу дунёнинг одамлари шифоланиши учун инъом келтириш белгиланганлигини айтгач, биринчи аломат — фақат вирусли касалланган одамнинг қўлига қўли теккандагина бўладиган тебраниш пайдо бўлди. У топшириқни олгач, икки ой ичида Уилльям Бранхамдаги ҳайратланарли инъом бутун мамлакат диққатини ўзига тортди. У қутқарилиши ва Исо Масиҳ номидан Худо шифолашини ваъз қилган мажлисларида минглаб одамлар тўпланди. Ғаройиботлар сони кўпаяверди. Дунё Исонинг жинларни қувиб ва ҳамма беморларни шифолаб Галилея бўйлаб юрган кунларидан бери бунга ўхшаш ҳеч нарсани кўрмаганди.

Шунга қарамай, айрим одамлар шундай камтар одамга чиндан ҳам Фаришта учраганмикан деб шубҳаланардилар. Кейин иккинчи аломат пайдо бўлди... ва уларнинг ишонишларига тўғри келди!

Тўртинчи китоб:
Хушхабарчи ва унинг маъқулланиши
(1951 — 1954)

Уилльям Бранхам — ҳозирги замон тарихидаги парадокс. 1946 йилда унинг хизмати номаълумликдан ярим йилга қолмай, миллий масштабдаги эътиборни олишгача сакраш қилди, ва вақт ўтиши билан бутун дунёда имон билан шифоланиш уйғонишини алангалатди. У бу қаҳрамонликни улкан неъмат — ғайритабиий аломат туфайли амалга оширди, бу аломат эса одамларни бунга эътиборини қаратди. Тез орада бутун дунё бўйлаб Масиҳчилар буни пайқай бошладилар. 1951 — 1954 йиллар давомида Уилльям Бранхам ҳозиргача бутун тарихда энг йирик Масиҳчилар йиғилишини ўтказди: Бомбейдаги (Ҳиндистон) йиғилишларнинг бирида 300 000 га яқин одам иштирок этди. Унинг хизматига Америкада ва чет элларида эҳтиёж чексиздай эди. Аммо Уилльям Бранхам бутунлай қониқмаётган эди. Гўё нимадир нотўғридай эди. Буни нимадалигини у узоқ вақт билмади, аммо 1954 йил охирида у билди. Унинг хизмати ўзгариши керак эди.

Навбатдаги китоблар:

Бешинчи китоб:
Муаллим ва унинг раб этилиши
(1955 — 1959)

Олтинчи китоб:
Пайғамбар ва унинг ваҳийси
(1960 — 1965)

Инглиз тилидаги китобларни қуйидаги манзил бўйича заказ қилиш мумкин:

Tucson Tabernacle
2555 North Stone Avenue
Tucson, Arizona 85705
USA

Уилльям Бранхам туғилганиданоқ фавқулодда ўта қобилиятли бола эди. Қашшоқликдан ва хўрликлардан қийналган бола жуда асабий бўлиб қолди. У билан доим ғалати, сирга тўла, руҳий ҳолатлар бўлиб турди... Лекин 14 ёшида қуролдан яраланиб икки оёғидан ажралиб қолишига озгина қолмагунга қадар, Худо ҳақида ўйлаб кўрмади.Қони кўлмак бўлиб, ўлим ёқасида ётганида, умидсиз, адойи-тамом бўлган сарсон-саргардон жонларнинг ер қаъридаги манзилига тўхтовсиз тушавериб, у дўзахнинг даҳшатли кўринишларини кўрди, туйди. У Худога раҳм-шафқат сўраб ялиниб ёлворди ва унга қандайдир мўъжиза билан иккинчи имконият берилдики, кейин у бу имкониятни зўрға сақлаб қолди.